

Р 496

ГУЛИСТОН

ЭКЗ №4

3
1986

СИЗГА БАХТ ЁР БЎЛСИН, ЖАХОН ХОТИН-КИЗЛАРИ!

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Микробиология институтининг лаборатория мудири, биология фанлари доктори Машхура Мавлоний.
Т. Горяева фотоси

Самарқанд опера ва балет театри солисти Дилором Юсупова «Майсаранинг иши» операсидаги Ойхон ролида.
А. Губенко фотоси

ҚҚАССР Эликқалъа районидаги «Москва» совхози директори Жамила Бекжонова.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXI СЪЕЗДИ ТЎҒРИСИДА

ГБ УзССР
Н

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

30 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди иш бошлади. Съезд делегатлари орасида партия, революция, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ходимлари, Совет Армиясининг вакиллари бор.

Съездни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ очди.

Съезднинг раҳбар органлари: президиум, секретариат, редакцион комиссия, мандат комиссияси сайланади.

Делегатлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Съезднинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланади:

1. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисоботи.

2. Ўзбекистон Коммунистик партияси Ревизия комиссиясининг ҳисоботи.

3. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси тўғрисида.

4. Таклиф этилаётган ўзгартишлар билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Устави лойиҳаси тўғрисида.

5. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси тўғрисида.

6. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетини сайлаш.

7. Ўзбекистон Коммунистик партияси Ревизия комиссиясини сайлаш.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ Марказий Комитетнинг Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига ҳисобот докладини қилди.

Ревизия комиссиясининг раиси Ш. ЕҚУБОВнинг шу комиссия номидан қилган ҳисоботи тингланди.

Музокараларда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. АЛИМОВ, Хоразм область, Урганч районидаги Чапаев номли колхоз механизатори У. БОЛТАЕВА, Ангрен шаҳридаги «Узбекшахтастрой» трестининг ғишт терувчилар бригадири Д. А. ЗАЗУЛИН, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. САЛИМОВ, Қашқадарё областидаги Муборак газни қайта ишлаш заводининг оператори О. Н. СИБРЯЕВА, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. РАЖАБОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти П. Қ. ҲАБИБУЛЛАЕВ, Ўрта Осиё темир йўли Тошкент локомотив депосининг машинисти Х. А. ИСАМУҲАМЕДОВ, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони Н. И. ПОПОВ, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. САЛИКОВ, Андижон область, Андижон районидаги Энгельс номли совхоз сут согувчиси Х. ҒОФУРОВА, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. ЖЎРАБЕКОВ, Самарқанд шаҳридаги 2-болалар юқумли касалликлар шифохонасининг бош врачи Л. А. ҚАЮМОВА, Косонсой район партия комитетининг биринчи секретари С. КАРИМОВ сўзга чиқдилар.

Съезд Мандат комиссиясининг раиси П. В. ДОГОНКИН шу комиссия номидан қилган докладни тинглади ва тасдиқлади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди 31 январь куни ўз ишини давом эттирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ревизия комиссиясининг ҳисоботлари юзасидан музокараларда: Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. МАМАРАСУЛОВ, Тошкент Тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари У. СУЛТОНОВА, Навоий конметаллургия комбинатининг директори Н. И. КУЧЕРСКИЙ, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. САТИН, Сурхондарё область, Қумқўрғон районидаги «Москва» колхозининг раиси Р. ЧОРИЕВ, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. АЛИМОВА, Сирдарё область ижроия комитетининг раиси И. ҚЎЧҚОРОВ, Ўзбекистон ССР маориф министри О. АББОСОВА, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. УМАРОВ, Ўзбекистон ССР прокурори А. В. БУТУРЛИН, Бухоро область, Когон районидаги «Партия XXII съезди» совхози партия комитетининг секретари О. У. РАЖАБОВА, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари В. Т. ОДИЛОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси президиумининг раиси Ў. Р. УМАРБЕКОВ, «Джизакводстрой» трести 5-механизмлашган кўчма колоннасининг экскаваторчиси Н. П. ЛАРИОНОВ, Андижон область, Ленинск шаҳар маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бошқармасининг катта диспетчери З. ЭГАМБЕРДИЕВА, «Ўзбекфильм» студиясининг актёри Ў. С. АЛИХЎЖАЕВ, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. ДАДАЖОНОВА сўзга чиқдилар.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ишини қониқарли деб ҳисоблади ва унинг КПСС Марказий Комитети 1985 йил Апрель ва Октябрь пленумлари, шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми ва шундан кейинги пленумлари қарорларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини маъқуллади.

Съезд КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

Съезд КПСС Уставига ўзгартишлар лойиҳасини маъқуллади ва шу масала юзасидан қарор қабул қилди.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлади.

Съездда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. ҚОДИРОВ «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси тўғрисида» доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда: Андижон область пар-

тия комитетининг биринчи секретари М. М. ОРИПЖОНОВ, Сирдарё область, Гулистон районидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси Д. С. НАЗАРОВА, Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори К. Ғ. СОДИҚОВ, Фарғона область, Езёвон районидаги «Правда» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи З. ЭРГАШЕВА, Қарши шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. А. ЛОЗИЦКИЙ сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXI съезди 1 февраль куни ўз ишини давом эттирди.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси тўғрисида»ги доклад юзасидан музокараларда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси Д. С. ЕДГОРОВ, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи Э. ТУРСУНОВ, Хоразм область, Гурлан район ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари — район агросаноат бирлашмаси раиси Т. ОРТИҚОВ, Бухоро область «Ўзбекбургаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси ремонтчи слесарлар бригадири В. Ф. СТРЕЛЬЦОВ, Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри П. К. НЎЪМОНОВ, «Узстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Самарқанддаги 17-автобаза ҳайдовчиси Т. Б. ТУРДИМАТОВ сўзга чиқдилар.

Съезд «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси тўғрисида»ги доклад юзасидан қарор қабул қилди.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ якунловчи нутқ сўзлади.

Сўнгра съезд Ўзбекистон Коммунистик партияси раҳбар органларини сайлашга ўтди.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ва Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясини сайлади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди ёпиқ деб эълон қилинади.

Делегатлар партия гимни — «Интернационал»ни ижро этадилар.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитети Маъмурий органлар бўлими мудирининг ўринбосари В. А. АБОЛЕНЦЕВ, КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими сектори мудирининг ўринбосари И. Е. ПОНОМАРЕВ иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1 февраль куни Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди сайлаган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди.

Пленум И. Б. УСМОНХЎЖАЕВни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайлади.

В. П. АНИШЧЕВ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Р. Ҳ. АБДУЛЛАЕВА, В. А. АНТОНОВ, А. С. ИКРОМОВ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари ва бюро аъзолари қилиб сайландилар.

В. Н. ЛОБКО Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди, қурилиш бўлимининг мудири этиб тасдиқланди.

Т. А. АЛИМОВ, В. А. ГОЛОВИН, Ғ. Ҳ. ҚОДИРОВ, Н. И. ПОПОВ, О. У. САЛИМОВ, К. САЛИКОВ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари қилиб сайландилар.

П. В. ДОГОНКИН Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзоси этиб сайланди ва ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири қилиб тасдиқланди.

Ҳ. АЛИМОВА, И. Ҳ. ЖЎРАБЕКОВ, В. К. МИХАЙЛОВ, Б. Ф. САТИН, В. А. ХАЙДУРОВ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидатлар қилиб сайландилар.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлимларининг мудирларини тасдиқлади: пропаганда ва агитация бўлими мудирлигига С. ҚУРБОНОВ, фан ва ўқув юртлари бўлими мудирлигига Н. ТЎХЛИЕВ, маданият бўлими мудирлигига Д. Т. МАДИКАРИМОВА, маъмурий органлар бўлими мудирлигига Д. А. УСАТОВ, ахборот ва чет эл алоқалари бўлими мудирлигига Э. Қ. ҲАЙИТБОЕВ, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими мудирлигига В. И. ПЛЕТНЕВ, сув хўжалиги бўлими мудирлигига В. И. СУСКИН, экономика бўлими мудирлигига Ш. ҲОЖИМУРОТОВ, савдо ва маиший хизмат бўлими мудирлигига Б. И. БУГРОВ, оғир саноат ва машинасозлик бўлими мудирлигига С. А. АСРИЯНЦ, транспорт ва алоқа бўлими мудирлигига П. М. АБДУРАҲМОНОВ, умумий бўлим мудирлигига Қ. ТОИРОВ тасдиқланди. Р. Ҳ. АБДУЛЛАЕВ партия комиссиясининг раиси, З. ҲАЙДАРОВ ишлар мудири этиб тасдиқланди.

Пленум Л. П. ҚАЮМОВни «Совет Ўзбекистони» газетасининг, Г. Г. НЕКЛЕССАни «Правда Востока» газетасининг, Ш. НИЕЗОВни «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг, Н. А. УМЕРОВни «Ленин байроғи» газетасининг, А. Ғ. МУХТОРОВни «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг редакторлари этиб тасдиқлади. Р. А. НУРУЛЛИН «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журналининг, Б. ЮСУПОВ «Партия турмуши» — «Партийная жизнь» журналининг бош редакторлари этиб тасдиқланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Маъмурий органлар бўлими мудирининг ўринбосари В. А. АБОЛЕНЦЕВ, КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими сектор мудирининг ўринбосари И. Е. ПОНОМАРЕВ қатнашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

1 февраль куни Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида сайланган Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. М. А. ЗОИДОВ Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ЯНГИ ҚУРИЛМА АФЗАЛЛИГИ

Енгил саноатнинг асосий хомашёси бўлган пахтани қайта ишлашда асосий кўрсаткич тола ажратиб олиш ҳисобланади. Бошқача талқин қилганда, маълум миқдордаги пахтадан қанча кўп тола олинса, унинг танархи шунча камаяди. Ҳозирги шароитда пахта заводларидаги жин машиналари чигитдан толани тўла ажратиб ололмаяпти. Бир ярим-икки процент тола чигит билан кетаяпти. Бу ҳол наманганлик тадқиқотчи олимлар Ҳамидхон Аҳмадхўжаев, Рустамжон Муродов ва Ҳамидхон Исаҳонов, Олимжон Ҳожиевларни қизиқтириб қолди. Уларнинг узоқ йиллик тажрибалари, лабораторияларда ўтказилган синовлари, ўз самарасини берди.

— Гапнинг лўндаси, — дейди Наманган-даги 3/4-пахта тозалаш заводининг бош инженери Олимжон Ҳожиев, — жинда яхши тозаланмаган чигитдан толани тутиб қоладиган янги қурилма яратилди. Бу тажриба тариқасидаги қурилма замирида чигитни саралаш ва қуритиш операциялари ётади. Ўрганишлардан маълум бўлишича, жиндан ўтказилган қолдиқ толали чигит уч хил бўлар экан. Бу чигитларни саралаб, хилига қараб, муайян ҳароратдаги ишлов билан, жинлардан қайта ўтказилса, сўнгги толани ҳам асосан ажратиб олса бўлади. Қурилма саралаш билан бирга чигитни қуритиш вазифасини ҳам ўтайди. Бу янгилик шарофати билан ҳар тоннадан 1,5-2 килограмм, битта пахта тозалаш заводи шароитида ўртача қайта ишловчи 80-85 минг тонна пахтадан қўшимча равишда 72-75 тонна атрофида тола олиш мумкин.

— Бу эса, — дейди завод план-иқтисод бўлимининг бошлиғи Гулчеҳра Шамситдинова, — заводимизга йилига кам деганда 94—100 минг сўм нақд фойда келтиради. Қурилманинг чигитдан ёғ тайёрлаш, толани пиликлаш каби кейинги ишлаб чиқариш жараёнларига ҳам сифат ва самарадорлик жиҳатидан таъсири бор. Бу қурилмани СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Авторлик гувоҳномаси бериш Давлат Комитети тасдиқлади ва у 1985 йилги ҳосилни қайта ишлаш мавсумида мазкур заводда ишлатилди.

Тадқиқотчиларимиз яратган бу янгиликнинг натижаси ёмон эмас. Маълумки, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Наманган филиали областдаги енгил саноат корхоналарига инженер кадрлар тайёрлайдиган даргоҳлардан биридир. Бу коллективда яхши анъаналар шаклланаяпти. Ўқитувчи ва олимлар қатор корхоналардаги, айниқса, Попдаги нотўқима материаллар фабрикаси, Наманган, Норин, Задарёдаги пахта заводлари, Наманган шойи ва ипак комбинатларидаги ишлаб чиқариш жараёнларига актив аралашадилар. Ишлаб чиқариш цехларида бўлиб, технологик муаммоларни ўрганадилар, ишчи ва мутахассисларга яқиндан ёрдам беришга интиладилар.

Йигирилаётган ип ва тўқилаётган шойи газламалар шакл хусусиятининг ўзгаришини олдиндан аниқлаш методларини ишлаб чиқиш ва қўлланиш ҳақида ёш тадқиқотчи Нуранбой Ўразов яратган янгилик анча эътиборга моликдир. Унинг тола ва чигитнинг сифатини яхшилаш мақсадида пахта хомашёсини ташиш-узатиш жараёнини такомиллаштириш, чигитни узлуксиз технологик жараёнда қайта ишлаш ва қуритишнинг янги технологиясини яратиш каби маҳаллий саноатнинг туб моҳиятига алоқадор мавзулар устида тадқиқот олиб бораётганлиги диққатга сазовордир. Юсуфжон Тошмирзаев, Акрамжон Акбаров ва Абдураҳмат Қўзиевларнинг изланишлари ҳам мазмун эътибори билан фан-техника тараққиётининг такомилига муносиб ҳисса қўшишга қаратилгандир. Илмий коллективнинг ишлаб чиқариш коллективи билан ҳамкорликда бундай тадқиқотларни олиб бориши яхши натижа бераяпти.

Институт коллективининг физика-математика фанлари кандидати, доцент Ҳамидулла Ҳусанов раҳбарлигида олиб бораётган илмий изланишлари ҳам анча самарали бўлаяпти. Ҳаққулободдаги пахта тозалаш заводида ташиш-узатиш агрегатига ўрнатилган мослама туфайли пахтани ифлосликдан тозалаш 8-10 процент ошди, ўтган хўжалик йилида тўпланган ҳосилни қайта ишлашда бу мослама жуда катта фойда келтираяпти.

Институтнинг бу филиалида 26 нафар ёш педагог ана шундай қизғин изланиш билан банд, жумладан 11 киши аспирантурада таҳсил олаётир. Бу олий даргоҳда студент ёшларни ҳам илмий-тадқиқот ишларига тортишга, улардаги қобилиятни шакллантиришга жиддий эътибор берилмоқда. 1985 йили битирувчиларнинг кўпчилиги ўз диплом ишларига ишлаб чиқаришнинг долзарб масалаларини таҳлил объекти қилиб олдилар. «Тўқимачилик машиналари» кафедрасида машғул бўлган кечки бўлим битирувчиси Насимжон Каримов Тўрақўрғон пахта тозалаш пунктида муҳим янгилик кашф этди. Унинг диплом ишида акс эттирилган мослама пахтани гард юқтирмай бунтлашда қўл келади. Ҳаракатланувчи юклагичга ўрнатилган бу мослама кўплаб чанг, хас-хашакни ажратиб олади. Бу мосламадан фойдаланиш учун тўрақўрғонликлар янги мавсумни кутиб ўтиришмади. Ундан 1985 йил ҳосилини қайта ишлашда ҳам, ҳосилни қабул қилишда ҳам кенг қўлланилди. Бу соҳада ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил олаётган студентларнинг изланишлари самарали бўлаяпти. Ана шундай қобилиятли битирувчилардан бир нечаси илмий изланишларни давом эттириш мақсадида институтда олиб қолинди.

Яқинда институт филиалида технологик янгиликларни синаб кўриш, такомилига етказиш учун барча шароитлар муҳайё этилган махсус илмий лаборатория ташкил этилди. Ватанимиз пойтахти Москва, Ленинград, Киев ва Сибирга қилинган ижодий командировкаларнинг натижаси ўлароқ, бу синов лабораторияси вужудга келди.

— Бироқ, ҳали амалга ошираётган ишларимиздан қаноат ҳосил қила олмаймиз,— дейди филиал директори, техника фанлари кандидати Ҳ. Аҳмадхўжаев. — Зотан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Иноможон Бузрукович Усмонхўжаевнинг Тошкентда бўлиб ўтган партия-хўжалик активи йиғилишидаги докладида: «Бизда олий мактаб ўқитувчиси бажараётган илмий-тадқиқот ишлари ҳажми Умумиттифоқ даражасидан уч марта камдир», — деган танқидий фикри педагог-олимларнинг зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

Институт филиали лабораториясида изланишлар давом этаётган бир пайтда у ерда бўлдик. Тажрибали мутахассис Ҳамидулла Ҳусанов билан Акмалхон Абдураҳимов, Юсуфжон Тошмирзаев, Козимжон Мирдадаев ва Маликжон Хўжаевлар физика лабораториясида қизғин баҳс юритишаяпти. Нариги хонада эса, механика факультетининг педагоглари — Рустамжон Қаҳҳоров ва Мубошир Абдувоҳидов, иқтисодчи аспирант Ҳабибулла Эргашев ўз изланишлари билан машғул. Бу ерда мамлакатда фан-техника тараққиётини ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшиладиган янги тадқиқотларнинг режалари яратилмоқда. Бу ишда институт олимларига шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси бош инженери Ҳабибулла Абдураҳимов, 3/4-пахта тозалаш заводи бош инженери Олимжон Ҳожиев, шу завод инженери Неъматжон Исаҳонов ва бошқа қирқдан ортиқ рационализаторлар яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Т. СУЛАЙМОНОВ

Наманган

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 3 (433)
Март
1986

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

© «Гулистон», № 3, 1986 й.

ОЗОД ШАРҚ АЁЛЛАРИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тарихий ғалабаси Шарқ хотин-қизларининг тақдирида янги, мислсиз босқични бошлаб берди. Ҳозирги фаровон турмушимиз қонли курашлар, эвазига қўлга киритилди. Инқилобнинг қудратли тўлқинидан оёққа қалққан Шарқ аёллари ўзларининг асрлар давомида зулмат қўйнида бўғилган ўтмишларига барҳам бердилар.

Ҳар баҳорнинг ўз қалдирғочлари бўлгани каби озодлик ва тенглик учун курашганларнинг ҳам ўз биринчилари бор эди. Зуҳра Юсупова ўлкамизда инқилобий ҳаракатларда фаол қатнашган ана шундай коммунист аёлларимиздан эди. У умр йўлдоши Собир Юсупов билан биргаликда 1911 йилдан бошлаб революцион ҳаракатларда қатнаша бошлади. Бу жасур аёл шунинг учун Бухородан қувғин қилинди.

— 1919 йилнинг ёзи эди, — деб эслайди босмачи тўдаларига қарши кураш қатнашчиларидан бири, ўша воқеаларнинг гувоҳи А. Чилвинцев. — Ўш шаҳар гарнизони қалъаси икки кундан буён душман ҳужумини даф этиб турарди. Вазият жуда жиддий, шаҳарнинг жангга яроқли аҳолиси Қизил Армия сафларига қабул қилинган ва улар қалъа гарнизони билан бирга мардона туриб шаҳарни ҳимоя қилишарди. Қалъа ҳимоячилари ночор аҳволда қолишган, уларнинг оилалари босмачилар эгаллаб турган территорияларда азобланишарди. Қалъа эса тамомила қуршовда қолган, вазиятни фақат босмачининг тўдаларидан ўч олиш мақсадида у ерга қуролли отряд юбориш илтимоси билан 1921 йил июнь ойида Андижондаги босмачилик ҳаракатини тугатиш сиёсий бюросига мурожаат қилди. Белгиланган участкага юборилган отряд босмачиларнинг қаттиқ қаршилигига учради. Бўлиб ўтган шиддатли жангда Шарофатнинг эри ҳалок бўлди. Бу йўқотиш разведкачи аёлни янада фаолликка ундади. Аммо кўп ўтмай жасур разведкачи муҳим топшириқни бажараётиб ҳалок бўлди...

Номлари халқимиз дилига мангу битилган ана шундай жанговар хотин-қизларимиздан яна бири Майна Ҳасановадир. У Ғузор районидаги тоғаси Ҳасан овчининг эшигида вояга етди. Ҳасан овчи етим жиянидан меҳрини аямади. Унга ўз касбининг миридан-сиригача ўргатди.

Бир гал у яраdор жайронни ўлжа қилиб қайтаётганида Ойнакўл бўйида амир чавандозларига дуч келиб қолди. Майнани Ғузор беклигининг қалъасига олиб боришди ва амир қўшинларининг ишонган лашкарбошиларидан бири — бухоролик бойвачча Валихон ихтиёрига топширишди. Мағрур Майнанинг қатъий нигоҳларига дуч келган Валихон у билан кўнгилхушлик қилишни, ўзининг мутеъ хизматкорига айлантиришни режалаб қўйди. Жасур Майнани ҳеч қандай зўрлик, ҳақорат бўйин эгдира олмади. Бу ерда дилига яқин дардкашлар ҳам топилди. У танишлари Хадича ва Абдуваҳоблар ёрдамида бу ердан қочишга аҳд қилди.

Босмачилар яраdор Майнани қийнадилар. М. В. Фрунзе армияси ҳақида маълумот талаб қилдилар. Бироқ Майна миқ этмади. Қизил аскарлар уни ваҳшийлар қўлидан халос қилганида жасур разведкачининг аҳволи оғир эди. Уни аввал Тошкентда, кейинчалик Москвада даволадилар... 1978 йили янги, кўркам посёлкалардан бирида жасур ўзбек аёли Майна Ҳасанованинг ҳайкали ўрнатилди. М. В. Фрунзе айтганидек, унинг номи қўшиқларда куйланадиган бўлди.

Улуғ Октябрь уйғотган шуур Туркистон меҳнаткашларини озодлик, ёрқин келажак, ленинча ғояларни инсоният қувончига айлантириш ишига сафарбар этди. КПСС аъзоси, разведкачи Рисолат Ҳайдарова ва Тўхтахон Тожибоева ўтмишнинг чиркин иллатларидан, хурофот азобларидан қутулиш учун курашган Шарқ хотин-қизларининг олдинги сафларида бордилар. Уларнинг эҳтимол тутилаётган мадад кучларигина ўзгартира олиши мумкин эди. Қалъага тўсатдан бир гуруҳ душман тўдалари ёриб кириб, ҳамма ёққа ўт қўя бошлади. Ҳалокатли онлар яқин эди. Шу дам матонатли коммунист Зуҳра Юсупова қўшинларга қарата отаиш мурожаат қилиб, ўзи шахсий намуна кўрсатиб, жангчиларни олға ундади. Бу билан у жанговар дўстларини руҳлантириб юборган эди. Босмачи галалари қалъани ташлаб қочдилар. Шундан сўнг бу жасур аёл шаҳар аҳолисининг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида босқинчилар билан музокара олиб бориш учун юборилди. Кўп ўтмай Андижондан кутилган мадад келди. Босмачилар галаси қувиб юборилди. Ўша жангда кўрсатган матонати туфайли Зуҳра Юсупова сафдошларининг ҳурмат-эътиборини қозонди ва у ЧК аъзолигига қабул қилинди...

Аҳолининг революцион ҳаракат моҳияти ҳақидаги тушунчалари турлича эди. Шунинг учун ҳам улар бу ҳаракатга турли йўллар билан кириб келдилар. Разведкачи аёл Шарофатхон Каримова ўз тақдирига муносабатини эри туфайли ўзгартирди. У турмуш ўртоғининг ўгалар ҳисобига кун кечиришига, босмачилар билан ҳамтовоқлик қилишига бефарқ қарай олмади. Дастлаб у енгил табиатли эрини бу қабиҳ йўлдан қайтармоқчи бўлди. Бироқ, унинг ҳаракатлари фойдасиз эди. Чунки у аллақачон ўзи сингари айш-ишрат, бойликка муккасидан кетганлар билан оғиз-бурун ўпишишга улгурганди. Оиланинг барбод бўлиши Шарофатхонни ларзага солди. Турмушига оғу солган, айни пайтда Пистамозор деган ерда макон қурган Жўра Кунларнинг бирида остонада куёвлардай ясанган, ширакайф Валихон пайдо бўлди. Унинг айёрона қисилган кўзлари айш истарди. Майна вазиятни қўлдан чиқармаслик мақсадида ортиқча қаршилик кўрсатмай, пайт пойлади. Валихон Майнанинг мойиллигини кўриб, гўё у тавбасига таянган, деб ўзининг қудратидан ҳаволанарди. Зум ўтмай бойнинг маузери чапдаст овчи қизнинг қўлида пайдо бўлди. Энди Валихон унинг пойига йиқилиб, тавба-тазарру қиларди. Бироқ вақт қисқа эди. Тиз чўккан лашкарбоши икки ўқдан сўнг ер тишлади. Кейин Майнанинг Когонга етиб олиш машаққатлари бошланди... Когонда эрк ҳимоячилари — жанговар қизил аскарлар, шонли революционерлар уни ўз сафларига қабул қилиб олдилар. Майна жанговар дўстларининг сафида комсомолга қабул қилинди. Валихондан тортиб олинган маузер эса энди унинг қўлида — революция душманларига қарши қаратилди.

Қўмондонлик Майнага ишонар, унга ўта масъул топшириқлар берар эди. Ўзбек аёлининг жасорати буюк саркарда М. В. Фрунзе эътиборига тушди. Саркарда бу оловқалб Майна Ҳасановани Қизил Байроқ орденига тақдим этди.

— Сиз, — деган эди ўшанда М. В. Фрунзе, — ўз халқингизнинг шонли қизисиз. Сиз ҳақингизда қўшиқлар битилади. Сиз бунга муносибсиз..

Отряд командири ўз разведкачилари билан Ўратепа яқинидаги тоғ томон яширинча борарди. У ерга душманлар ўрнашиб олганлиги ҳақида маълумотни ойдинлаштириш керак эди. Душман отряд ҳаракатини сезиб қолди. Босмачилар отрядни ўққа тута бошлади. Разведкачилардан атиги икки киши тирик қолди. Бироқ улар қаршилик кўрсатишда давом этарди. Бу ерга турк эмиссари Усмонбекнинг қутурган тўдалари ин қўйган эди. Эмиссар қизил армиячи Майнани таниб қолди ва уни тириклайин қўлга олишни буюрди. Ўнлаб йиртқич босмачилар Майнага ташландилар. Қўлидаги қуролни дадил ишга солаётган Майнани кўрган босмачилар ваҳимага тушиб, у томонга портлагич ирғитдилар...

Босмачилар яраdор Майнани қийнадилар. М. В. Фрунзе армияси ҳақида маълумот талаб қилдилар. Бироқ Майна миқ этмади. Қизил аскарлар уни ваҳшийлар қўлидан халос қилганида жасур разведкачининг аҳволи оғир эди. Уни аввал Тошкентда, кейинчалик Москвада даволадилар... 1978 йили янги, кўркам посёлкалардан бирида жасур ўзбек аёли Майна Ҳасанованинг ҳайкали ўрнатилди. М. В. Фрунзе айтганидек, унинг номи қўшиқларда куйланадиган бўлди.

Улуғ Октябрь уйғотган шуур Туркистон меҳнаткашларини озодлик, ёрқин келажак, ленинча ғояларни инсоният қувончига айлантириш ишига сафарбар этди. КПСС аъзоси, разведкачи Рисолат Ҳайдарова ва Тўхтахон Тожибоева ўтмишнинг чиркин иллатларидан, хурофот азобларидан қутулиш учун курашган Шарқ хотин-қизларининг олдинги сафларида бордилар. Уларнинг

Баҳри опанинг А. А. Усеинова-Невретдинова, Тўтихон Қаландарова, Ойимсахон Исаboева, Баҳрибиби Тоҳирова, Майсарахон Эрматова, Холбиби Муҳаммадиева, Дания Галимжонова, Файзибиби Фозилбоева, Жонохон Холматова, Адолатхон Абдуллаева, Азизахон Саидова, Ойнисахон Мирахмедова, Тўрахон ва Чиннихон Иброҳимова, Тўтихон Эрназарова, Солияхон Ҳабибуллаева, Майрамхон Пўлатова, Тожихон Пўлатова, Зубайда Умарова каби ўнлаб, юзлаб издошлари бор эди.

Юқорида номлари тилга олинганлар сингари озод Шарқ аёллари ўзларининг намуналн фаолиятлари билан Ўзбекистон меҳнаткашларининг фахрига айландилар.

А. ҚУҚОНБОЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор

ПАХТАМИЗ ҚАДРИ

Муҳокама, мулоҳаза, мунозара

Т-4 тутун қайтараяпти

Ўтган хўжалик йилида пахтакорларимиз катта синовдан ўтдилар. Эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда баъзи нуқсонлар ҳам кўзга ташланиб қолди. Бугунги кунда ана шу муаммоларнинг моҳиятини аниқлаш, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб масаладир.

Сирдарё область Комсомол районидаги «Коммунизм» колхози раиси, Ленин мукофотининг лауреати, республикада хизмат кўрсатган механизатор Жавод Кўчиев билан шулар ҳақида суҳбатлашишга ошиқаяпману, машҳур пахтакорнинг бу масалага қандай фикр билдиришини тусмоллаб бораяпман. Чунки Жавод Кўчиевга пахтачилигимизнинг ҳар иккала жиҳати — деҳқончилик ҳам, қишлоқ хўжалик техникалари ҳам бош қўлдек маълум.

У киши билан колхоз правлениесининг идорасида, иш устида учрашдик. Тўладан келган, оддий, босиқ, мулоҳазакор бу кишининг ишбилармонлиги шундай юз-кўзидан билиниб турибди.

— Олдимизда талайгина муаммолар борки, вақтни бой бермасдан уларни бартараф этишимиз керак, — вазминлик билан гап бошлади Жавод ака. — Биринчидан, қишлоқ хўжалигини, хусусан пахтачиликни қудратли, серунум механизация воситалари билан таъминлаш лозим. Кейинги йилларда пахтачиликдаги тажрибалар, айниқса, қишлоқ хўжалиги ихтиёридаги техникаларнинг иш унумдорлиги бугунги кун талабига жавоб беролмаётганлигини кўрсатаяпти. Масалан, хўжалигимизда 24 та Т—4 трактори мавжуд. Шуларнинг атиги 14 тасидан фойдаланса бўлади.

— Қолганлари-чи? — сўрайман ундан.

— Қолганларими? Очиғини айтишимиз керак. Улар янгилигида ишончимизни бор-йўғи икки йил оқлайди. Капитал ремонтдан сўнг далага олиб чиқишга ҳам ярамайди. Плуг ерга қадалиши билан тутун қайтаради. Ваҳоланки, биз шудгорлашни юзаки ўтказиб, ўзимизни алдашни хоҳламаймиз. «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда», дейди халқимиз. Шудгорлаш 40—45 сантиметр чуқурликда ўтказилиши шарт, Т—4 ларимиз эса шудгор пайтида бу талабни қондира олмаяпти. Аксарият пахта майдонларининг кузда шудгорланмай қолишига ҳам техникаларимизнинг яроқсиз аҳволдалиги ёки уларнинг унумсизлиги сабаб бўлаяпти. Маълумки, республикамизнинг аксарият хўжаликларида Т—4 занжирли тракторлардан фойдаланилади. Бу тракторлар ихтиёримиздаги энг қувватли техника ҳисобланади. Пахтакорларимиз юксак марраларни кўзлаб турган бугунги кунда агротехника қоидаларига тўла амал қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, планда белгиланган юқори ҳосилга эришиш ҳар жиҳатдан пахтачиликнинг ибтидосига — экин майдонларини кузда, фақат кузда тез ва соз сифатли шудгорлашга боғлиқ. Шундай экан, кузги дала ишларини ҳеч қандай нуқсонсиз ишлайдиган техникалар зиммасига юклашимиз лозим. Ихтиёримиздаги Т—4 ларимиз эса, бу жиҳатдан ҳар томонлама ожизлик қилаётир. Бу тракторни такомиллаштириш керак. Масалан, унинг ҳаракатлантирувчи занжирини олайлик. Занжир энсиз. Натижада плуг тишлари ерга чуқурроқ кириши билан трактор зўриқиб, занжири ер бағрини ўйиб киради ва тупроққа тиқилиб қолади. Еки, механик ҳайдовчининг ўриндиғи силкинишга мослаштирилган бўлса ҳам, ҳаракатлантирувчи қисмлар (ғилдираклар)да зарбни сусайтиргич (амортизация)нинг йўқлиги туфайли ўқариқ, жўяклардан ўтаётганда ҳам титраш даражаси ошиб кетади. Бу эса механик ҳайдовчи кайфиятига ҳам, иш унуми, сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Яна бир «айб» плугларимиздаги қусурлардир. Бу нуқсонларни икки ярусли плугларимизнинг кенгликни қамраб олишидан ислашимиз керак. Ҳозир ҳамма хўжаликларда деярли уч корпусли, икки ярусли плуглардан фойдаланилади.

Корпуслар энлаш оралиғи қуйидагича: биринчи корпус энлаш оралиғи 20 сантиметр, иккинчи корпус энлаш оралиғи 35 сантиметр, учинчи корпус энлаш оралиғи ҳам 35 сантиметр — жами 90 сантиметр кенглик қамраб олинади. Энди ўзингиз ҳисоблаб кўринг, 1 минг 500 гектар пахта майдонини шудгор қилиш учун қанча муддат, қанча ёқилғи, қанча тоқат керак бўлади.

Жавод ака дераза томон ярим ўгирилиб, оппоқ қор оғушида ётган қадрдон далаларига тикилиб қолди. Шу дамда у шудгор пайтида чекилган заҳматлар ҳақида ўйлаётган бўлса, ажаб эмас.


— Бу муаммоларни мутахассисларимиз билан далада — иш жараёнида таҳлил қилиб, биргаликда бартараф этсак бўларди. Тўғриси, қишлоқ хўжалигимиз қудратли тракторларга муҳтож. Айни шу кунларда бизга «К—700—1» маркали шинали тракторлар сув билан ҳаводай зарур. Ана шу тракторларга саккиз корпусли, тўрт ярусли, ер қатламига чуқурроқ кирадиган плуглар тиркалса, нур устига нур бўларди.

Шундай тракторлардан биттаси бир суткада 20 гектар ерни шудгорлаши мумкин. Унинг бошқа афзалликларини айтмайсизми. Ахир шудгорлаш мавсумида тракторчилар чанг ютишларининг олдини олиш ҳақида ҳозир ўйламасак, қачон ўйлаймиз. Еқилғи иқтисоди-чи?!

Ўртага чўккан сукутни Жавод аканинг ўзи бузди.

— Ҳеч бўлмаганда икки ярусли, корпуслар энлаш оралиғи 45×45 сантиметрли икки корпусли плугларни такомиллаштириш керак. Чунки бундай плуглар иш унумини оширади, қатор оралари шудгор қилинаётганда корпуслар оралиғига ғўзапоялар тиқилиб қолмайди. Мен ҳисоблаб чиқдим: агар шундай мосламалардан фойдаланилса, экин майдонларининг бегона ўт босиши 70—80 фойиз камаяди, бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги ўн баробар ошади.

Жавод аканинг эътиборини агар «К—700—1» маркали тракторлардан фойдаланиш йўлга қўйилган тақдирда шиналар



Техника ишга шай.
(ЎзТАГ)

Андижон область, Комсомолобод районидаги «Дўстлик» совхозининг механизмлашган бригадаси бошлиғи Саддинисо Тўхтасинова, сеялкачи Рустам Турдиев.

Р. Ашуров фотоси
(ЎзТАГ)



босган ер сатҳи ниҳоятда зичлашиб, ҳосилдорликка путур етказиши ёки шинали тракторлар кузнинг ёғин-сочинли кунларида далада ҳаракатланолмай қолиши мумкин, деган шубҳага тортдим.

— Янгилик албатта мунозарада туғилади, — деди у. — Шу пайт отам билан бўлган бир воқеа эсимга тушди. У пайтларда трактор билан ер ҳайдаш эндигина одат тусига кирган эди. Отам томорқамизни омоч билан ҳайдардилар. У кишига ёрдам бериб, ҳа деб, омочнинг кетидан бориб келавериш жонимга теккач, ерни трактор билан ҳайдатиб қўя қолайлик, деб балога қолганман. «Агар иш ёқмаётган бўлса, ўзимга қўйиб бер, ерни трактор билан ҳайдатиб майиб қилмоқчимисан...»

Аммо иш ҳадеганда унмасди. Отам сафарга чиқадиган бўлиб қолдилару, омоч билан ер ҳайдаш зиммамга юкланди. Отам кетиши билан еримизни трактор билан ҳайдатиб қўйдим. Кейин қиш бошланиб кетди. Отам сезмадилар, шу йили ҳосилимиз роса бўлиб берди. Воқеани юрагимга сиғдира олмадим. Отам шундан кейин техника қудратига тан берганлар. Т—4 ларимиз, уч корпусли плугларимиз ўз вақтида роса иш берди. Эндиликда давр янада катта талабларни ўртага ташламоқда. «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» лойиҳасида ҳам «Ун иккинчи беш йилликнинг бош вазифаси фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш, барпо этилган ишлаб чиқариш потенциалидан интенсив фойдаланиш, бошқарув системасини, хўжалик механизмини такомиллаштириш негизида экономикани ривожлантириш суръатлари ва самарадорлигини оширишдан ҳамда шу асосда совет халқининг фаровонлигини янада юксалтиришдан иборат» эканлиги алоҳида таъкидланганлиги бежиз эмас.

«АНТИҚА» ТАЖРИБА

«Ўтган хўжалик йилида «Коммунизм» колхози пахтакорлари 1 минг 500 гектар ерга «Тошкент—1» навли чигит қададилар. Гектаридан 31 центнердан ҳосил етиштирилди. Пландаги 4 минг 500 тонна ўрнига 4 минг 650 тонна «оқ олтин» Ватанга армуғон этилди. Илғор бригадирлар: Турсунбой Турғунов, Ортиқбой Бобоев, Саримсоқ Шодмонқулов, Шарифжон Шарофиддинов, Аҳмед Мамидов, Мусаддин Кўчиев, Анвар Ҳамдиев, Ким Алексей, Махиддин Реваэашвили. Илғор механизаторлар: Муҳаммад Манзиров, Диловар Ҳамдиев, Жабборали Ҳайдаров, Муҳиддин Кўчиев, Тўхтасин Исоқов, Элқўзи Бойқўзиев, Мирза Холдоров...»

Колхоз правлениеси биносига кираверишдаги «Кўрсаткичлар тахтасида» ана шундай ахборот қайд этилган.

Жавод ака уларнинг номларини ҳурмат билан тилга олди.

— Уларга ўзимга ишонгандай ишонаман, — дейди у. — Ўтган йили 700 гектар ер кузда шудгорланмай қолган эди. Ўша ерлардан чигитни бир текисда ундириб олишимиз жуда машаққатли бўлди. Баҳорда шудгорланган ернинг ҳарорати ҳам паст бўлади. Биз эрта кўкламда ернинг ҳарорати 12 даража бўлганда чигит қадаймиз. Ернинг ҳарорати қачон ўн икки даражага етишини кутиб ўтириш керак эмас. Бунга кузданоқ ҳозирлик кўриш керак. Биз шудгордан аввал ерни махсус ҳандақларда 1—2 йил сақланган гўнг билан ўғитлаймиз. Сақланган ўғитда гап кўп. Ернинг ҳароратини табиий равишда гўнг кўтаради. Экиш даврида ернинг планировкасига жиддий аҳамият берган пахтакор кам бўлмайди. Пахтани ёппасига машинада териб оламиз, деган деҳқон эрта кўкламданоқ бунга ҳаракат қилиши керак. Чигит ўз намига ундирилса, соғлом ва ҳосилдор бўлади. Ўтган хўжалик йилида ўз айбларини машинага ағдарганлар ҳам бўлди. Тўғри, ҳали терим агрегатларида анчагина қусурлар бор. Лекин кўп жиҳати механизаторга боғлиқ. Механизаторларимиз ижодкор бўлишлари керак. Терим бошланган кезда техника паркларидан машинани олиб чиқиб, тўғридан-тўғри далага соладиган механик ҳайдовчиларимиз ҳам бор. Уларнинг қилган ишлари кони зарар. Бир-икки қатор оралагач, пайкал бошига чиқиб, бош қашиб қоладилар. Деҳқон ҳосилни минг машаққат билан етиштирса-ю, бир нўноқ «Зангори кема» «капитани» уни ер билан битта қилиб терса, унинг орқасидан яна ўнлаб, юзлаб ҳашарчилар сарсон-саргардон бўлишини айтмайсизми? Энди тупроққа қоришган пахтанинг сифатини тасаввур қилаверинг.

Биз ўтган йили йиғим-терим мавсумида «антиқа» тажриба ўтказдик. Биринчи терим даврида ХНП-1,8 маркали терим машиналаридан учтасининг ҳаво билан ишлайдиган подборщикларини ишлатмадик. Чунки бу даврда гўза барглари ҳали тамоман қуриб, тўкилмаган бўлади. Ҳаво билан сўрилганда, яшил барглар бандидан узилиб пахтага аралашиб кетади, натижада улар қизиб, чириб, толанинг сифатига таъсир қилади.

Тажриба яхши натижа берди. Биринчи теримда толаси пишиб етилган пахталарни тўкмай, сочмай йиғиштириб олдик. Шпинделлар оралиғини доимий ростлаб, тозалаб туриш тўкилишга йўл қўймайди. Иккинчи теримда подборкани ҳам ишга солдик. Подборка орқали йиғилган пахтани пахта тозалагичдан ўтказдик. Шундай қилганимизда биринчи теримда йиғиб-териб олган пахтамиз сифати қандай бўлса, пахта тозалагичдан ўтказилган пахта ҳам шу сифат билан қабул қилинди.

Суҳбат давомида тезпишар пахта навларига эҳтиёж сезилаётганлиги ҳақида сўзлашдик:

— Қанийди, — деди у тўлқинланиб, — 130 кунда пишадиган навлар яратилса, ажойиб иш бўларди. Ҳозирги навларимиз 142 кунда пишиб етилаяпти.

Шу ўринда Жавод аканинг экишга тавсия этилаётган янги навларнинг софлигини сақлаш учун уларни республикамизнинг аҳолиси гавжум областларида, ўта масъулият билан, қатъий назорат остида экиш, уруғлик чигитни керакли миқдорда ўша областнинг ўзида кўпайтириб, кейин бошқа жойларда навларни ёппасига алмаштириш зарур, деган фикри эътиборли эди. Ҳақиқатдан ҳам фақат шундай усул билангина навларнинг софлигини таъминлаш мумкин, холос.

Агар 130 кунда пишадиган нав яратиш имкони бўлганда пахта йиғим-терими камида 26—27 августларда ёппасига бошланади. Шунда ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида — ёғин-сочинга қолмасдан шудгорлашни бошласа бўлади.

— Ҳашарчилар-чи? Улар қачон керак бўлади?

— Ҳашарчиларга иккинчи теримдан кейин узоғи билан 15 кун атрофида эҳтиёж сезилади, холос.

Суҳбатимиз сўнггида Жавод акадан ўзи ҳақида, пахтакорлик илмига меҳр қўйган фарзандлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик. У киши одатдагича босиқлик билан:

— Ўрганишсин, меҳнат қилишсин, тер тўккан одам барака топади, — деди.

Бу сўзлар пахтамиз келажагини ўйлаётган, унинг заҳматини яхши билган кишиларга қарата айтилгандай туюлди.

Уктам МИРЗАЕРОВ



Узбекистон Компартияси XXI съезди мажлислар залида (чапдан биринчи «Узбекшахтастрой» трести ғишт терувчиларининг бригадири Д. А. Зазулин). Г. Якубов, В. Молгачев фотоси

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР

ТАБИАТ билан инсон ўртасидаги муносабат, айниқса, биосфера ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни қайта бойитиш ва асраш каби масалалар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, атроф-муҳит муҳофазаси ўзининг шу кундаги иқтисодий, ижтимоий ва экологик аҳамиятига кўра замонамизнинг энг зарур масалалари сифатида жаҳонда тинчликни сақлаш, космосни тинч мақсадларда ўзлаштириш, хавфли касалликларни тугатиш каби муаммолар қаторида турибди.

Маълумки, мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада конкрет вазифалар КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг пленумларида ҳамда СССР Олий Советининг сессияларида янада аниқ ва батафсил белгилаб берилди. Зотан, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси қарорида «Халқ хўжалигини ривожлантириш проблемаларини ҳал этиш чоғида совет кишилари ҳозирги ва келгуси авлодларнинг соғлиғини сақлаш, уларнинг турмуши учун энг яхши шароитларни вужудга келтириш асосий вазифа эканлигидан келиб чиқилсин...» — дейилган. Бинобарин, бизда атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масаласи халқ хўжалигининг ҳамма соҳа, тармоқ ва бўғинларига дахлдор бўлиб, инсон саломатлиги ва турмуш шароитини янада яхшилаш ҳамда Ватанимиз бойлигини кўпайтиришга бевосита хизмат қилади.

Кейинги йилларда атмосфера ҳавосининг софлигини таъминлаш, ер, сув ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, ландшафт ресурсларини ишлаб чиқариш тасарруфига киритиш бўйича анчагина ишлар амалга оширилди.

Республикамизда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда табиат бойликларидан мўътадил фойдаланишга, уларни бойитиш ва асрашга катта аҳамият берилаётир. Масалан, ўн биринчи беш йилликда шу мақсадларга 376 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланди. Ўн иккинчи беш йилликда эса 450 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда. Кейинги уч йил ичида республикамизда саноат корхоналаридан атмосферага чиқувчи ҳар хил чанг ва чиқитларни тутиб қолувчи 500 га яқин қурилма ва мосламалар ишга туширилди. Бундай объектлардан 200 дан кўпроғи қайта реконструкция қилинди. Ер, сув ва табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, уларни бойитиш тадбирлари кўрилаяпти.

Лекин эътироф этиш керакки, табиат бойликларидан унумли фойдаланиш, уларни асраш ва кўпайтириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳали давр талаблари даражасида эмас. Бу соҳада ҳали ечимини кутаётган муаммолар, қилинадиган ишлар оз эмас. Бу нарса айниқса табиатнинг айрим таркибий қисмларини муҳофаза қилишга кўпроқ тегишлидир.

Ҳаммамизга маълумки, ер — табиатнинг турфа мўъжизаларидан бири. Бизнинг ризқи-рўзимиз, турмуш фаровонлигимиз, яшаш шароитларимиз, қолаверса, бору йўғимиз замин хусусиятлари билан ҳамиша муштарак. Бизда суғориладиган ерлар қиммати жиҳатидан олтин билан тенгдир. Унинг ҳар гектаридан олинадиган маҳсулот суғорилмайдиган жойларга нисбатан 5—13 марта кўпдир. Шунга қарамасдан, республикамизда бу соҳада ҳам эътиборга олиниши лозим бўлган жиҳатлар мавжуд. Масалан, ўтган беш йилликда ҳайдалиб суғориладиган ер майдони 138 минг гектарга камайиб кетди. Республикамизда ирригация ва мелиорация ишларини ривожлантириш, йўл қурилиши, геологик тадқиқотлар, кон-қидирув сингари ишларнинг кўлами кенгайиши оқибатида 115 минг гектар унумли ер ҳар хил даражада қишлоқ хўжалик тасарруфидан чиқиб қолди. Уларнинг қарийб тенг ярмини яроқли ҳолга (рекултивация) келтириш зарур деб топилди. Аммо бу ишнинг суръати ва сифати ҳамон қониқарли эмас.

Ер бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш борасида табиатнинг бир қатор зарарли жараён ва ҳодисаларига қарши курашиш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Айниқса, ернинг шўрланиши, захланиши, шамол ва сув таъсирида емирилиши, қурғоқланиш жараёнлари, сел каби ҳодисалар табиат ресурсларига катта зарар келтиради. Чунончи, республикамиздаги суғориладиган майдонларнинг ярмидан кўпрогида иккиламчи шўрланиш жараёнлари содир бўлаётир. 590 минг гектар майдон эса ўта шўрланган ерлардир. Уларнинг аксарият қисми янги ўзлаштирилган районлардадир. Шўрланиш оқибатида республикамиз деҳқонлари ҳар йили ярим миллион тоннага яқин пахтани кам олаяптилар. Ҳатто енгил шўрланган массивларда ҳам пахта ҳосилдорлиги 20 процентгача камаяди. Бизда енгил шўрланган массивларнинг ўзи суғориладиган майдонларнинг 65 процентини ташкил қилади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги тасарруфидаги майдонларнинг 97 проценти эрозия, дефлиация, сел, сурилма, қум ва қор кўчкилари каби табиий жараён ва ҳодисалар таъсиридан холи эмас. Ваҳоланки, эрозияга учраган пахта майдонларида ҳосил 50 процентгача камайиб кетиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уни табиий касофатлардан вақтида муҳофаза қилишни тақозо этади. Бу борада эрозия ҳолати нисбатан кўпроқ бўлган Фарғона водисида, республикамизнинг шимоли ғарбий, жанубий ғарбий областларида иҳота дарахтзорлар барпо этиш, агротехник, гидротехник ва кимёвий ҳамда фитомелиорация усулларини комплекс жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамиз территориясида ҳар хил фасларда тўзон, тўфон, гармсел авж олиб, унумдор ерларга қум, туз ва чанг аралашмаларининг «ёғилиши» эҳтимолдан холи эмас. Бу эса қурғоқланишга олиб келади. Орол денгизи соҳиллари, Қизилқум массиви, айниқса, Сандиқли, Оққум, Девқум, Дарбозақум атрофлари доим эътиборимизда бўлиши лозим.

Фан-техника тараққиёти ютуқларининг ишлаб чиқаришда тобора кенг қўлланилиши, қишлоқ хўжалик машиналарининг йилдан йилга кўпаяётгани ҳам ернинг ҳолатига «тазйиқ» кўрсатмоқда, дейиш мумкин. Фақат гўза парвариши даврида қишлоқ хўжалик машиналари ҳар эгатдан камида 20 мартагача ўтади. Бу аҳвол тупроқ таркибига ва сифатига салбий таъсир кўрсатади: эзади, тупроқнинг ҳаво ва модда алмашиш жараёнини ёмонлаштиради. Бинобарин, ерга ишлов бериш усулларини такомиллаштириш уни илмий асосда ташкил қилиш, техникадан мўътадил фойдаланиш шу куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Республикамизнинг табиий ва хўжалик юритиш шароитида сув манбаларининг софлигини таъминлаш ҳам муҳим масаладир. Бу борада ҳам жиддий камчиликлар мавжудлигини тан олишимиз керак. Масалан, Фарғона-Марғилон зонасида ер ости сувларнинг, шунингдек, Олмалиқ, Тошкент, Самарқанд, Навоий каби бир қатор саноат марказлари атрофида оқар сувларнинг ифлосланиб кетганини таъкидламаслик мумкин эмас. Кейинги йилларда республика сув ресурсларини хўжалик тасарруфига киритиш бирмунча жадаллашди. Сув манбаларининг софлигини таъминлаш борасида деҳқончиликда кенг қўлланиладиган маҳаллий, минерал ўғитлар, химикатлар ва ҳар хил заҳарли моддалардан меёрида фойдаланиш, уларни атроф-муҳитга зарарсиз химикатлар билан алмаштириш лозим. Шоликор районларда, ботқоқ ва захланган массивларда, тўқай ва қамишзорларда қон сўрувчи ҳашарот ҳамда юқумли касалликларни тарқатувчи мавжудотларга қарши заҳарли химикатлар ва қора ёғ, сифатли нефт маҳсулотлари ишлатилаяпти. Хўжаликларда қўлланилган химикатларнинг маълум қисми табиий ва хўжалик омилларни таъсирида сув манбаларига ҳам тушаётир. Сув манбаларини тоғ саноати ва чорвачилик чиқиндиларидан асраш керак. Дарҳақиқат, бу ҳолат чорва комплекслари, ферма марказлари, қўтон, молхона ва бошқа иншоотларни қуриш ва планлаштиришда экологик, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг узвий боғлиқлигини ҳамиша эътиборда тутиш лозим.

Кейинги йилларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси сийраклашиб, уларнинг нодир турлари сезиларли даражада камайди. Яқиндагина чилонжийда ва жайдари жийда, наъматак, бодом, иста, дўлана, анзур пиёзи, тоғ райҳони, зира, кийик ўт, ровач, қизилча каби шифобахш ўсимликлар республикамизда кенг тарқалган эди. Хонгул, қуралай, архар, суғур, қулон, қирғовул, қорабавур, тувалоқ каби бир қатор камёб парранда ва ҳайвонлар республикамиз табиатининг кўрки ҳисобланарди. Эндиликда эса уларнинг сони кескин камайиб, номлари

Инсон ва табиат

табиатнинг «Қизил китоби»дан ўрин олди. Масалан, Амударё йўлбарси йўқолиб кетди. Бинобарин, республикамиз ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ривожланиш қонуниятларини ўрганиш, уларнинг мўътадил зичлигини таъминлаш, маданийлаштириш, камёб ҳайвонларни урчитиш борасида олиб бориладиган илмий-хўжалик тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизнинг ишлаб чиқариш қуввати йил сайин ортиб бормоқда. Ўз вақтида эҳтиёткорлик тадбирларини кўрмасак, ер, сув ва ҳаво, яъни табиат жиддий зарарланиши мумкин. Маълумки, ҳар хил чанг, газ, заҳарли бирикма ва чиқиндилар атроф-муҳит учун анча хавфлидир. Табиат муҳофазасининг мўътадил системасини ташкил қилиш бугунги кунда ҳаётий масала бўлиб турибди.

Республикамиздаги қўриқхона ва бошқа муҳофазадаги масканларнинг экологик бирлигини таъминлаш системасида ҳам нуқсонлар бор. Мавжуд қўриқхоналар фақат тоғ, тўқай ва қумли чўл зоналарида жойлашган. Республикамизга хос бўлган кўпгина нодир ва нафосатли ландшафт комплексларида эса қўриқхоналар йўқ. Беш миллион гектарга яқин суғориладиган майдонлар, лалмикор ерлар ва кичик воҳаларда ҳануз қўриқхоналар ташкил қилинмаган.

Табиат муҳофазасига кўп жиҳатлама ёндашиш унинг бойликларидан унумли ва оқилона фойдаланиш ҳамда бошқариш йўлларини такомиллаштириш соҳасида жиддий камчиликлар мавжуддир. Зотан, ҳозирги илмий-тадқиқот ишларини юритишда, муҳофаза масканларини танлашда, уларнинг режимини аниқлаш ҳамда планлаштириш ва бошқариш системасида фақат табиатнинг айрим компонентларигагина асосий эътибор берилаяпти. Натижада табиат муҳофазасига ҳар томонлама ёндашиш борасида жиддий нуқсон ва камчиликлар содир бўлаётир. Бу масала бошқариш ва планлаштириш ишларида яққолроқ кўринмоқда. Зотан, атроф-муҳит ҳолатини назорат қилувчи мавжуд назоратхоналар турли министрликлар ва идораларга қарашлидир. Айтайлик, республика сув манбаларини муҳофаза қилишни Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги амалга оширса, ер ресурсларидан фойдаланиш ва сақлаш ишлари Қишлоқ хўжалиги министрлигига, ҳайвонот, ўсимлик дунёсини қўриқлаш эса, Ўрмон хўжалиги министрлиги ва Балиқ хўжалиги Давлат комитети ихтиёрига берилган. Уларнинг иш фаолиятида маълум даражада маҳкамавий мақсад вазифаларидан келиб чиқадиган субъектив манфаат устунлик қилиб, атроф-муҳитни ҳар томонлама мўътадиллаштириш масалаларига кам эътибор берилмоқда. Бунинг устига бу идораларнинг фаолиятида илмий интеграллик ва ташкилий-координациялаш ишлари етарлича йўлга қўйилмаган. Натижада табиатнинг бир бутунлиги, унинг таркибий қисмларининг ўзаро алоқаси, географик комплекслар ҳамда уларнинг оригинал ва индивидуаллиги каби муҳим хусусиятлари эътибордан четда қолмоқда.

Атроф-муҳит муҳофазасида табиатнинг нодир обидаларини қўриқлаш алоҳида аҳамиятга эга. Республикамизда нафис масканлар, ландшафт гўшалари, тебранувчи харсанглар, мусиқавий тошлар, кишини ҳайратга солувчи ғор, чок, зов, оббурдалар, табиий кўприклар, ажойиб ва ғаройиб шаклга эга бўлган қоялар кўп учрайди. Моргузар тоғларидаги «Қирққиз», «Уч қиз», «Куёвбола», «Сават кўтарган келинлар», Нурота тоғларидаги «Жунли ота», «Нарвон ота», «Дўмбиратош», тебранувчи «Санги Жуман», Бойсундаги «Пули ҳокин» кўприги, Зарафшон тоғларидаги «Омбиртош» ва Қирқтов ғорлари шулар жумласидандир. Бундай нодир объектлар табиат муҳофазасининг шу кунги системасида ўз ўрнини топиши лозим.

Атроф-муҳит муҳофазаси ҳар бир соҳа, тармоқ ва хўжалик бўғинлари бўйича ҳамда территориал миқёсда илмий равишда ташкил қилинса, айни муддао бўлар эди. Бинобарин, республикамиздаги ҳар бир хўжалик, бирлашма ва маъмурий район бу борада ўзининг аниқ йиллик, муайян давр ва узоқ муддатга мўлжалланган экологик планига эга бўлмоғи керак. Бу борада республикамизда илк қадамлар ташланаяпти. Табиат муҳофазасини комплекс планлаштириш, уни ўз вақтида оқилона ва изчил амалга ошириш шу куннинг асосий вазифаларидан биридир. Табиат муҳофазаси билан боғлиқ бўлган ўқитиш, тарғибот ишлари савиясини ошириш, маълум соҳалар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Юқоридаги тадбирий чораларнинг тўғри ва ташкилий равишда амалга оширилиши она табиат бойликларидан омилкорлик билан фойдаланиш, уларни бойитиш, атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш, гўзаллигини асраш имконини беради.

Шу нарса эътиборга моликки, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг АҚШ президенти Р. Рейган билан 1985 йил ноябрь ойида Женевада бўлган учрашуви вақтида ҳам илмий техника мислсиз даражада тараққий этган ҳозирги шароитда атроф-муҳитни муҳофаза этиш муҳим халқаро аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

«Томонлар биргаликдаги тадқиқотлар ва амалий тадбирлар йўли билан, — дейилади Совет — Америка Қўшма баёнотида, — оламшумул вазифа — атроф-муҳитни сақлаш вазифасини бажаришга ҳисса қўшиш тўғрисида келишиб олдилар. Шу соҳада амалда бўлган Совет — Америка битимига мувофиқ келгуси йил мобайнида Москвада ва Вашингтонда ҳамкорликнинг конкрет программалари юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказилади». Тинчликни сақлаш қанчалик муҳим бўлса, инсоният яшаётган заминнинг мусаффолигини муҳофаза қилиш ҳам шунчалик жаҳоншумул аҳамиятга эгадир.

«Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш иши сабот билан олиб борилсин», деб таъкидланган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида ҳам. Биз шу муҳим вазифа билан боғлиқ бўлган барча ишларни ҳамма жойда партия ва ҳукуматимизнинг бугунги талаби асосида ташкил этишимиз керак.

Асомиддин САИДОВ,
география фанлари кандидати

Редакция почтасидан

ҚАРНОБЧЎЛ ДУРДОНАСИ

Советобод районининг Қарноб чўлидаги Тим қишлоғини ҳеч иккиланмай шундай деб атаса бўлади.


Мўъжаз бу қишлоқнинг табиати жуда ажойиб. Жазирама саҳрода юзлаб километр йўл босган одам бирдан Қоратоғ этакларига туташиб кетган ям-яшил масканга дуч келади. Мусаффо тоғ ҳавоси, шарқираган сой, минг йиллик чинор салқини — бу ерлик чўпонларнинг оромгоҳи. Қишлоқ «Қарноб» давлат наслчилик заводининг маъмурий-маданий маркази ҳисобланади.


Тим қишлоғи, шунингдек, қадимий меъморчилик обидалари ва тарихий ёдгорликлари билан ҳам эътиборлидир. Тарихчиларнинг таъкидлашларича, қадимда Буюк Ипак йўли шу қишлоқ устидан ўтган. Бухородан йўлга чиққан карвонлар дам олгани Тимда бир муддат кўниб ўтганлари тарихий манбалардан маълум. Тимнинг шифобахш иқлими сайёҳларни ўзига ром этган.

XI—XIII асрларга мансуб бўлган Аработа ва Оқмачит мақбаралари бизгача сақланиб келаётган меъморчилик ёдгорликлари бўлиб, муҳим тарихий қимматга эга. Бу обидалар археолог тарихчилар учун муҳим манба ҳисобланади. Тим қишлоғининг марказидаги минг йиллик улкан чинор ҳам ўзига хос тарихга эга. Буларнинг ҳаммаси инсон заковатининг тимсолидир.

Уткир РАСУЛОВ

автор фотолари







КОСМОНАВТИКА ИМКОНИЯТЛАРИ ЧЕКСИЗ

КОСМОНАВТИКА инсоният фаолиятининг ҳамма соҳаларига катта таъсир қилади. Унинг ютуқлари биология, медицина, геология ва бошқа кўп фанларнинг ривожланишига, янги технология бўйича юқори сифатли материаллар қотишмаларини ишлашга имкон беради. Бир сўз билан айтганда, у ишлаб чиқаришнинг илмий даражасини ошириб, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш омилидир.

Космонавтиканинг туғилиш санасини Совет Иттифоқида амалга оширилган биринчи Ер сунъий йўлдоши учирилган кун — 1957 йилнинг 4 октябрига нисбат бериш мумкин. 1961 йил 12 апрелда биринчи бўлиб инсоннинг космосга учиши, яъни ватандошимиз Юрий Алексеевич Гагариннинг «Восток» номли космик кемада парвоз этганидан кейин космик фазони ўзлаштиришда янги давр бошланди.

Космонавтика ўзининг дастлабки ривожланишидан бошлаб астрономия фани билан узвий боғланган. Астрономия фани эса, ҳозирги пайтда космонавтика ютуқлари таъсирида катта революцион ўзгаришлар даврини кечираяпти. Астрономик асбобларнинг Ер атмосфераси чегарасидан космосга олиб чиқилиши инфра-қизил, рентген ва гамма-астрономия каби янги илмий йўналишларни яратди. Бу нурланиш миқёсида космонавтика ривожланишидан илгари кузатишлар олиб бориш имкони йўқ эди. Чунки бу турли космик объектлардан етиб келган нурланишларни атмосфера тўла ютиб оларди. Космонавтика давридан илгарги астрономик кузатишлар фақат одам кўзи кўра оладиган тор ёруғлик тўлқинлари миқёсида олиб бориларди.

Астрономик асбобларни космосга олиб чиқиш Қуёш, юлдузлар ва галактикаларни барча турли-туман нурларда «кўришга» имкон яратди ва олам тўғрисида принципиал ахборотлар бериб, кўпгина машҳур илмий кашфиётлар келтирди.

Ер атрофидаги фазони, Қуёш ва сайёраларни ўрганиш космонавтиканинг энг биринчи галдаги масалаларидандир. Бу йўналишда ҳозир ҳам катта ютуқларга эришилган. Совет сайёраларо автоматик станциялари ёрдамида Венера сайёрасида қуйидагича одатдан ташқари физик ҳолатлар қайд қилинган: унинг атмосфераси углерод-оксидидан иборат бўлиб, сайёра юзасининг босими Ер ҳавоси босимидан 90 марта кўпроқ, ҳарорати эса 460° С гача етади, булутларида олтингугурт кислотаси бор.

Улкан сайёралар — Юпитер ва Уранда мураккаб ҳалқа системалари мавжудлигининг аниқланиши, Юпитер йўлдошида қувватли вулқонларнинг топилиши ва унинг бошқа йўлдошларининг муз билан қопланганлиги каби янгиликлар космонавтикадаги ғаройиб кашфиётдир.

Ерга етказилган Ой тупроғи намуналарининг текширилиши биз яшаётган Ер сайёраси билан Ойнинг ёши бир хиллигини кўрсатади. Бу бебаҳо илмий ютуқлар космогония учун қимматли аҳамиятга эгадир.

Кометаларни, хусусан, ҳозир бутун олам илмий жамоатчилигининг эътиборига эга бўлган Думли юлдуз — Галлей кометасини, унинг физик табиатининг моҳиятини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар алоҳида эътиборга моликдир. Кометаларни ўрганишнинг қизиқарли жойи шундаки, уларнинг ядролари, афтидан, Қуёш системасини ҳосил қилган газ тупроқлари — «булутлар»нинг ҳосиласи бўлган нарсалардир. Бу модданинг асосий негизи комета ядроларида сақланиб қолганлиги сабабли Қуёш системаси пайдо бўлиши даврида кечган физик ва химиявий жараёнлар тўғрисида муҳим маълумотлар беради.

Кометаларнинг тузилишида мураккаб органик молекулалар топилди. Олимлар томонидан кометалар ядросининг ўрганилиши мавжудотнинг пайдо бўлиш муаммоларини ойдинлаштиради.

Ҳозирги пайтда «Вега—1» ва «Вега—2» Совет автоматик сайёраларо станциялари Галлей кометаси билан учрашишга йўналган учишини давом эттирмоқда. Станциялар ўз йўлида 1985 йил июнь ойида Зуҳро сайёрасида ноёб текширишларни ўтказдилар. Зуҳро атмосферасига дрейф қилувчи аэростат зондлар туширилди.

1986 йил март ойида бу космик аппаратлар комета ядросидан 10 минг километрли масофада комета билан учрашадилар. Агар Галлей кометасининг Қуёшга энг яқин бўлган пайтидаги масофа 0,42 астрономик бирлик ёки 60 миллион километр атрофида бўлишини ҳисобга олсак, космик ўлчовлар масштабида бу масофа жуда ҳам кичиклигини кўрамиз.

Бу биринчи марта ўтказилаётган ноёб космик тажриба катта илмий аҳамиятга эгадир. Комета ядроси комета атмосфераси билан қопланганлиги туфайли кометалар ядроси шу вақтгача кузатилмаган эди. Космик аппаратларнинг комета ядросига яқин учиш вақти фақат бир неча минутга тенг бўлса ҳам, бир оз вақтда жуда катта ахборот олинади. Кометанинг ядроси суратга олинади, атмосферасининг химиявий ва изотопик тузилишлари, ядроси магнит майдонининг кучланиш катталиги ва бошқа кўпгина параметрлари аниқланади.

Шуни эътиборга олиш керакки, «Вега—1» ва «Вега—2» космик аппаратлари илмий аппаратурасининг кўпгина қисмлари Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ҳамда Франция, Германия Федератив Республикаси, Австрия олимлари билан ҳамкорликда яратилган. Бу интернационал космик тажриба сайёрамиздаги турли системалардаги мамлакатларнинг тинчлик мақсадлари йўлида кенг миқёсда илмий-тадқиқотлар олиб боришлари, космик фазони ўрганишда муваффақиятли халқаро ҳамкорлик қилишлари мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди.

Осмон сферасида кометанинг ҳаракатини аниқлашда Ерда ўтказилаётган кузатишларни, космик аппаратларнинг траекториясини аниқ ҳисоблаш ва уларнинг Галлей кометаси сари ҳаракатини бошқариш жуда катта аҳамиятга эгадир. Худди шу мақсадда Совет Иттифоқи ва чет элдаги бир қатор астрономик обсерваторияларнинг илмий ходимлари Галлей кометасини умумий халқаро программа асосида кузатмоқдалар. Республикамиз олимлари ҳам бу халқаро программага ўз ҳиссаларини қўшаётганликлари қувончлидир. Ўзбекистон Фанлар академияси Меҳнат Қизил Байроқ орденли Астрономия институтининг илмий ходимлари Галлей кометасини Ердан кузатиш ишида иштирок этмоқдалар. Улар ўз кузатишларини институтнинг Улуғбек номидаги Китоб халқаро кенглик станциясида ва институтнинг Тошкентдаги майдонида ўтказмоқдалар.

Ҳозиргача институтимиз олимлари Галлей кометасининг 400 мартадан кўпроқ ҳолатини аниқладилар ва натижаларини Бутуниттифоқ йиғув марказига жўнатдилар.

Космик текширишлар халқ хўжалигининг кенг миқёсли масалаларини ечишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу мақсад учун ихтисослаштирилган Ер сунъий йўлдошлари (ЕСИ) яратилган. Масалан, «Космос—122» метеорологик йўлдоши ёрдамида бир неча ой давомида булутларнинг телевизион тасвири, музликлар тўғрисида ва атмосферанинг физик параметрлари ҳақида маълумотлар олинди. Натижада об-ҳаво прогнозини аниқлашда фойдаланиладиган ҳаво массаларининг ҳаракати, тезлиги бўйича маълумотлар тўпланди. ЕСИ ёрдамида сайёрамизнинг жуда катта майдонларини кузатиш мумкин ҳамда бўронлар ва океандаги тўфонларга сабаб бўладиган циклонларнинг туғилишини ўз вақтида айтиш мумкин. Йўлдошлар орқали олинган суратларда циклон ва бўронларнинг тузилиши аниқ кўринади. Бу эса фалокатларга йўлиқиш хавфининг олдини олишда сузувчи кемаларни ўз вақтида огоҳлантириш имконини беради. Халқ хўжалиги учун, айниқса, қишлоқ хўжалиги учун об-ҳаво аҳамияти катта. Об-ҳавони олдиндан аниқлаш мураккаб ва асосий масалалардан. Уни ҳал қилиш учун бутун Ер шари территориясининг метериологик ҳолати тўғрисида ахборот тўплаш лозим. Ваҳоланки, ҳозирги вақтда бу масала фақат 2—3 кунгина олдин ечилади. Бирор ойлар олдин олинадиган узоқ даврли прогнозларгина халқ хўжалиги учун аҳамиятлидир.

ЕСИ ёрдамида ўтказилаётган ва Ердан олиб борилаётган кузатишлар сайёранинг табиий бойликларини ўзлаштириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда космонавтиканинг кучи билан Ердан фойдаланиш соҳасида янги илмий йўналиш яратилди. ЕСИдан олинган ахборот ер массивларидан рационал фойдаланиш, яйловларни ажратиш ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини олдиндан аниқлаш имконини беради.

Шундай қилиб, космик фазони ўзлаштириш каби инсоният олдида турган буюк масалани ҳал этишда, аввало, ҳамма мамлакатларнинг халқаро дўстона ҳамкорлигини уюштириш ҳамда Ерда тинчликни сақлаш учун уларнинг ҳаракатларини бирлаштириш зарур.

Совет давлатининг тинчликсевар сиёсати инсониятнинг бирдан-бир орзуси — тинчликни мустаҳкамлашга қаратилгандир. Шунинг учун бутун дунё халқлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг АҚШ президенти Р. Рейган билан Женевадаги учрашуви натижаларига катта умид боғламоқдалар.

Юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, космонавтиканинг имкониятлари чексиз. Ундан халқаро ҳамкорлик йўли билан тинчлик мақсадларида кенг фойдаланилса айни муддао бўлур эди. Бу эзгу тилак Совет Иттифоқи ва АҚШ раҳбарларининг 1985 йил ноябрь ойида Женева шаҳрида бўлиб ўтган юксак доирадаги учрашувларида ҳам алоҳида таъкидланди.

Космос — тинчликка хизмат қилсин! Дунё халқларининг бугунги истаги шундай.

Тоймас ИЎЛДОШБОЕВ,
ЎзФА мухбир аъзоси, республика Астрономия институтининг директори

ЛИРИК ШЕЪРЛАР



Шарофат БОТИРОВА

* * *

Сувлар оқиб келмоқдалар жилғаларни тўлдириб,
Омон-омон куйларидан бор мавжудот уйғонар.
— Қаранг, баҳор келмоқдадир, ортимиздан гулбаҳор, —
Дея улар далаларни уйқусидан уйғотар.

Ўзанларни бузмоқ бўлиб сувлар оқиб келмоқда,
Ундан пахта, буғдой ҳиди тутиб келар дунёни.
Қўнғир тусли табиатни яшилга буркамоқда,
Лола тақиб қир-адирга, олқишлайди баҳорни.

Суюнчига суюб қўяй, чуғур-чуғур жилғалар,
Сизнинг билан учиб келди тўнғич қушим — қалдирғоч.
Улар бизнинг тилимизда шан қўшиқлар куйлашар,
Улар билан яна келди баҳорий бахт ҳам қувонч.

Сизнинг билан тиниқ тортар табиатнинг чиройи,
Сиз бўлажак мўл ҳосилнинг мезонисиз мунаввар.
Бободеҳқон камарининг аксидайин жилоли,
Гул боғларга, далаларга оқаверинг, жилғалар.

* * *

Юрагим қиздиради атиргуллар ўйини,
Табиатнинг ифори айланган қизил гулга.
Саҳарнинг салқинида яйраган майса-ўтлар
Шивири кўчиради Тонг қўшиғин кўнгилга.

Ул майсалар тўшаги бағрига олиб Тонгни
Қўйиб юбормас узоқ — то Қуёш кўрингунча.
Лол қолиб тикиламан гўзаллик зурёдига,
Ул туфайли дарахтнинг қоқ кўксида тугунча.

Бирдан олам ярақлаб отилгандай фаввора,
Гуллаб кетар чор тараф — тўлар яшил уммонга.
Мужгонлар кулгусига қоришиб кетар сўзлар,
Бул чаманда ўрин йўқ хиёнатга, армонга.

Тонгнинг қирғоғи бўлиб тоғлар тизилди бир саф,
Ул қирғоққа булбуллар талпинади бир умр.
Тунда ошиқ кезувчи сўқмоқдир асли қирлар,
Ул қирлар тантанаси шул масрур оқ Тонг эрур.

Ул Тонгни ғолибона қўлга киритдим, алҳол
Дунёда излаб топган ганжинам — Тонгим ўзинг.
Шул Тонг-ла Бахт эшигим қоқиб келганда ҳар гал
Сени суюб қўяман, Ўзбекистоним менинг!

* * *

Арғумоғинг пишқиради йўли тушиб тошларга,
Неча тоғ-у неча тўсиқ дуч келмади йўлингда.
Ернинг инкор жавобидан боз юрагинг ташланар,
Чопқир от ҳам кишнаб кетди қамчи тутган қўлингда.

Келгин, бироз ором ол, сўнг йўлинг бўлсин қуёшдай,
Йўлдош қилсанг, чилвир сочим қамчи қилиб берайин.
Бир сўз қўшмай тинглагайман энг яқининг сирдошдай,
Йўл азобинг, кел, чавандоз, бирга баҳам кўрайин.

Йўлинг ҳали жуда йироқ толиқарсан сафардан,
Йўл-йўлакай дам олгин-да, ҳордиқ бер арғумоққа.
Не илтифот лозим бўлса, кўрарсан биз тарафдан,
Жонлар садқа сен саодат қидирган мард қўноққа.

Анҳор тўлиб сувлар оқди, ниҳоллар дарахт бўлди.
Кел, шу дарахт соясида чим-майсага ёнбошла,
Рад жавобдан дематил сен: «Бунчалар бебахт бўлдим»,
Ким бир бора борган совчи бошига оқлик солар?
Қара, таниш у бекатда кимдир рўмол силкитар,
Арғумоғинг сувлиғини бургил, бир бор у ёққа.
Балки сенга ўша бекач хуржун тўқиб, гул тутар,
Сен ҳам мард бўл, ул гўзални тутиб юрма сўроққа.

Кечувдаги арғумоқнинг дарди қолсин анҳорда.

Жиззах



Севара ВАФО

БАҲОР ТАРОНАСИ

Емғир оқ ипакдан сават тўқияпти —
Гуллар очиляпти кўз олдимда қаранг...
Гулхайри ёмғирнинг шеърин ўқияпти:
Дунё лоларанг, дунё лоларанг...

Мудраган кўк майса кўзларин очяпти,
Беда ҳидин сочиб уряпти ёмғир.
Бабақ хўроз бўғот тагига қочяпти —
Заминда — шивир, осмонда — шивир...

Жилғалар гул тақиб, сакраяпти тошдан,
Мажнунтол яшил тортиб қиляпти ҳузур.
Челаклаб-челаклаб қуймоқда бошдан.
Бепарво ёмғир, бепарво ёмғир...

От солиб келмоқда дов ошиқ тонг билан
Севгилин ёмғирдан сўраяпти яланг...
Чир айланиб бир қиз сармаст севгидан
Келяпти бошяланг, келяпти бошяланг...

* * *

Тағин келдинг, илҳом париси,
Ой тўлганда...
Майин, шуъладор...

Аллақайда — ёвшоннинг иси,
Маст қилгудай — қиз ашуласи...
Шивир-шивир гуллар сирлашар,
Осмону ер аста бирлашар.
Болишимга тунлар сўкилинг,
Олтин ҳислар Ойдан тўкилинг...

* * *

Қувноқ гурунгларда тотли муҳаббат,
Шўх ўйлар, сирли нигоҳлар,
Пинҳоний рашк ўти, оний фароғат,
Нозик елкаларда ёнган дудоқлар —
Сени ёдга солар...

«Севаман» ўт солиб тикилган кўзлар,
Илк бўса... Зинадан тушган шўх сулув,
Қорли хиёбонда туташган излар,
Сўроқдай эгилган хира ой мангу —
Сени ёдга солар...

Ошиқлар қари тол тагида сархуш,
Роз айтса, пичирлаб — бўзлаб ё кулиб...
Нам киприк — юлдуздан тўкилса кумуш,
Оймома ортимдан эргашса куйиб...
Сени ёдга солар...

Тошкент

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

КЎКЛАМ ҲАҚИДА

Баҳор ҳатлаб ўтмас ҳеч бир ўлкани,
Бироқ дунёда бор кўкламсиз юртлар.
Гул излаган ҳорғин капалакларни
Масхара қилишар унда қийғирлар.

Ҳеч ким қулоқ солмас ишқ байтларига,
Кўз очмасдан нобуд бўлар майсалар.
Одамлар сиғмайди ватанларига,
Севиб улгурмасдан туриб кексаяр.

Бизда байрам бўлиб кетади кўклам,
Дарахтлар диллашар ўзни унутиб.
Истараси иссиқ, оппоқ қорлар ҳам,
Эрийди баҳорга бойчечак тутиб.

* * *

Осмонни тўлдириб турналар учар,
Уларнинг тилида душман сўзи йўқ.
Шу қушлар тўпига қўшилгим келар,
Она Ер ўпганин кўрмадим бироқ.

Ипсиз боғланишиб бир-бирларига,
Заминни томоша қилар гурунглаб.
Турналар осмонни жойлар бағрига,
Одамлар йўлига чиқар гуриллаб.

Ҳаловат ахтарган қушчалар тинсин,
Дардларин кўрсинлар биз билан баҳам.
Қўнса ҳам, албатта ўзингга қўнсин,
Ватаним, паноҳ бўл, турналарга ҳам.





Мукаррама ҒАФФОРОВА

СОҒИНЧСАН, БАҲОР

Соғинчини сўзлаб қилолмас адо
Сафардан музаффар қайтган қалдирғоч.
Уни борлиғи-ла тингламоқ учун
Минг қулоқ чиқарди ҳар битта оғоч.

Олам севинчлари гуллаб борадир,
Олам соғинчлари гуркираб борар.
Изҳорга чоғланиб илиқ булутлар
Тиёлмас ёшини — тирқираб борар...

Гулдирак — самовий соғинч ҳайбати
Рангин нома йўллар тири камонда.
Қизғин меҳр билан жўшиб рағбати —
Равшан жилваланар қуёш осмонда.

Бу изҳор, бу соғинч сенга хос, баҳор
Жўшқин ғайратингда равнақ ташвиши.
Турфа чечакларинг лабидан уқдим:
Бу оламни асраш — инсонлар иши!

Навоий замондошлари

НАВОИЙ «ХАМСА»СИ

Азиз ҚАЮМОВ,
филология фанлари доктори

Ўзбек адабиётининг энг олий маҳсули Навоий қаламига мансуб «Хамса» асари эканлиги эл ва тарих томонидан эътироф этилган ҳақиқатдир.

Инсонпарварлик ва адолатпарварлик, севги ва садоқат, чин инсоний фазилатлар қомуси бўлмиш бу шоҳ асар асрлар оша ҳар бир авлод кўнглидан жой олиб яшаб келмоқда. Навоий юксак бадиият билан тараннум этган чин инсоний туйғулар ҳамиша илғор фикрли инсониятнинг эзгу интилишларига мос ва ҳамоҳангдир. Навоий ижодининг абадий барҳаётлигига боис ҳам ана шу.

«Хамса» таркибидаги беш асарнинг ҳар бири ўзига хос мазмун ва мақсадга эга.

«Ҳайратул-аброр» («Яхшилар ҳайрати») том маънодаги таълим ва тарбияга оид асар. Унда чин инсоний фазилатлар тарғиб этилган. Бу фазилатларнинг асос замирида инсон улуғлиги, унинг олий даражаси тўғрисидаги фикрлар ётади. Зотан, Хожа уч ҳайрат тўғрисидаги бобларда ҳаракатда бўлган асосий образ. У ҳам инсон, ҳам руҳ, ҳам тафаккур, ҳам ҳаёт, жин тарзида гавдаланади. Хожа олам ва осмоннинг бепоёнлиги ва гўзаллиги қаршисида ҳайратга чўмади. Аммо инсон такомили ва гўзаллиги унга алоҳида таъсир кўрсатади. Инсон вужуди, унинг тузилиши, ҳар бир узвининг вазифаси, улар ўртасидаги мутаносиблик, ҳар бирининг ўзига хос гўзаллиги Хожани ҳайратда қолдиради. У ана шу гўзаллик ва камолот масканида ўзига ватан тутади. Шундай қилиб, инсонда ҳаёт уйғонади, унга жон киради. Демак, Навоий инсон улуғлиги ва чиройини табиат ва коинот буюклиги ва гўзаллиги билан баравар кўяди, ҳатто Хожанинг (жоннинг) инсонни афзал кўрганлиги мисолида одамни уларнинг баридан устун қўяди.

«Ҳайратул-аброр»даги йигирма мақола инсонни ана шу олий мақомга муносиб қилиб тарбияловчи таълимлар мажмуасидир. Инсонга хос фазилатлар: карам, адаб, қаноат, вафо, ишқ, ростлик, илм Навоий томонидан ғоят ишонарли ва эсда қоладиган тасвир ва таърифларда баён этилган.

Масалан, карам ишида бош ўринда турган сифат ҳеч кимдан ҳеч нарса тамаъ этмайдиган кишидир. У молу давлатга бефарқ қарайди. Аҳволи хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, ҳеч қачон бойлик, жоҳ тиламайди. Агар денгиз дуч келса, ундан бир томчи сув олишни хаёлига ҳам келтирмайди, аммо мабодо бировнинг захмига даво қилиш зарур бўлса, қўлидаги бор дору дармонини аямай сарф этади.

Ҳоли агар яхшидурур гар табоҳ
Кимсадин этмас тамаи молу
жоҳ...
Баҳрға етса тиламас шабнаме
Захмни кўрса аямас малҳаме...

Навоий инсонлик шаънига доғ туширадиган кимсаларни қаттиқ танқид остига олган. Бундайлар золим подшоҳлар, ёлғончи шайхлар, зулмпеша амалдорлар, тамаъгир «олим»лар, лафзи бемаза «шоир»лар, жаҳл майига муккасидан кетган шаробхўрлар ва ҳоказо унсурлардир. Жамъият ҳаётидаги айрим номуносиб шахсларнинг тубан қилмишларини танқид қилар экан, шоир кишиларни бундай иллатлардан ҳазар қилишга ундайди; нуқсонлардан тозаланиб поклик даражасига етганларгина инсон номи ва шарафига муносиб бўла оладилар. Инсонийликнинг олий кўриниши элу юрт, жамъият манфаатларини кўзлаб иш тутмоқдир, фақат ана шундай кишиларгина одамийликка мансуб бўла оладилар деган:

Одаме эрсанг демагил одаме,
Аники, йўқ халқ ғамидин
ғаме, —

мисралари ҳам «Ҳайратул-аброр»нинг ўн учинчи мақоласида келтирилган.

«Хамса»нинг уч достони «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» севги достонларидир. Соф инсоний муҳаббат, севги йўлидаги садоқат ва фидокорлик ҳақиқий инсонга хос олий фазилатлардир. Шунинг учун ҳам севги мавзуи лирик ва эпик асарларда бош ўрин тутиши табиий. Навоий бу мавзунинг бадиий ижоддаги ўрни тўғрисида жуда пурҳикмат фикрлар изҳор этган. «Сабъаи сайёр»да шоир бундай деб ёзган:

Ким биров меҳрдин бари бўлғай
Боқмоқ, гар меҳри ховарий
бўлғай...
Сўз ясардин чу топти пироя,
Ишқдин ҳуштур анда сармоя,
Ким кўнгулға ўти асар қилғай.
Жонғо куйдирмаги хабар
қилғай...

Демак, севгига ёт бўлган киши, — гарчи у қуёш каби порлоқ бўлса ҳам, — эътибор қозона олмайди. Сўз билан безакланган бадиий асарда агар мазмун севгига асосланса, у ёқимли бўлади. Ўшанда унинг ўти кўнгилга таъсир қилади. Жонни куйдирувчи кучга эга бўлади.

Шундай назарияни эълон қилган Навоий ўз «Хамса»синнинг шу уч достонида чин инсоний севги қаҳрамонларини куйлади, уларнинг муҳаббатдаги собитқадамлигини улуғлади.

«Фарҳод ва Ширин»даги Фарҳод билан Ширин ўртасидаги муҳаббат ёзмишнинг башорати эди. Фарҳод дунёга келган чоғдаёқ донишмандлар унинг қиёфасида севги қаҳрамонининг қисматини кўрдилар. Ҳали Ширин тасвирини ойнада кўрмасданоқ Фарҳод кўнглига ишқ ғулғула солар эди. Хисравнинг қачондан бери ишқ билан маст бўлдинг, деган саволига Фарҳоднинг берган жавоби бу фикрнинг исботидир:

Деди: «Қай чоғдин ўлдинг ишқ
аро маст?»
Деди: «Руҳ эрмас эрди танга
пайваст».

Фарҳод — Навоий орзу қилган мукаммал шахс тимсоли. Унда маънавий бойликлар — ишқ, ишқ йўлидаги фидокорлик, инсонпарварлик, илм, меҳнатсеварлик, камтарлик каби фазилатлар баравар ривож топган. Шунингдек, у қанчалар пок ва маъсум ошиқ бўлса, шунчалар жисмоний баркамол бир йигит. Навоий маънавий ва жисмоний камолотнинг қоришувини инсон учун муносиб фазилат деб ҳисоблар ва шу ғояни Фарҳод образи орқали намоён этган эди.

Ширин — Навоий тасаввуридаги аёллик латофати ва камолотини ўзида мужассамлаштирган образ. Шоирнинг ўз севикли қаҳрамони Ширин ҳусну камолини таърифлаб яратган тасвирлари инсон гўзаллигининг олий даражадаги илҳомли мадҳиясидир. Ана шундай камолот гўзал ва самимий муҳаббатни келтириб чиқаради. Бу муҳаббат эгалари ёвузлик ва зўравонлик тазйиқида ҳалок бўлдилар. Аммо уларнинг покиза ва самимий севгиси ёвузликдан устун чиқди. Шу жиҳатдан Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»и эзгулик ва муҳаббатнинг букилмас қудратини намойиш этувчи асар сифатида ҳақли равишда шуҳрат топган.

Лайли ва Қайс севгиси ҳамда унинг фожиона тақдири ҳам шу фикр исботига хизмат қилади.

«Сабъаи сайёр», гарчи Баҳром ва Дилором муҳаббати тасвирига асосланган бўлса-да, Навоийнинг таъкидлашига кўра, бу достонда етти ҳикоят бош ўрин тутади. Бу ҳикоятлар карам, тўғрилик, севги, адолат, авф каби фазилатлар тарғибига бағишланган.

Навоий «Хамса»синнинг якунловчи асари «Садди Искандарий» эзгулик, чин инсонийлик туйғуларини ифодаловчи фалсафий трактатдир. Шоир бу асарда жаҳон ҳукмронлигига интилган фотиҳнинг барча қилмишлари беҳуда эканлигини, инсон ҳаётининг туб мазмуни эзгулик, хайр, ҳақиқат ва гўзалликка сидқидил билан хизмат қилишдан иборатлигини зўр куч билан тасдиқлайди.

Навоий «Хамса»ни 1483 йили бошлаб икки йил ичида ёзиб тугаллади. Бу асарнинг бевосита ёзилишига сарф этилган муҳлатни ҳисоблаб чиқилса, олти ойга ҳам бормайди, деб хабар беради шоир.

Бахтли тасодифга кўра, 1483 йилиёқ бевосита Навоий ёзган қўлёзмадан кўчирила бошлаган нусха бизгача етиб келган. Бу Абдужамил котиб қаламига мансуб. Бу қўлёзма (№ 5018) Тошкентда Ўзбекистон Фанлар Академияси Беруний номли Шарқшунослик институтида сақланади. 1985 йили Навоий «Хамса»сининг ёзилганига 500 йил тўлди. Ярим минг йилдан буён барча ижод ва тафаккур аҳлини ўзига мафтун этиб келаётган бу шоҳ асар ўзбек маданиятининг улкан ютуғи, унинг ижодий иқтидорини намоён этиб турган қимматбаҳо бойлигидир.



Йўлдош ЭШБЕКОВ

ҚЎШИҚЛАР ЭНТИКАР

Бу ерда ҳар нарса сени эслатар,
Бу ерда ҳар нарса мусаффо, покдир.
Чорпоя тагидан зилол сув ўтар,
Шодон қиқирлайди. Ўйчан. Қувноқдир.

Ишкомда узумлар шуълалар сочар,
Ишкомда узумлар жилмаяди жим.

Навқирон тераклар қалқинар, тошар,
Толлар бош эгади уялиб маъсум.

Эгилиб бошимни силар Ой, Осмон,
Тун илиқ бағрини бағримга тутар.
Соғинчнинг ранглари каби бепоён —
Қўшиқлар энтикар... турналар ўтар!

ОЛИМА ВА ЖАМОАТЧИ

«Ҳаётнинг маъноси орзу-ниятлар сари интилишнинг гўзаллиги ва қудратидадир. Шунинг учун тирикликнинг ҳар дақиқаси ўзининг юксак мақсадига эга бўлиши лозим», деган эди М. Горький. Таниқли олима Раҳима Ҳодиевна Аминованинг ҳаёт ва ижод йўлига назар ташлар эканмиз, бизнинг давримизда ҳар бир истеъдоднинг илмда, фан ва маданиятда, ҳаётда нималар яратишга қодир эканлиги, унинг салоҳияти, интилувчан, яратувчан ва ҳамиша безовта қалбининг улканлиги яққол намоён бўлади. Олиманинг илмий изланишлар маҳсули — қатор монографиялари бевосита республикамиз тарихининг ривожланиш йиллари билан ҳамоҳангдир.

Олиманинг отаси Ҳоди ака Аминов кўзга кўринган маърифатпарвар зиёлилардан эди. Раҳиманинг ёшлиги уруш йилларига тўғри келди. У 1944 йили ўрта мактабни битиргач, Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқ факультетига ўқишга кирди. Университетни тугатгач, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг аспирантурасига қабул қилинди. Раҳима Ҳодиевна 1953 йили «Ўзбекистон ирригация қурилишларида халқ ҳаракати» мавзуида кандидатлик, 1963 йили эса «Ўзбекистонда совет давлатининг аграр сиёсати» мавзуида докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ўзбек хотин-қизларидан биринчи бўлиб тарих фанлари доктори деган илмий даражага эришган олима мазкур илмий ишида тарих фанининг кам ўрганилган соҳасини ёритишга интилди. Унда Ўзбекистонда юз берган аграр ўзгаришларга оид масалаларни кенг ва атрофлича тадқиқ қилди.

Бир пайтлар Россиянинг энг қолоқ ўлкаларидан бири ҳисобланган Туркистонда, кейинроқ Ўзбекистонда Совет ҳокимияти даврида юз берган аграр ўзгаришларни, қишлоқларда социалистик қурилишни авж олдиришнинг шарт-шароитларини таҳлил қилиш олима илмий интилишларининг асосий мазмуни бўлди. «Совет давлатининг янги иқтисодий сиёсат (НЭП)га ўтиш даврида Ўзбекистонда аграр сиёсат» (1965), «Ялписига коллективлаштиришга ўтиш арафасида Ўзбекистонда аграр ўзгаришлар» (1969), «Ўзбекистонда коллективлаштиришнинг амалга оширилиши» (1977), «Ўзбекистон деҳқонлари Улуғ Ватан уруши йилларида» (1979), «Ўзбекистонда колхоз тузумининг ғалабаси» (1981), «Ривожланган социализм даврида Ўзбекистон колхозчи деҳқонлари» (1983) каби қатор монографиялари эса мазкур муаммоларнинг изчил таҳлилига бағишланган.

Олима 1972 йили чоп этилган «Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг аграр сиёсати ва уни сохталаштирувчилар» номли асарида буржуа идеологларининг сохта ва уйдирма фикрларига қарши Ўзбекистоннинг Совет ҳокимияти даврида беқиёс гуллаб-яшнаганлигини, қишлоқларда социалистик қурилиш кенг кўламда олиб борилаётганлигини кўрсатиб берди. Унинг «Октябрь ва Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласининг ҳал этилиши» (1975) монографиясида шу муҳим масала атрофлича ёритилган. Феодал-патриархал ва колониал тузумнинг оғир асорати шароитида ўзбек аёлларини озодликка чиқариш, уларни тенг ҳуқуқли қилишда партия ва Совет ҳукуматининг фаолияти мавзуси монографиядан кенг ўрин олган.

«Ўзбекистонда ишчилар синфи тарихи» уч томлик асарининг муаллифларидан бири сифатида Раҳима Аминова Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. У умуман 15 дан ортиқ йирик монографияси ҳамда кўпгина рисола ва илмий мақолалари билан давримизнинг ўзига хос солномачиси тарзида республикамиз илмий жамоатчилиги ўртасида катта эътибор топди. Унинг қатор асарлари инглиз, француз, араб, пушту, дари каби чет тилларига таржима бўлган.

Олима илмий иш билан банд бўлишига қарамай, ёшларнинг талабчан устози, меҳрибон ва жонкуяр мураббийси сифатида шогирдларининг ҳам ҳурматини қозонди. У ўндан ортиқ докторлик, элликка яқин кандидатлик ишларига ҳомийлик қилди. Раҳима Ҳодиевна кўпгина халқаро миқёсдаги йиғинларда, илмий анжуманларда, конференцияларда Советлар диёрида бахтга эришган ўзбек халқининг вакиласи, етук олима сифатида фаол иштирок этди. Унинг шундай илмий йиғинларда қилган мазмунли маърузалари бошқаларда катта таассурот қолдирди.



Раҳима Ҳодиевна ташкилотчи, жонкуяр жамоатчи ҳамдир. У бир неча йиллар давомида Тошкент шаҳар Совети депутати, район Совети депутати этиб сайланди. «Ўзбекистон» нашриёти редакцион совети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошида ташкил этилган Хотин-қизлар орасида ишлаш комиссиясининг аъзоси ва республика «Билим» жамиятининг хотин-қизлар орасида лекция пропагандаси ишларини олиб бориш комиссиясининг раиси сифатида катта сиёсий, тарбиявий, тарғибот ишлари олиб бормоқда.

Республика партия ва ҳукумати иқтидорли олима, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Раҳима Аминованинг самарали хизматларини муносиб тақдирладилар. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юксак унвон берилди. Шубҳа йўққи, тиниб-тинчимас олима учун бу унвон унинг бундан кейинги илмий фаолиятида катта маънавий рағбат бўлади.

Турғуной ҚАЮМОВА,
тарих фанлари кандидати

Исмоил ТЎЛАКОВ

ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

Кунга кўксин тоблаб ётгандай
элнинг асл баҳодирлари,
қатлам-қатлам бўлиб тизилмиш
Андижоннинг бўз адирлари.

Ҳайрат мени этади асир,
хаёлимда ташбеҳлар ғужғон.
Бу — ёғийга тик боққан ботир
вужудидан яралган довон.

Паҳлавонлар душман йўлида
тик тоғларга айланган дамлар,
ортимизда, яроқ қўлида
шайдир деган кенжа укамлар.

Алп ботирлар — тиёншонларнинг
чорловига турган мунтазир
йигитлардир, ҳушёр йигитлар
юртимдаги ҳар битта адир.

Кўкдан ёғган на тош, на тупроқ,
на чақмоқлар ва на ёмғирлар
бука олмас саботин:
шундоқ —
тураверди мағрур ботирлар.

Чанқоқ қалбга ишқдек қуйилди
фалаклардан томган жолалар.
Қонли санжоқ бўлиб туюлди,
кўкси узра унган лолалар.

Елкасини тутиб қуёшга,
ётаверди, ётаверди жим.
Топилмади дардига малҳам —
бериб, сафга қўшгувчи ҳаким.

Асрларни қайирди замон,
тарихларга битилди сирлар;
аждодини бағрига томон
чорлайверди бунда ботирлар.

Деҳқон бўлиб табиби, охир
орзулари ушалди рўй-рост.
Ҳаяжонин босолмай ботир
чаноқларни кўтарворди даст.

Юрт бағрида ҳилпираган ол
байроқларни кўрган Тиёншон
эгилмаган оппоқ бошини
букаверди укаси томон...

Кунга кўксин тоблаб ётгандай
элнинг асл баҳодирлари,
қатлам-қатлам бўлиб тизилмиш,
пахтага кон юрт адирлари.

Андижон



КОМИССАР

Унутилмас сиймолар

ПАРКЕНТ чойхонасида суҳбатлашиб ўтирган отахонлар эски маҳкама ҳовлисини кўрсатишиб: «Шу ерда Тошкентдан чиққан Ҳакимбоев деган комиссарни босмачилар отиб кетишган», деб қолишди.

Ўша кундан эътиборан хаёлимда: «Бу комиссар ким? Қандай хизматлар қилган? Оиласи борми? Бор бўлса, улар қаерда яшайди?» деган саволлар чарх ура бошлади. Узоқ изланишлар ўз самарасини берди.

Косонсой... Шаҳарнинг қоқ ўртасида тиниқ сувли сой мавж уриб оқади. Кунботар томонда Қоратоғ туя карвонлари янглиғ Косон заминига абадий тиз чўккан. Шаҳар гузарида жойлашган «Шон-шуҳрат» музейи услуби, кўрки билан кишини ўзига чорлайди.

...Музейнинг ташкилотчиси ва жонкуяри Маматхон Нуруллаев кўргазмалар олдига бошлайди... Мана, қаршимиздаги стендда ўша таниш сиймо: Абдураззоқ Ҳакимбоев! Афсонавий, матонатли комиссар. У 1887 йили Тошкент шаҳрида қарол Ҳакимбой Мозибой ўғли оиласида дунёга келган. Табиатан тийрак Абдураззоқ ўзича савод чиқаргач, кўп китоблар ўқийди, чор атрофида оғир ҳаётни кўради, дили изтироб чекади. Яхши ҳаёт кечириш, кўп жонли оиласига ёрдам бериш истагида Фарғона водийсига йўл олади. Замоннинг зайли, деганларидек, Наманган уезд Косонсой волостининг бошлиғи Саидкомилхон тўра ўғли Носирхонга қарол бўлиб ёлланади. Эшон, мударрис, ҳисобсиз бойлик эгаси, кейинчалик «Қўқон мухторияти», босмачилик ҳаракатининг ғоявий раҳбарларидан бири бўлган Носирхон эшонниинг кирдикорлари софдил, ўктам Абдураззоқнинг ёш қалбида чексиз нафрат қўзғотади. Пировардида Носирхон хонадонини тарк этиб, Косонсой амбулаториясига қоровул бўлиб ишга киради. Рус тилини яхши билганлиги қўл келиб, ўша вақтдаги фельдшерларга аҳоли билан мулоқот қилишга кўмаклашади. Улардан эмлаш, укол қилишни ўрганиб, аста-секин яқин атрофдаги аҳоли орасида «Абдураззоқ чечакчи» лақаби билан танилади.

Долғали 1916 йил. Чор ҳукуматининг фронт учун маҳаллий кишилардан мардикор ёллашга чиқарган фармонига жавобан Тошкент, Жиззах ва бошқа жойлардагидек, Наманган уезд шаҳар ва қишлоқларида ҳам оммавий норозилик, исён кўтарилади. Аммо, подшо маъмурлари халқдан ўч олиб, 123 минг кишини фронт орти ишларига сафарбар қиладилар. Шулар қаторида Абдураззоқ ҳам Симбирск, Бугульма, Сизрань, Пенъза ва бошқа жойларда оғир шароитда заҳмат чекади. Худди шу даврда Абдураззоқ Ленин бошлиқ большевиклар партиясининг фаолияти билан яқиндан танишади, инқилобий ғоялар билан қуролланади. 1917 йил июнь ойида Косонсойга қайтиб келади. Уезд статистика бўлимининг рўйхатчиси сифатида Улуғ Октябрь инқилобини зўр қувонч билан кутиб олади. Инқилобнинг дастлабки кунлариданоқ, қизилгвардиячи сифатида инқилоб самараларини Косонсойда амалга оширишга киришиб кетади.

Абдураззоқ Ҳакимбоев ёш оиласи билан Косонсойдан Тошкентга келади. У эски шаҳар Себзор даҳа озиқ-овқат комиссияси, шунингдек, халқ дружинаси отрядининг бошлиғи бўлади. 1919 йилнинг 18—19 январида Осипов исёнини бостиришда Миркомил Миршаропов, Низомиддин Хўжаев қатори ўз дружинаси билан Тупроққўрғонни ишғол қилиш жангларида қатнашади. Закаспий фронтида қизил аскарларни сиёсий ташкилотчи сифатида илҳомлантиради ва жангларда олдинги сафларда бўлади.

Жангларда чиниққан большевик Абдураззоқ Ҳакимбоев Оҳангарон райони «Облиқ фронти»да сиёсий комиссарликка кўтарилади. У Раҳмонқул қўрбоши тўдасини тор-мор этишда шахсий жасорат кўрсатади.

Сўнгра, Тошкент Эски шаҳар милициясининг бошлиғи, кейин Мирзачўл (Сирдарё) округ юстиция бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлайди. 1922 йили Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси раислиги вазифасини ижро этади. Олий трибунал сайёр комиссиясининг аъзоси сифатида Ашхабод, Перовск, Чимкентда аксилинқилобий тўдалар хуружини даф этишда бевосита қатнашади. 1923 йили Туркфронт 13-ўқчи корпуси сиёсий бўлимида хизмат қилади. Доҳий Ленин сафдошларидан бири Я. Э. Рудзутакнинг тавсияси билан А. Ҳакимбоев Бухорога юборилади. У ерда Чоржўй шаҳар ҳамда область партия қўмитасининг секретарлигига сайланади. Абдураззоқ Ҳакимбоев оғир шароитда мавжуд куч ҳамда аҳолини сафарбар қилиб, воҳада босмачи тўдаларини тугатишда бор куч ва ғайратини сарфлайди.

1924 йили 16—18 январида ВКП(б)нинг Москвада бўлиб ўтган XIII партия конференциясида қатнашади. 1925 йил 13—20 февралида Москва шаҳрида чақирилган СССР Советларининг III съездида делегат сифатида иштирок этади. А. Ҳакимбоев Ўрта Осиё республикаларини миллий чегаралаш ҳамда СССРга ихтиёрий аъзо бўлиш учун ҳужжат ва тадбирларини тайёрлашда фаолият кўрсатади.

1925 йили партия уни Хоразм округига партия контроль тозалаш комиссиясининг раиси қилиб юборади. Ўртоқ Ҳакимбоев партия сафларига ҳийла-найранг билан суқулиб кириб олган ёт унсурларни фош этишда ҳалол ва принципиал раҳбар сифатида танилади. Хоразм округ раҳбарлари республика ҳукуматига махсус мактуб билан мурожаат қилиб, Абдураззоқ Ҳакимбоевнинг Хоразмда ишлаш муддатини яна узайтиришни сўрашади. Илтимос қондирилгач, у округ ижроия комитети раисининг муовини вазифасига тайинланади.

Бу вақтда Хоразм атрофида маккор Саъдулла Болабой галалари изғиб, қонхўрлик қилишарди. А. Ҳакимбоев ишга киришиб, учта махсус отлиқ отряд тузади ва босмачилар изига тушади. Маҳаллий аҳоли ва фаоллар ёрдамида Саъдулла Болабой тўдаси батамом тугатилади.

1927 йили февраль ойида партия уни республика «Қўшчи» союзи раислигига кўтаради. «Қўшчи» союзи қишлоқларда бой ва қулоқларга қарши курашиб, батраклар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилади.

...Замон олға борарди. Билимга чанқоқ А. Ҳакимбоевни партия 1927 йили Ўрта Осиё Коммунистик университетига ўқишга юборади. Табиатан сергайрат Ҳакимбоев сокин аудиторияларда маъруза тинглаб ўтиришга кўниколмайди. У доимо кураш майдонига талпинади. Ўзининг илтимосига кўра, у 1928 йил бошларида Тошкент округ ер ишлари бўлими мудирлигига тайинланади.

...1930 йил баҳори. Якка хўжалик ерлари бирлаштирилиб, янги тузилган колхоз далаларида иш бошланди. Бироқ, айрим чеккачекка районларда ғанимлар ингвоси кучаяди. Оқибатда баҳорги экин-тикин ишларига жиддий хавф туғилади. Айниқса, тоғли лалмикор район Паркентда аҳвол ташвишли эди. Боз устига бу ерда Обликдан кўчирма қилинган бой қулоқлар Олабуқа, Косонсой адирларида, Чотқол тоғ-унгурларида оч бўридек изғиган қўрбоши Омон полвон жаллодлари билан бирлашиб, Советларга қарши «газовот» эълон қилганди. Улар Олтинбелда совет ўқитувчилари Салимбек Турсунбеков ва Асилбек Юсуповларнинг устига лампамой қуйиб ёқиб юборишади.

Партия синалган фарзанди Абдураззоқ Ҳакимбоевни Паркентга йўллайди. Ўша 6 апрель тунида комиссар махсус маълумотни район фаоллари билан муҳокама қилиб, чора-тадбирлар ишлаб чиқади. Бироқ, 7 апрель тонгида Омон полвон сарбозлари Паркент гузарига бехосдан бостириб келиб, Давлат банкасини талашади. Маҳкамада (ҳозирги «Ғунча» тикувчилик фабрикасининг ҳовлиси) тунаб қолган халқ ва партиямизнинг содиқ фарзанди Абдураззоқ Ҳакимбоев тенгсиз жангда танасининг ўн бир жойидан яраланиб, ҳалок бўлади.

...Комиссар Абдураззоқ Ҳакимбоевнинг жасади Тошкентдаги Чиғатой қабристонига қўйилган. Собир Раҳимов район кўчаларидан бири ва ўрта мактабларидан бири унинг номи билан аталади. Ўзбек халқининг шонли фарзанди Абдураззоқ Ҳакимбоевнинг порлоқ хотираси ҳар қанча эъзозга лойиқдир.

Ҳамид МУРОД

Паркент

КУЛСАНГ, БАРАЛЛА КУЛ!

КИЧИК ҲИКОЯ

Ишдан келишим билан қўшним Антиқахон ташриф буюрдилар.

— Ҳай, Кулсинхон... (асли исмим Гулсинхон, лекин қувноқлигим учун шунақа лақаб қўйиб олган у). — Кеча кечқурун қаёқдайдиз? Юришдан ҳеч чарчамайсиз-а?

— Шу... бир кулай деб «Куёв»га чиқа қолувдим. Лекигин...

— Воой, шўрим! — у лабини тишлаб, кўрсаткич бармоғини юзига босди. Кўзлари ола-кула бўлиб кетди. — Бошизда эриз туриб, яна қанақа куёвга чиқдиз?

Мен қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордим.

— «Куёв» спектаклига, Антиқахон!

— Ҳа-а, қўрқиб кетдим-а, туф-туф. Театрингиз бор бўлсин. Анов куниям «Курорт»га кетаяпман, деб капалагимни учирдингиз. Ҳой, бир йилда икки марта курортга борасизми-а, бунча эркасиз, десам: «Яхши замонда эркин яшаш керак-да», деб куласиз. Кейин билсам, «Курорт» спектаклига экан. Ҳой, бундоқ тушунтириброқ гапирсайиз нима бўлади-а?!

— Антиқахон тушмагур-ей, бир кулинг, дейман-да. Доим ниманингдир ташвиши билан қоврилиб, эзилиб юрасиз. Кулсангиз, қон юришиб, бетингиз хиёл қизармиди?

— Бо, юзимга ажин тушиб кетсинми эрта кунда. Йўқ, кераймас. Телевизордан минатюрани кўрмайману... Мабодо жуда кулиш зарур бўлса, иккала юзимни маҳкам ушлаб туриб, томоғимда куламан. Ҳи-ҳи, деб.

Бу гапга дош беролмай, яна хандон куламан. Антиқахон дарров иккала бетини кафтлари орасига олиб, ингичка товушда ҳиҳилайди. Яна жиддий тортади.

— Эҳ, Антиқахон, кулги билан одам агар ҳунук бўлса, Салимахоннинг қизлари эрсиз қоларди-я. Лекин ҳаммасининг эшигига совчи тиралиб турибди.

— Ким у Салимахон?

— Дугонам. Деновда бригадир. Ўтган йили худди шундай баҳор пайтида Гулқишлоққа борсам, Салимахон қизлари билан даштдан ер очгани кетган экан. Колхоздан машина сўраб ҳаё-ҳу деб даштга жўнадим. Бир соатча йўл юриб борсак, бульдозер ер ағдараяпти, қизлар тош тераяпти.

— Баҳорда тош терсак, кузда «оқ олтин» йиғамиз, — дейди Салима.

Ўзиям туш пайтига етиб борган эканман, қўлбола супадан жой олиб, Салима билан гангур-гунгур суҳбатни бошлагандик, қизлар илжайиб келишиб, ёнимиздан жой олишди.

— Вой-бу, бу қизлар бунча чиройлик-а. Қай бирини келин қилсам экан, деб ақлим шошди-ю.

— Анави Камолани келин қилинг. Ташканни жуда яхши кўради, — деди қақажон Нодира.

Қизлар қиқирлаб кулиб юборди-лар. Камола лоладек қизариб кетди.

— Тошканни яхши кўриб, ўғлимни яхши кўрмай қолсалар, нима қиламан?

Қизлар яна қийғоч куладилар.

Сочлари майда ўрилган, қошкўзи попукдек Камолаям бўш келмади:

— Вой, нега яхши кўрмас эканман, — деб юборди.

Қизлар кулгисидан дашт жаранглаб кетди.

— Мен-чи, — дедим ўзим қулоғимга етиб, — келинимнинг қўшиқчи, тикувчи, пазанда, ҳамшира, ҳатто тилиям ширин бўлишини хоҳлайман-да.

— Зулхумор шунақа. Наргизаям, Нодираям...

Қизлар кула-кула исмларини тизиб ташлашди.

— Биламан, ҳаммангиз яхши. Ҳаммангиз келин бўласизлар, — дейман севиниб.

Шу куни десангиз, Антиқахон, на гилам, на биллур идиш, на юмшоқ диван, на ипак дастурхону зарҳал пиёлалари бўлган ўша бийдай даштда, кичик бир шолча устида давра қуриб, шундай кулдик, шундай кулдик. Кулги қизларнинг юрагига ўт солди, чиройига чирой қўшди. Шавлани иштаҳа билан еб, чой ичгач, ғайрат билан ишга киришиб кетдилар.


Ҳа, Антиқахоним, кулишни яхши билган одам — яшашни, ишлашни ҳам қойиллатади. Бировни тушунади. Биз... кулиб яшайдиган, завқ билан ишлайдиган, қувончларимиз ичимизга сиғмайдиган замон эгаларимиз. Кулинг, баралла кулинг, Антиқахон. Соғаясиз, бироз ғайратланасиз. Ҳаётга, маданиятга кўпроқ аралашинг.

— Уҳ, вой, юрагим санчиб кетди, Кулсинхон. Дўхтир чақиришим керак, дори ичишим, ётишим керак. Хайр...

Антиқахон юзи буришиб, инқиллаб, синқиллаб чиқиб кетди. Эссиз, эссиз, ёшлик!

Мен қўшиқ хиргойи қилиб, паловга уннадим.

Санъат МАҲМУДОВА



(Ўз ТАГ)

Бобо ва невара

САНЪАТИМИЗ ИФТИХОРИ

СССР халқ артисти Лутфихоним САРИМСОҚОВА
90 ёшда

Қ УЕШ ҳарорати табиатни яшил тусга киритиш, улғайтириш каби мўъжизакор кучга эга бўлгани сингари социалистик санъат ва унинг кўкидаги сайёралар ҳам инсон тафаккурини ўстиришга, камолга етказишга хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, санъаткорлар хизмати туфайли янги инсоннинг маънавий дунёси бойийди ва бу унинг жамиятда ўз ўрнини топишига ёрдам беради. Санъатнинг ана шундай мўъжизакор қудратини беминнат ижоди билан минг-минглаб шинавандаларга тортиқ қилган санъаткорлардан бири СССР халқ артисти Лутфихоним Саримсоқовадир.

Л. Саримсоқова 1896 йили Андижоннинг Булоқбоши қишлоғида дунёга келди. Еш Лутфи меҳнаткашларнинг, айниқса, кўпроқ эзилган, ҳуқуқсиз аёлларнинг оғир қисматини ўз тақдири мисолида жуда эрта ҳис қилди. Туғилибоқ ҳам отадан, ҳам онадан етим қолган Лутфи ўзгалар қўлида — сарсон-саргардонликда қолди. Кейин Лутфини холаси ўз тарбиясига олди, лекин олти ёшида холаси ҳам ҳаётдан кўз юмди. Яна ўзгалар эшигида таъна-дашномлар остида кун кечириш, бир бурда нон учун дийдаси тош кимсалар кўзига мўлтираб боқиш — унинг ёшликдаги қисмати шундай бўлди. Уни ўн уч ёшида бегона кишилар эрга бериб юбордилар.

Ўша даврда фақат ҳимоясиз, ота-онасиз етимча қизнинг эмас, балки кўпчилик аёлларнинг тақдир ҳам ана шундай фожиали эди. Эскилик бидъатлари билан кишанланган аёллар қисмати рўшноликдан юз ўгирган эди. Лекин Лутфи тақдирга тан бериб бахтдан, гўзалликдан бенасиб бўлишни истамади. У тақдирни инсон ўз қўли билан яратиши ҳам мумкинлигини англаб етди. Бу ўша давр учун жасорат, ўзлигини таниш йўлидаги бир исён эди. Лутфи севгисиз хонадон, асрий ақида тартибларини, юрагига ёт эрни тарк этди. Лекин Лутфи эркинликка эришгани билан яшаш учун ўша давр қонунлари олдида ночор эди. Яна бировлар эшигига борсинми, миннат билан берилган нон томоғидан заҳар бўлиб ўтсинми?!

Яшаш учун курашиш ҳам керак-ку. У ахир, ҳаётни севади, баҳорда қишлоқ томлари устида қип-қизил алвон бўлиб очилувчи лолақизғалдоқларни, қўшиқни севади. Қўшиқ уни ота ва она бўлиб овутади, укаси каби ҳамдард бўлади, опа бўлиб у билан сирлашади. Лекин қўшиқни ҳам баралла айтиб бўлса кошкийди. Фақат кечалари — кундузги оғир меҳнатдан кейин, бой хотинларининг заҳар-заққум гапларини эшитавериб бир ҳолга тушиб қолгандан кейингина ўзининг каталакдек кулбасига кириб қўшиқ айтарди, секин, аммо узоқ айтарди. Унинг ширали ва майин овози тун қўйнида тиниқ тараларди.

В. И. Ленин даҳоси, инқилоб қуёши, мазлума Шарқ аёлларининг ҳам ҳаёт йўлини нурафшон этди. Завод-фабрикалар ишга туширилди, хотин-қизлар клублари, мактаблар очилди. Булар ўзбек аёлларининг маънавий камол топишида муҳим роль ўйнади. Ўзбек аёллари ҳам илм-фан, маърифат чўққиларини эгаллаш учун дадил ҳаракат қилдилар.

Лутфихон ўша пайтларда санъаткор бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бироқ унинг санъатга бўлган меҳри кучли эди. Аммо бу меҳрни дилида пинҳон сақларди. Чунки у вақтларда қизларнинг ашула айтиши, ўйинга тушиши ислом ақидаларига зид ҳолат ҳисобланарди. Мана шу ярамас тушунча оқибатида Турсуной ва Нурхонлар санъат йўлида қурбон бўлдилар. Уларнинг ўрнига янгидан-янги санъат ғунчалари пайдо бўлди. Бундай санъатга ихлос қўйган ёшларга мададкор мураббийлар ҳам бор эди. Шулардан бири оташин инқилобчи шоир, драматург Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий эди.

Лутфихоннинг Ҳамза билан учрашуви ҳаётидаги энг ёрқин бир саҳифа бўлиб қолди. Бу учрашув 1924 йили Қўқон хотин-қизлар клубида юз берди. Бу пайтда Лутфихон шу клубнинг фаол аъзоларидан бири эди. Бир куни Лутфихон янги қўшиқ ўрганиб дугоналарига айтиб бераётганида клубга Ҳамза кириб келди. Қизлар гурр этиб ўринларидан туришганда Лутфихон ҳам ашулани ярмида тугатди. Лекин Ҳамзанинг давом эттиринглар, деган имоси билан Лутфихон қўшиқнинг қолган жойидан олиб кетди. Қўшиқ тугагандан сўнг Ҳамза Лутфихон билан узоқ суҳбатлашди. Кейинчалик Ҳамза бу ширали овозга эга бўлган қизга ўз қўшиқларини ўргатиб, уларни ижро этишига ёрдам берди. Оташнафас шоирнинг таклифи билан 1926 йили катта ҳаёт мактабини ўтаган, замоннинг курашлар бўронида тобланган йигирма саккиз ёшли Лутфихон Саримсоқова Қўқон Давлат музикали театрига ишга ўтди. Бу билан катта санъат йўлига тўғри тушиб олди, ўзбек совет театри қалдирғочлари Миршоҳид Мироқилов, Муҳиддин Қори Еқубов ва Тамарахоним каби санъаткорлар қаторига кирди. Шундай қилиб, Л. Саримсоқова образларда ҳаётнинг баёнини эмас, аввало унга муносабатини саҳнага олиб чиқди. Бу муносабатларда қаҳрамон тақдирини актриса ўзининг ҳаёти, туйғуларидан бевосита келиб чиққан ҳолда ижро этди. «Тутуннинг аччиғини мўри билади», деганларидек, биринчи бор саҳнада Лайлининг онаси ролини ижро этишим билан саҳна артисти бўлиб қолганман», дейди Л. Саримсоқова ўз эсдаликларида. Бу сўзлар замирида қанчадан-қанча машаққат, актёрлик маҳорати яшириниб ётибди. Театр актёри бўлиш ўша вақтлар нақадар чидам ва маҳорат талаб қилгани фақат Лутфихонга аён. Лутфихоним ролларни ижро этар экан, уларни чуқур таҳлил қилиб, томошабин кўз олдида ҳаётни сўз ва драматик ҳаракатлар орқали тўғри акс эттиришга ҳаракат қилади. Уша йили Қўқон театри саҳнасида Узеир Ҳожибековнинг «Аршин мол-олон» комедиясидаги Зебо ролини ижро этиши томошабин билан Лутфихон ўртасидаги алоқа занжирига яна бир ҳалқа бўлиб тушди.

1928 йили Л. Саримсоқова ўз ҳамкасблари билан Андижон театрига ишга ўтади. Мазкур театр бу пайтларда бошқа театрларга нисбатан ижодий пешқадамлик кўрсатаётган эди. Унинг составида Комил Яшин (адабий эмакдош), Тўхтасин Жалилов, Соиб Хўжаев каби истеъдодлар ижод этмоқда эдилар. Лутфихоним бу театрда Лайли (Хуршид, «Лайли ва Мажнун»), Гулчеҳра (У. Ҳожибеков, «Аршин мол-олон»), Маликаи Турандот (К. Гоциа, «Маликаи Турандот»), Ҳалима (Ғ. Зафарий, «Ҳалима»), Кумуш хола (Яшин, «Икки коммунист») каби қатор ролларни маҳорат билан ижро этди. Лутфихоним саҳнада катта ва ушоқ ролларни ўз услуби, ўз талқини билан меъёрига етказиб ўйнади.

Лутфихоним Саримсоқованинг Тошкентга — республика музикали драма театрига таклиф этилиши унинг ижодида муҳим аҳамият касб этди. Бу ерда у санъатимизнинг атоқли усталари Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Бобораҳим Мирзаев, Карим Зокировлар билан ижодий мулоқатда бўлди. Энг муҳими, у бир қатор рус режиссёрлари, актёрлари билан яқин алоқа боғлади. К. Станиславский, Немирович-Данченко сингари улкан санъаткорлар назарияси билан чуқур танишди. Бу жараёнда актриса ўз ижросида йўл қўйган камчиликларни пайқади, уларни йўқотишга ҳаракат қилди. Шу боисдан бўлса керак, актриса ижросидаги Ойсара, Есуман кампир сингари образлар фақат Л. Саримсоқова ижодий биографиясидагина эмас, балки ўзбек совет театри тарихида ҳам ўчмас из қолдирди.

1937 йили Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаси қатнашчилари қаторида Лутфихоним «Фарҳод ва Ширин» спектаклидаги маккорликнинг ёркин тимсоли — Есуман образини, «Гулсара» драмасидаги она ролини маҳорат билан ижро этиб, пойтахт томошабинларининг олқишига сазовор бўлди. Л. Саримсоқова Есуман қиёфасини шу қадар санъаткорона ўйнадики, танқидчилар ва талабчан Москва томошабинлари бу санъаткор қиёфасида ўзбек актёрлик санъати нақадар ўсаётганлигини эътироф этдилар. «Правда» газетасининг 1937 йил, 26 май сонида берилган ўзбек санъаткорлари ҳақидаги мақолада жумладан шундай дейилади: «Ҳ. Носирова, Тамарахоним, Л. Саримсоқоваларнинг муваффақияти — большевиклар ғалабаси, паранжидан озод бўлган ўзбек хотин-қизларининг тантанасидир. «Гулсара» драмасида улар ўз ҳаётлари ҳақида ҳикоя қиладилар. Бу спектакль ўз озодлиги учун курашган ўзбек хотин-қизларининг тарихидир. Шуни айтиш керакки, спектаклда асар қаҳрамонининг онаси — Ойсара ролини ижро этган Лутфихоним Саримсоқова катта драматик истеъдодга эга эканлигини намойиш этди».

Актриса ўша йили Ўзбекистон ССР халқ артисти деган унвон ҳамда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Лутфихоним Саримсоқова ўзбек опера театрининг ташкил этилишида ҳам фаоллик кўрсатди. У опера театрининг биринчи ижрочиларидан. У Е. Брусиловскийнинг «Эр-Тарғин» операсидаги Тама, М. Магомаевнинг «Наргис» операсидаги Ноз-ноз партияларини муваффақиятли ижро этиб, янги шаклланаётган ўзбек опера театрига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

1939 йили Тошкентда ҳозирги Муқимий номидаги ўзбек музикали драма театри ташкил топди. Л. Саримсоқова ҳам шу театрга ишга ўтди. Бу театрда Ҳ. Ҳакимзоданинг «Майсаранинг иши» комедиясидаги Майсара образи биринчи марта Лутфихоним ижросида саҳна юзини кўрди. Бу комедия реал воқеликни акс эттириши билан Лутфихонимни ўзига жалб этди. Майсарадаги тадбиркорлик, сезгирлик, уддабуронлик, ўз фарзандларига бўлган меҳр-муҳаббат, уларга жон фидолиги Лутфихонимнинг шахсий ҳаётига, унинг феъл-атворига яқин эди. Унинг Майсараси — типик комедия персонажи ҳам, психологик драма қаҳрамони ҳам эмас, заковатли ва қувноқ аёл. Изтиробли дамлар Майсаранинг ўтмиши ҳақидаги ҳикоялари саҳналарида юз беради. Бу билан Лутфихоним қаҳрамоннинг оғир ўтмишига ишора қилади. Майсара қаҳрамонликни улуғловчи образ сифатида актрисанинг ижодий биографиясида алоҳида ўрин тутади. У аввало аёлларнинг аҳволи, жамиятдаги ўрни, ҳуқуқини ва курашини идрок этувчи катта мавзунинг муҳим саволларига жавоб беради.

Лутфихонимнинг ажойиб хислатларидан бири шуки, у бир-бирига қарама-қарши, бир-бирига зид ролларни ҳам маҳорат билан ижро этади. «Нурхон»даги мушфиқ она, «Олтинкўл»даги Жамол хола, «Истеъдод»-даги коммунист аёл «Паранжи сирлари»даги Мастура сатанг ёки «Фарҳод ва Ширин»даги Есуманга мутлақо ўхшамайди.

Л. Саримсоқова икки юздан ортиқ ўзбек аёллари образини яратиб, театр тарихида янги саҳифалар очди. Актриса ўзбек оналарининг характерини, интилиши, дил туйғуларини ўзида мужассамлаштира олди. У илк бор она образини 1929 йили «Ҳалима» музикали драмасида Ҳалиманинг онаси ролини ижро этиш билан бошлади. Бош қаҳрамон — эпизодик она образи Лутфихоним Саримсоқовага шуҳрат келтирди. Шу-шу актрисани «Ая» деб атай бошладилар. Шундай қилиб, Л. Саримсоқова ўзбек театр ва экран саҳифасида она образининг тимсоли бўлиб қолди. Ая яратган «Нурхон» спектаклидаги Кимё образининг талқини ҳам Л. Саримсоқова ижодида алоҳида ўрин тутади. Катта қалб эгаси, эзгу ниятларни ижрочилик маҳорати билан тасвирловчи актриса бу образда буюк ўзбек халқи аёлларига ҳайкал ўрнатди. Кимё образи — Саримсоқова ижодининг мазмуни, ўзбек оналари сиймосининг қомусидир. Образдаги бош мавзу — чидамлилик бизни маҳлиё этади. Бу чидамда қанча заковат, гўзаллик мавжуд. Бу чидамда итоат эмас, чорасизлик ҳукмрон. Чорасизлик замирида эса муҳокама, ақл, фикр, унсиз исён ётади. Қотил ўғил Мамат ўз синглиси Нурхонни чавақлаганда, она Кимёнинг ғазабли монологи актриса ижрочилик санъатининг чўққиси бўлиб кўринади. Шу кичик монолог моҳир санъаткор туфайли асарнинг ғоявий қудратини оширади, унинг маърифий-таълимий аҳамиятини кучайтиради. Л. Саримсоқова классик образ Кимё қиёфасида 3 минг 500 марта саҳнада яшади. Ҳар гал бу образга сайқал бериб ўйнади. Мана шу роли учун Л. Саримсоқовага СССР халқ артисти деган юксак унвон берилди.

Л. Саримсоқова қатор йиллар мобайнида саҳна фаолиятини кино санъати билан чамбарчас боғлаб олиб борди. Ўзбек кино санъатини ривожлантиришда ҳам унинг салмоқли ҳиссаси бор. Аянинг киноленталарга кўчган ҳаёти ҳам катта бир санъат мактабини ташкил этади. Унинг бу оммавий санъатдаги фаолияти 1931 йилда Марғилон фабрикасида суратга олинган «Озод» фильмида иштирок этиши билан бошланади. «Қасам» номли биринчи овозли ўзбек кино асарида эса у она образини яратди. Лутфихоним экранда кўп кўринмайди, кўп гапирмайди, аммо унинг ғамгин кўзлари, титраб турган қўллари томошабин кўз ўнгидан кетмайди. Бу аёлнинг бутун умри забунликда, муҳтожликда ўтган. У ўзининг аянчли ҳаётига кўникиб кетган. Аммо кутилмаганда унинг келини Саодат ўтмиш пардаларини бирданига йиртиб ташлайди. Кўчага чачвонсиз чиқади, қайнона шундагина ўзини қул қилиб келаётган ўтмиш иллатларини тўсатдан тушуна бошлайди. Инсон онгидаги мана шу психологик бурилишни бир-икки ҳолатда ҳаракат ва жумла билан акс эттириш ғоят мушкул эканлиги ўз-ўзидан маълум. Лекин Лутфихоним бунинг уддасидан чиқа олди. Бу образда Л. Саримсоқованинг экран саҳифасидаги маҳорати ҳам яққол намоён бўлди.

Лутфихоним Саримсоқова экранда ҳам қирққа яқин образлар яратди. Бу образлар ўзининг ранг-баранглиги билан, ўзбек оналарининг характерини улуғловчи жиҳатлари билан кишиларни мафтун этиб келмоқда. «Озод», «Қасам», «Фарзандлар», «Иккинчи баҳор», «Маҳаллада дув-дув гап», «Ҳамза», «Стадионда учрашамиз», «Сен етим эмассан», «Фарҳоднинг жасорати», «Осиё устида бўрон» сингари фильмларда Лутфихоним Саримсоқова етук кино санъаткори эканлигини исбот қилди.

Лутфихоним Саримсоқова — бутун умрини санъатга бағишлаган, совет санъаткори деган номни ҳамиша пок ва муқаддас деб билган, ўзининг бутун қалб ҳарорати, ноёб истеъдодини халққа бера олган санъаткор. Лутфихоним — коммунист санъаткор. Рус театри саҳнасининг Тарасова, Гогольева, Пашенная сингари буюк актрисалари даражасига кўтарилган Лутфихоним Саримсоқова жуда катта санъаткорлар авлодига устоз бўлиб қолди. Бугунги кунда республикамиз театр санъатига арзирли ҳисса қўшиб келаётган Омина Фаёзова, Санъат Саидова ва бошқа кўплаб санъаткорлар аянинг севимли шогирдларидир.

Халқнинг, Ватаннинг ҳурматига сазовор бўлган санъаткорнинг бахти барқарордир. Лутфихон ая ана шундай бахти барқарор санъаткорлардан бири бўлиб қолди. Актриса саҳнада яратган образлари билан ўзига хос индивидуал қиёфа касб этди. Ўзбек кинематографиясини эса у психологик теран, ранг-баранг характерли образлар билан бойитди. Лутфихоним маҳорат билан ижро этган «Кулинг», «Узганча», «Омон бўлайлик», «Жамбилхон» каби ашулалар оҳанги ҳамон кишиларни сеҳрлаб келади. Серқирра ижодкор аянинг босиб ўтган ижодий йўли санъат оламига нурли бир из қолдирди. «Ая» деган буюк атаманинг соҳиби бўлди. Лутфихоним Саримсоқованинг санъат йўлида қилган бениҳоя катта хизматлари Партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди, СССР халқ артисти деган юксак унвонга сазовор бўлди. Ленин ордени, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари ва бир қанча медаллар билан тақдирланди.

Абдураззоқ КАРИМОВ

«ЎЗБЕКИСТОНГА ОШУФТАМАН»

Прагалик Алёна Чермакова (зарварақнинг 2-бетига қаранг) ижодида Ўзбекистон мавзуи етакчи ўрин эгаллаб келаяпти. Унинг мўйқаламига мансуб асарларга разм солар экансиз, кўз ўнгингизда қадимий ва ҳамиша навқирон Шарқ ўзининг бутун улуғворлиги ва рангин манзаралари билан намоён бўлади, томошабин бунёдкор халқнинг ўз яратувчилик меҳнати билан табиатни ўзгартириб юбораётганини кўради.

Алёна Чермакова Ўзбекистонга биринчи марта 1964 йили чехословак рассомлари қаторида келиб, диёримизнинг Тошкент, Самарқанд, Хева, Ургут каби шаҳарларида бўлган эди. Мусаввирнинг ижодида Ургут манзаралари, айниқса, ўчмас из қолдирди. Бунинг натижасида қатор манзаралар, портрет, натюрморт, жанрли саҳналар ва композициялар яратилди. Алёна Чермакова Ургутга борганида гавжум бозорларда соатлаб айланиб юришдан чарчамас, бўлажак асарлари учун одамларнинг чеҳраларидан андоза қидирар эди. Сотувга чиқарилган катта сўзаналар, ғаройиб дўппилар, гулзорни эслатувчи гиламлардан рассомнинг кўзлари қамашарди, унинг қўлидаги қалам эса, рангин санъат мўъжизаларини чизишга базўр улгурарди.

Бундан ташқари, қардош Чехословакиядан ташриф буюрган бу санъаткор аёл ўзининг кўп вақтини улкан чинорлар теграсида ўтказар, булоқларда осуда сузиб юрган балиқларни томоша қилар эди.

Орадан яна бир неча йил ўтгач, Чермакова ўз қалбини асир этган улкан чинорлар, булоқлар тепасидан жой олган сўлим супалар, тўкин бозорларга яна йўл олади. Шу тариқа, унинг Прагадаги устахонасида Ўзбекистондан олган таассуротлари, эскиз ва қораламалари асосида «Бозордан қайтиш», «Лолалар диёрида», «Ургут сўзанаси туширилган натюрморт» каби салмоқли полотнолар яратилди. Айнан қизил кўйлакли ва оқ рўмолли ургутлик аёллар ЧССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ЧССР халқ рассоми А. Чермакованинг асарларида тез-тез кўзга ташланди ва Ўзбекистоннинг кичик бир гўшаси шу тариқа жаҳоннинг турли мамлакатларида машҳур бўлиб кетди.

Алёна Чермаковага Самарқандда яна омад қулиб боқди: бу ерда у оддий ўзбек оиласи билан танишди ва шу оила даврасида Улуғ Октябрь байрамини кутиб олар экан, «Байрам дастурхони» асарини чизишга ўтирди. Мазкур асарда биз меҳмондўст мезбон ҳамда меҳмонларни кўрар эканмиз, тантанали воқеани бутун қалбимиз билан ҳис қиламиз. «Байрам дастурхони» асаридан кўчирилган репродукциялар жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари газета ва журналларида эълон қилинди.

Мусаввир дастлабки сафари чоғида бир туркум меъморий манзаралар ҳам яратган бўлиб, ана шу мавзудаги ишлари кейинчалик янги-янги асарлар билан тўлдирилди. Булар: «Бибихоним масжиди ёнидаги чойхона», «Бибихоним масжиди», «Гўри Амир», «Регистон», «Шердор», «Минораи Калон», «Кўк гумбаз», «Калтаминор» манзараларидир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Чермакованинг Ўзбекистонга бағишланган дастлабки ишларида бўёқлар чашмасининг бирмунча хиралиги кўзга ташланса, кейинги асарларида рассомнинг бу қусурлардан секинаста қутула борганлигини кўрамиз. Бўёқларнинг ёрқинлиги ва жозибадорлиги, айниқса, қилқаламл устасининг кўп шаклли композициялари ҳамда натюрмортларида алоҳида бўртиб туради.

1965 йилнинг кузида бўлиб ўтган «Ўзбекистон — Чехословакия рассомлари нигоҳида» ҳисобот кўргазмаси Алёна Чермаковага катта шуҳрат келтирди. Қисқа вақт ичида кўргазма экспозицияларини 50 мингдан зиёдроқ тасвирий санъат мухлислари келиб кўрганлигини фикримизнинг исботидир. Алёна Чермакова кўп йиллардан бери СССР — Чехословакия дўстлиги жамияти праалениесининг ҳам аъзосидир.

Қуёшли ўлкага ошуфта бўлиб қолган рассом Ўзбекистонда кўрган-кечирганларини юзлаб полотнога кўчиргандан кейин ҳам бу серқуёш ўлкани унута олмади. Соғинч ҳисси, орадан ўн олти йил ўтиб, уни яна республикамизга бошлаб келди. Бу гал Ўзбекистон Рассомлар союзининг таклифи билан диёримизга ташриф буюрган бу рангтасвир устаси Фарғона водийси бўйлаб саёҳат қилди. Бу галги сафаридан сўнг у «Ўзбекистон кузи» деб номланган кўп фигурали композициясини, «Ўзбекистоннинг «оқ олтини» асарини яратди. Чермакова кейинчалик Ўзбекистонда кўрган-кечирганлари асосида «Фарғона сюитаси» полотноси циклини ҳам яратди.

Айни кунларда чехословакиялик рассом аёлнинг устахонасида қизғин ижод давом этаётир. Шу йил сентябрь ойида Чермакова ўзи туғилган куннинг 60 йиллигини кутиб олади. Мўйқалам устасининг юбилейи кунларида унинг шахсий кўргазмасига қўйиладиган асарлари орасида Ўрта Осиё мавзуида яратилган полотнолар муносиб ўрин олишига шак-шубҳа йўқдир.


Людмила ТУРУЛОВА,
санъатшунос


Бу бўлимда
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон
ССР Олий Советининг депутати, СССР Давлат
Мунав оқова


ПРАВДА
ПАРТИЙНЫЙ

Маннон САИДОВ. НУРХОН.

Алена ЧЕРМАКОВА ижодий устахонасида.



Алена ЧЕРМАКОВА. ҚИШЛОҚ МАНЗАРАСИ.





Дам олиш соатларида.




Чортоқ райони, Навоий номли совхоз бригадири Хайрихон Бобоева.
А. Жумаев фотоси

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
Кибернетика институтида.
Т. Горяева фотолари





Яратиш завқи.
А. Тўраев фотоси



Хумсон — оромбахш маскан. Р. Ярулин фотоси



Ёшлик оғушида. Б. Бутиев фотоси



Операция олдидан... (Самарқанд областидаги Большевик райони шифохонаси жарроҳи Исҳоқ Шодиев)
Э. Йўлдошев фотоси

БУЮК ҚЎЗҒАЛИШ

18 март — Париж Коммунасининг 115 йиллиги

Тарихда биринчи пролетар давлати — Париж Коммунасини барпо этган француз меҳнаткашлари билан бир қаторда унинг дунёни титратган 72 кунлик ижтимоий-сиёсий фаолиятида, қаҳрамонона курашида Европадаги деярли барча миллатларнинг вакиллари фаол қатнашдилар. Шунинг учун ҳам Карл Маркс Париж Коммунаси яшаб, курашиб турган кунлардаёқ яратган «Франция гражданлар уруши» асарида: «Ишчилар ҳукумати бўлган ва меҳнатни озод қилиш йўлида жасурлик билан иш кўрган Коммуна шу билан бирга том маъноси билан интернационал Коммуна эди», деб ёзди.

Париж Коммунаси XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошида жаҳон революцион ҳаракатлари марказига айланган Россияга жуда кучли таъсир кўрсатди. Тараққийпарвар Россия Коммунани табриклади, ундан ўрнак олишга даъват этди, коммунарларни жазо чораларидан яшириб қолди, уларга моддий ва маънавий ёрдам берди. Тараққийпарвар Россия доимо Париж Коммунасини қутлади, унинг тажрибаларини ўрганди. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин: «Биз ҳаммамиз ҳозирги ҳаракатимизда Коммунага таяниб иш олиб бормоқдамиз», деб кўрсатган эди.

Парижда пролетариатнинг ҳокимиятни ўз қўлига олганлиги ҳақидаги хабарлар Россияга етиб келиши биланоқ реакцион руҳдаги вақтли матбуот унга туҳмат тошларини ёғдира бошлади. Айниқса, «Московские ведомости» газетаси ва унинг ўта реакцион редактори М. Н. Катков (А. И. Герцен уни «якка ҳукмронликнинг қутурган ити, бутун Россиянинг фоҳиша эркаги», деб атаган эди) ўз газетасида Париждаги революция ҳақида: «бир гуруҳ номаълум шахслар ҳокимиятни қўлга олиб, хунрезлик қилмоқда», деб ёзишгача бориб етди. Шуниси характерлики, Россиянинг реакцион доиралари Париж Коммунасида даврни тубдан ўзгартирувчи келажак синфий жангларининг мағзи яшириниб ётганини тушуниб етмадилар ва буни хоҳламас эдилар.

Ўша пайтда Россияда чиқадиган кўпгина либерал газета ва журналлар Париж Коммунасини Наполеон IIIнинг ҳарбий-бюрократик режими оқибатида келиб чиққан, деб талқин қилдилар ҳамда у ўз маҳаллий ҳақ-ҳуқуқлари учун курашаётир, деб тушунтирдилар.

Россияда Париж Коммунаси тўғрисида бирмунча реалроқ, ҳақиқий аҳволни ёритган журналистлардан I Интернационал рус секциясининг асосчиси Н. И. Утиннинг укаси Е. И. Утин бўлди. Унинг «Вестник Европы» журналида босилган «Франция ва французлар урушдан кейин» туркумидаги очеркларида гарчанд муаллиф умуман коммунарлар «самарасиз ташвиқотга берилиб» иш қилганликларини қораласа ҳам, Париж коммунарларининг мардларча курашганлигини ҳаяжон билан ҳикоя қилади. Е. И. Утин Коммуна қаҳрамони, ҳалқаро ишчилар ҳаракатининг арбоби Эжен Варленнинг жасорати, қаҳрамонларча ҳалокати ҳақида ёзиб, версалчи жаллодларни лаънатлади, Коммунанинг атоқли арбобларидан бири, журналист ва ёзувчи Паскаль Груссе ҳақида маҳорат билан ҳикоя қилди. Энг муҳими, Е. И. Утин Коммуна сиймосида француз халқининг революцион руҳини кўра билди: «Коммунанинг икки ойлик кураши, шубҳасиз, бир нарсани — француз миллати ўзининг бутун кучини йўқотмаганлигини кўрсатди», деб ёзди. У Париж Коммунаси тўғрисидаги очерк ва мақолаларини алоҳида тўплам қилиб чиқармоқчи бўлганида Россия ҳукумати — министрлар кабинети «бу асар ниҳоятда зарарли ва хавфли», деб уни босишни тақиқлади.



Эжен Делакруанинг «Халқни олға бошлаган озодлик» асаридан фотонусха.

Шунинг билан бирга Россиянинг демократик матбуоти — М. Е. Салтиков-Шчедрин ва Н. А. Некрасов редакторлик қилган «Отечественные записки» журналида ёзувчи ва публицист П. Д. Боборикиннинг 1871 йил охирида «Париж харобаларида» туркумида эълон қилинган очеркларида демократ ёзувчининг Париж коммунарларига хайрихоҳлиги ўз аксини топди.

1871 йил «Отечественные записки» журналининг 8-сонида Салтиков-Шчедриннинг «Якунлар» сарлавҳали очерки эълон қилинди. Бу очеркнинг бешинчи бобини цензура олиб ташлади. Ёзувчи шу бобда Париж Коммунасига рус демократик жамоатчилигининг ва шахсан ўзининг муносабатини атрофлича кўрсатган эди. Н. А. Некрасов 1874 йили яратган «Мардларча ҳалок бўлганлар...» шеърини Париж коммунарларига бағишлади. Машҳур демократ ёзувчи Глеб Успенский 1872 йил Парижга борди ва коммунарлар ҳамон жазоланаётганлиги ҳақида қаҳр-ғазаб билан ёзди. Г. Успенский 1885 йили эълон қилган «Қадни ростлаш» очеркида, 1888 йили яратган «Аччиқ киноя» мақоласида яна Париж Коммунаси масалаларига ёндашиб, Коммуна капиталистик тараққиёт натижаси бўлди, деган хулосага келди.

И. С. Тургенев 1871 йил март ойида ёзган мактубларидан бирида «Оҳ бечора, бахтсиз Франция!» деб хитоб қиларкан, француз халқи манфаатларига хиёнат қилган сотқин Тьер ҳукуматини лаънатлади.

1871 йил 14 апрелда Петербургнинг катта бинолари пештоқларида революцион варақалар пайдо бўлди. Уларда: «Эндиликда жаҳон революцияси бошланди... Париж харобалари остида кўтарилган бу революция барча пойтахтларга азиз ва муқаддас иш сифатида бориб етади!»,деб хитоб қилинган эди. Бу варақаларни Петербург Технология институтидан революцион фаолияти учун ҳайдалган Николай Гончаров босмахонада кўпайтирган эди. У ўзининг 1871 йил 14 майда босиб чиқарган сўнгги варақасида: «Париж Коммунаси хавфли ва батамом ҳалокат арафасида турибди. Яхши ниятли кишилар, ҳалокатга юз тутаётган Парижга ёрдам беришга шошилинг... Қўлга қурол олинг! Қўлга қурол олинг!» дея хитоб қилган эди. Бу варақалар Петербург жандармларини таҳликага солиб қўйди.

* * *

Рус революцион демократлари ва социалистларининг бир гуруҳи Париж Коммунаси фаолиятида бевосита қатнашдилар. Улар бу билан пролетар интернационализмига садоқат намуналарини кўрсатдилар.

Россия революцион-демократларининг йирик назариётчиларидан бири, кейинчалик Марксга яқин турган П. Л. Лавров 18 март революцияси ғалаба қилган пайтда чоризм сургунидан қочиб, Парижда яшаётган эди. Петр Лаврович Париж Коммунаси ғалаба қилиши билан Брюсселда чиқадиган «Интернационал» газетасига мақола юбориб, унда Париж Коммунаси ишчи революцияси эканлигини кўрсатди. У пролетар давлати — Коммуна эълон қилингандан кейин унинг раҳбарларига махсус хат билан мурожаат қилиб, халқ маорифини ислоҳ қилишнинг кенг планини тавсия этди. У ўз мактубларида I Интернационал аъзоси бўлганлиги учун Коммунанинг ижтимоий тадбирларида бажонидил қатнашишга тайёр эканлигини билдирди. Шуни алоҳида уқтириш жоизки, Париж Коммунаси кунларида П. Л. Лавровнинг уйи Коммунада қатнашган рус ва поляк муҳожирларининг бир қисми учун штаб-квартира ролини ўтаган эди. П. Л. Лавров Коммунадан кейин К. Марксниг маслаҳати ва топшириғи билан «1871 йил 18 март Париж Коммунаси» деган асар ёзди. Бу асар Коммунанинг пролетар революцияси характерини очиб берган марксистик руҳдаги дастлабки китоблардан бири эди. Китоб рус революцион ёшлари ўртасида катта шуҳрат қозонди.

Париж Коммунаси ишларида қатнашганлар орасида, ҳеч шубҳасиз, Елизавета Дмитриеванинг алоҳида ўрни бор. Елизавета Дмитриева ёшлигида яхши таълим олди. У француз, инглиз, немис ва юнон тилларини яхши билган, ёшлигиданоқ демократик адабиётга қизиққан, хусусан Н. Г. Чернишевский асарлари руҳида тарбия топган эди.

Елизавета Лукинична ўз умрини озодлик учун кураш ҳаракатига бағишлашга аҳд қилиб, 1868 йил чет элга — Женевага ўқишга жўнайди. У Женевада рус демократ муҳожирларининг йиғилишларида, митингларида эркпарварлик руҳида нутқлар сўзлади. 1870 йил декабрда I Интернационал рус секцияси топшириғи билан Лондонга — Карл Маркс билан учрашишга борди. Карл Маркс ёш, истеъдодли рус революционер қизи Елизаветани ниҳоятда яхши қарши олди. У К. Маркс оиласида бир неча вақт яшаб, унинг оила аъзолари билан бир умрга дўстлашди. Парижда революцион воқеалар — 18 март революцияси бошланиши билан Елизавета Дмитриевна I Интернационал Бош Совети топшириғи билан Парижга келди. У жуда қийинчилик билан Марксга, I Интернационал Бош Совети аъзоларига Париж Коммунаси ишлари ва фаолияти ҳақида ахборот юбориб турди. У хотин-қизлар батальони ва отрядларини ташкил этишнинг ташаббускорларидан бири бўлди. Париж Коммунасининг сўнгги (21-28 май) ҳафтасида хотин-қизлар батальонларини жангга олиб кирди. Париж Коммунасининг француз тарихчилари — Г. Лефрансе, Э. Лиссагаре, Л. Дюбрель ва бошқалар Елизавета Дмитриевани, Коммунанинг «жасур аёлларидан бири» деб атаган эдилар.

Париж Коммунасида қатнашган рус революцион-социалистларидан яна бири Анна Васильевна Корвин-Круковская (1843-1887) дир. Унинг тақдири, озодлик иши тарихига берилиши янада характерлидир. Анна ёшлигиданоқ рус революцион-демократлари В. Г. Белинский, Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбов, Д. И. Писарев ғояларини чуқур ўрганди, Ф. М. Достоевский билан танишди.

Ўша пайтда Анна Васильевна опаси Софья Васильевна (кейинчалик жаҳонга машҳур бўлган математик С. В. Ковалевская) билан Парижда муҳожирликда эди. Париж Коммунаси даврида Анна Васильевна Париж округларидан бирида жамиятни қутқариш комитети органлари ишида актив қатнашди, революцион афишалар, варақалар чиқарди, халқ маорифини ривожлантириш ишларида иштирок этди. Француз журналисти, ёзувчи аёл Андре Лео билан ҳамкорликда Коммуна ишини ёритган «Социал» газетасини ташкил этди. Анна Васильевна турмуш ўртоғи, коммунар Жаклин Жаклар билан биргаликда Коммуна учун қаҳрамонона курашди, баррикада жангларида қатнашди. Коммуна йиқитилгандан кейин версалчи жаллодлар уни узоқ вақт изладилар.

Париж Коммунаси демократик ва тараққийпарвар Россияга жуда катта таъсир кўрсатди. Париж Коммунаси ағдарилгандан кейин Одесса пароходчилигининг Лондонда яшайдиган вакили А. Давидов Ф. Энгельсга мактуб орқали мурожаат қилиб, коммунар-революционерларни моддий жиҳатдан қўллаш учун ой сайин маблағ юбориб туришга ваъда берди. У Ф. Энгельснинг топшириғига биноан Лондонда муҳожирликда бўлган коммунарларга тирикчилик ўтказиш учун иш топиб беришда ёрдамлашди.

Россияда ташкил топган биринчи ишчи ташкилотлари — Одессадаги «Жанубий Россия ишчилар союзи», Петербургдаги «Шимолий Россия ишчилар союзи» аъзолари Париж Коммунасининг озодлик ғояларидан озиқландилар. 80-йиллар охирида Россияда ташкил топган марксистик тўгаракларда ҳам Париж Коммунаси тажрибаси кенг тарғиб-ташвиқ қилинди.

Россия революцион ҳаракатида ленинча давр бошланиши билан Париж Коммунаси тарихини ёритиш ва ўрганишда янгича саҳифа очилди. В. И. Ленин 90-йиллар бошида ёзган асарларидаёқ Коммуна тажрибаларини умумлаштира бошлади, ундан тарихий хулосалар чиқарди. В. И. Ленин: «Коммунанинг иши — социал революция ишидир, меҳнаткашларни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан батамом озод қилиш ишидир, бу бутун жаҳон пролетариатининг ишидир. Ана шу маънода ҳам бу иш ўлмайди», деб таъкидлаган эди. Ҳа, Париж Коммунасининг буюк хотираси тараққийпарвар инсоният қалбида абадий яшайди.

Искандар ҲАИИТОВ,
Козим УМАРОВ,
тарих фанлари кандидатлари, доцентлар

КОММУНА БАЙРОҒИ




Торжественная передача знамени парижских коммунаров. 6 июля 1924 года.

р № 2

Суратларда: 67-Миллий гвардия батальонининг байроғи; Париж коммунарларининг байроғини тантана билан топшириш пайти (1924 йил 6 июль).

1924 йилнинг 6 июлида француз коммунистлари Париж Коммунасининг сўнгги баррикадасидан нишона бўлган байроқни абадий сақлаш учун тантанали вазиятда Москва партия ташкилотига тақдим қилдилар. Мазкур байроқ Москвадаги Владимир Ильич Ленин музейида сақланмоқда. Карл Маркс ва Фридрих Энгельс музейида эса ана шу байроқдан олинган алвон ҳамда Париж коммунарлари 67-батальонининг байроғи сақланаётир.

1964 йилнинг октябрь ойида космонавтлар — В. Комаров, Б. Егоров ва К. Феоктистов космосдан Ерга қуйидаги хабарни бердилар: «Биз К. Маркс ва В. И. Ленин портретларини, шунингдек, Париж Коммунасининг сўнгги баррикадасидан нишона бўлган байроқ алвонини «Восход» кемаси бортига ўзимиз билан бирга космосга олиб чиқдик. Биз доҳийларимизнинг портретлари ҳошиясини революцион жанглар алангасида Париж коммунарлари қўлида ҳилпираган байроқ алвонларига ўрадик. Карл Маркс ана шу коммунарларни «Самони штурм қилган қаҳрамонлар» деб атаган эди».

Кейинги вақтларда бошқа араб мамлакатлари қатори Тунисда ҳам ўрта аср олимлари илмий меросига бўлган қизиқиш ортиб бораяпти. Масалан, яқинда машҳур адиб ва тарихчи Имодуддин, ал-Исфаҳоний ал-Котибнинг (1125—1201) «Харидат ал-қаср ва жаридат ал-аср» («Қаср дурдонаси ва аср рўзномаси»), тунислик йирик аллома Ҳасан Ҳусний Абдулваҳҳобнинг тарихий ва адабий манбалардан анчагина маълумотлар тўпланган «Варақот ал-ҳидора» («Маданий ёдгорликлардан қолган варақалар») номли асарлари чоп этилди.

Кейинги пайтда нашр этилган ана шундай асарлардан яна бири Али ал-Шаббийнинг 1965 йили Тунисда босилган «Ғазнавийлар даврида форсий адабиёт» асаридир. Бу китоб асосан кириш ва икки қисмдан иборат. Кириш қисмида ғазнавийлар давлатининг пайдо бўлиши, Сабуктагин ва унинг ўғли Маҳмуд Ғазнавий, унинг фарзандлари ҳукмронлиги, бу даврда фан ва адабиётнинг аҳволи, ўша йилларда яшаган шоир ва олимлар ҳақида гап боради. Китобнинг биринчи қисмида шеърий адабиёт борасида сўз юритилади. Бунда асосан Абулқосим Фирдавсий таржимаи ҳоли ва ижоди хусусида гапирилади. Ундаги маълумотларга кўра, «Шоҳнома» ёзган муаллифлар кўп бўлган. Ўша даврда ёзилган «Шоҳнома»лардан бири Ал-Дақиқий номи билан боғлиқ. Бу киши Абу Мансур ибн Аҳмад ад-Дақиқий ал-Балхий бўлиб, сомонийлар давридаги йирик шоирлардан ҳисобланган. У Нуҳ ибн Мансур (ҳукмронлик йиллари 976—997) топшириғи билан назмда «Шоҳнома» асарини ёзишга киришган. Дақиқий «Шоҳнома»нинг минг байтигача ёзади, лекин охирига етказа олмайди. Кейин уни келган жойидан Фирдавсий давом эттиради. Кўриниб турибдики, Дақиқий буюк Фирдавсий ижодига замин ҳозирлаган ҳамда қўриқ очган сиймолардан бўлган.

Шу тариқа китобнинг биринчи қисмида Абулқосим Фирдавсий, Манучеҳрий, ал-Унсурий, ал-Фаррухий кабилар ижодига тўхталиб, иккинчи қисмида насрий адабиёт вакили сифатида асосан, Абу Райҳон Беруний ижоди ҳақида ёзади. Гарчи муаллифнинг бу ерда Берунийни форсий адабиёт намояндаси сифатида фикр юритиши танқидга лойиқ бўлса-да, лекин унинг ижоди, хусусан, арабча шеърлар таълиф қилган улкан адиб сифатида талқин этилишининг ўзи таҳсинга сазовор.

Муаллифнинг Абу Райҳон Беруний (973—1048)ижодига бағишланган қисми беш бобдан иборат бўлиб, юз саҳифадан ортиқроқдир. Мазкур қисмнинг биринчи фасли Беруний таржимаи ҳолига бағишланиб, унинг номи, келиб чиқиши, ёшлиги, мутолааси, ватани — Хоразм ҳақида, унинг устозлари, саёҳат қилган ва яшаган юртлари тўғрисида ҳикоя қилинади. «Шуниси ҳам борки, баъзи олимлар унинг асли келиб чиқишини араб, баъзилар ал-Форобий ва Ибн Сино каби уни ҳам турк ҳисоблашади. Лекин аслида у форсдир», дейди муаллиф. Гарчи у Берунийни Ўрта Осиёлик олим деб ёзса-да, лекин ғарб манбаларининг таъсирига берилган ҳолда Берунийни форс деб санайди.

Бироқ тадқиқотчи ўзи сезмаган ҳолда Берунийнинг араб ва форс тилларига ажнабий эканини зикр этади. Кейинги бобларида эса, муаллиф Берунийнинг тил ўрганганига тўхталиб: «У араб, турк, форс, юнон, иброний, сурёний, санскрит (қадимги ҳинд) каби тилларни ўрганади», деб ёзади. Бу ерда тадқиқотчи юқорида ўзининг уни форс деганини унутиб қўяди. Мазкур бобда Берунийнинг Хоразмда ўсгани, илм-маърифат олгани, ниҳоят, Хоразмшоҳ Маъмун ҳузурида хизмат қилгани, асарлар таълиф қилгани баён этилади.

Али аш-Шаббий китобининг бир қисми Берунийнинг Хоразмдан Ғазнага кўчишига бағишланади. Маълумки, амир Маҳмуд Ғазнавий (ҳукмронлик йиллари 998—1030) ҳозирги Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон территориясида ғазнавийлар сулоласини тиклагач, аста-секин Хоразмни ҳам эгаллашга чоғланади. 1017 йили Хоразмни қўлга олади. Хоразмшоҳ саройида хизмат қилган Абу Райҳон Беруний шу муносабат билан Ғазнага — Маҳмуд Ғазнавий саройига келтирилади. Шу вақтда Беруний қирқ тўрт ёшда эди. Ғазнага келиб қолиши унинг орзу қилиб юрган сафарининг амалга ошишига қулай фурсат яратади. Шу тариқа у Шимолий Ҳиндистон бўйлаб сафарга чиқади, у ердаги илм аҳллари ҳамда уларнинг фани билан яқиндан танишади. Ниҳоят, бу ерда Беруний маълумот тўплаб, «Ҳиндистон» деган асарини ёзади.

Тунис олими Али аш-Шаббий ўз китобида буюк мутаффакир Абу Райҳон Берунийнинг адабий меросига ҳам тўхталади. Муаллиф ўз фикрини далиллаш учун ўрта аср олими Ёқут ал-Ҳамавийнинг (1179—1229) «Муъжам ал-удабо» («Адиблар луғати») китобида айтилган фикрларини келтиради. Унда Абу Райҳоннинг яхшигина адиблиги, зийрак луғатшунослиги, унинг бу соҳага тегишли бир мунча асарлари борлиги қайд қилинади. Масалан, буюк араб шоири Абу Таммом (805—846) шеърига ёзилган шарҳи ҳам шундай қимматбаҳо китоблардан саналади. Афсуски, Абу Райҳоннинг бу шарҳи ҳалигача илмий адабиётда номаълум бўлиб келаяпти. Аммо Ёқут ал-Ҳамавий бу шарҳнинг Абу Райҳон дастхати билан ёзилган, лекин тамомланмаган нусхасини кўрган экан. Унинг ёзишича, Берунийнинг танланган шеърлари ва адабий асарлари, шунингдек, унинг бу соҳада бошқа китоблари ҳам бўлган.

Али аш-Шаббий китобида йирик олимлар томонидан Берунийга берилган баҳолар ҳам келтирилади. Беруний асарларининг тадқиқотчиси, унинг танқидий матни ва инглизча таржимасини нашр этган Э. Захау ва йирик инглиз олими Жорж Сартоннинг: «Беруний тарих билган энг буюк донолардан ва мутолааси кенг меросига ҳам тўхталади. Муаллиф ўз фикрини далиллаш учун ўрта аср олими Ёқут ал-Ҳамавийнинг (1179—1229) «Муъжам ал-удабо» («Адиблар луғати») китобида айтилган фикрларини келтиради. Унда Абу Райҳоннинг яхшигина адиблиги, зийрак луғатшунослиги, унинг бу соҳага тегишли бир мунча асарлари борлиги қайд қилинади. Масалан, буюк араб шоири Абу Таммом (805—846) шеърига ёзилган шарҳи ҳам шундай қимматбаҳо китоблардан саналади. Афсуски, Абу Райҳоннинг бу шарҳи ҳалигача илмий адабиётда номаълум бўлиб келаяпти. Аммо Ёқут ал-Ҳамавий бу шарҳнинг Абу Райҳон дастхати билан ёзилган, лекин тамомланмаган нусхасини кўрган экан. Унинг ёзишича, Берунийнинг танланган шеърлари ва адабий асарлари, шунингдек, унинг бу соҳада бошқа китоблари ҳам бўлган.

Али аш-Шаббий китобида йирик олимлар томонидан Берунийга берилган баҳолар ҳам келтирилади. Беруний асарларининг тадқиқотчиси, унинг танқидий матни ва инглизча таржимасини нашр этган Э. Захау ва йирик инглиз олими Жорж Сартоннинг: «Беруний тарих билган энг буюк донолардан ва мутолааси кенг фикр юритади. Берунийнинг ўрта асрларда етишган энг буюк шахслардан эканлигини айтиб, Жорж Сартон ўн биринчи асрнинг биринчи ярмини «Беруний даври» деб тўғри атаганлигини таъкидлайди. Шу билан бирга тадқиқотчи Берунийнинг турли мамлакат олимлари билан илмий алоқалар ўрнатганлиги, имкони бор олимлар билан учрашиб турганлиги, бошқалар билан хат орқали алоқа боғлаганлиги ва баъзи масалаларда улар билан бамаслаҳат иш тутганлиги хусусида ёзади. «Беруний, — дейди тадқиқотчи, — баъзи шаҳарлар координатларини аниқлайди, геодезия фани борасида қилган ишлари билан аллома ҳатто Европадан саккиз аср илгарилаб кетади. Абу Райҳон араб, сурёний, юнон манбаларини ўрганиб, ўз тадқиқотларига маълумот йиғади, у хитой, уйғур, лотин каби юртлардан Ғазнага келган элчилардан ўзига керак бўлган маълумотларни тўплар, ҳатто, имкониятига қараб, чет мамлакатларга сафар қилган савдо аҳлларидан ҳам фойдаланар эди».

Юқорида айтилганидек, Беруний асосан аниқ фанлар борасида таълифлар қилган бўлса-да, адабий асарлар ҳам ёзган. Унинг шеърий ижодидан бизгача ўттиз беш байт шеъри Ёқут ал-Ҳамавийнинг «Муъжам ал-удабо» («Адиблар қомуси») асари орқали етиб келган. Тунислик тадқиқотчи ҳам шу манбага асосланиб, унинг шеърларини келтиради. Бу шеърлар 1973 йили Беруний туғилганига минг йил тўлиши муносабати билан Тошкентда нашр этилган эди. Абу Райҳоннинг бизгача сақланиб қолган шеърларидан унинг ҳаёт тарзи, орзу-тилаклари яққол кўзга ташланиб туради, у шеъриятнинг нозик томонларини яхши тушунган, мўътабар шахсларнинг назокат билан битган сатрларини яхши фаҳмлай олган ва уларнинг қадрига етиб шарҳлай биладиган ажойиб адабиётшунос эди. Унинг бу хислати берунийшунос олимларга маълум бўлса ҳам, лекин шеъриятни нафис тушуниши ҳали ўз ўрнини топган эмас. Биргина «Жавоҳирлар китоби»даги шеърий талқинлар, ундаги нозик этюдлар алломанинг шеъриятга нақадар яқинлигини, бу соҳада тушунчаси, фикр доираси нақадар кенглигини кўрсатувчи мисоллардир. Чиндан ҳам Абу Райҳон Беруний диди юксак олим ва адиб эди.

Тунис адиби Али аш-Шаббийнинг Беруний ҳақида ёзган бу китоби бунга мисол бўла олади.

Буюк сиймолар

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ТУНИСДА

Абдусодиқ ИРИСОВ
филология фанлари кандидати,
шарқшунос.



Холид РАСУЛ

ТИНЧЛИК НАСИМИ

Дунё дунё бўлиб яшнар беқиёс,
Боғ-роғлар, кашфиёт, мўъжиза — бари,
Инсон даҳосидан этмоқда парвоз
Энг олий каҳкашон келажак сари.

Дунё ҳар нарсадан мукаммал, тўкис,
Бирор куч унга ҳеч қилолмас дахл.
Уни буза олмас ҳар қандай иблис,
У яшнар тобора фаслма-фасл.

Айланар она Ер ўз маромида,
Хиёнат, пўписа қўзғата олмас.
Ҳамиша барқарор ўз мақомида,
Келгуси нурафшон, чўққиси олмос.

Уни бузмоқ бўлиб чиркин, ғаламус
Ўтга чўп тиққандай бўлар ўйнамоқ,
Ўзи ўтга тушиб ёнади чарс-чурс
Жаҳаннам қаърига бўлади қўноқ.

Ер юзи ўзи бир шарафли жаннат,
Бунда мужассамдир мурувват, ҳиммат,
Коммунист тадбири, иродасидан
Абадий барқарор тинчлик, фароғат.


Дунё узра тонгнинг хушбўй насими
Эсмоқда тинчликнинг баҳорги руҳи,
Совет Ватанининг қадим удуми —
Оламга ёйилар тинчлик шукуҳи.

МЕҲНАТ ҚАСИДАСИ

Қуёшда чиниққан, қотган суяги
Миришкор Зикриё чиқиб тонгданоқ,
Кафтида текширди, кўрди, демакки,
Етилган экишга тупроқ — пўрсилдоқ.
У абжир ва чайир қўллари ила
Чигит тикди. Сўнгра кўз очди куртак,
Кўм-кўк, нозик барги, гуллари ила
Қуёшга интилиб, жовдирар мурғак.
Офатдан, қатқалоқ, ёмғир ва селдан
Асради авайлаб кун-тун муттасил,
Меҳрин бериб ерга жўш урган дилдан,
Ариқ, пушта ичра меҳнатда буткул —
Вақтида сув берди, вақтида озиқ
Ниҳоллар айланди нишоналарга;
Ғўзалар ҳосилга кирдию тўлиқ
Безанди марварид гул, шоналарга.
Далада ёйилган ипак гиламда
Ям-яшил новдалар қўнғир тус олди,
Бешқирра юлдузлар зап чақнаганда
Бундан ҳатто кўк ҳам ҳайратга толди.
Шу оппоқ покликда шўх-шан Зикриё
Яшил кемаларда уйди чўнг хирмон.
Унинг жони-тани, юрти Сирдарё
Бағишлади элга қутлуғ армуғон.



Яхшидан боғ қолади. ЎзТАГ фотоси



Дўстмурод ҲАҚНАЗАРОВ

ШОДЛИК КУНИДА

Эй созчи, ол созинг авжини баланд,
Тирбанд тоғларни ҳам титратсин бу куй.
Интизор кутгандим мен буни ҳарчанд,
Бугун шодлик куни, ҳовлимизда тўй.

Дўстларим гулханга қалайди ўтин,
Ер-кўкни тўлдирар шодмона кулги.
Қувноқ болакайлар солишар шовқин,
Очилиб кетгандек ҳовлимиз кўрки.

Келинни кутмоқда меҳрибон она,
Юрагин тўридан ҳозирлайди жой.
Юлдузлар турибди қилиб томоша,
Бутун бир оламга хабар йўллар ой.

Ўчмайди бу куннинг ҳеч хотироти,
Кутиб олаётир келинни онам.
Сира қайтмас ширин дамлар лаззати,
Эй, созчи, созингни сайратгин бу дам.

ИХТИСОСГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИНГ

Мактаб таълими — умумхалқ иши

ТАСАВВУР қилинг. Ўғлингиз ёки қизингиз ўрта мактабни тамомлаяпти. Сиз унинг келажаги ҳақида ўйлайсиз: қайси ўқув юрти маъқул экан? Еки бўлмаса, катта ҳаёт остонасида турган ўша фарзандингиз ким бўлмоқчи? Унда қандай ихтисосга мойиллик бор?..

Худди шундай мавзуда оилада ўзига хос мунозара-мулоҳаза юритилади.

Ҳа, мактаб таълими бугунги талаб-эҳтиёжлар асосида ислоҳ қилинаётган ҳозирги шароитда ўқувчи-ёшларни ихтисосларга тўғри йўллаш, улардаги қобилият ва интилишларни ўрганиш тобора муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Худди шу хил масалалар билан шуғулланиш, умумий таълим мактабларини тамомлаб чиқаётган ёшлардаги имкониятларни, истеъдод ва мойилликни ўрганиш, шундан кейингина уларга тегишли махсус ўқув юртларига йўлланма бериш масалаларини пухта ва ташкилий ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитети қошида ёшларни ихтисосга йўналтириш ва касблар бўйича консультация кабинети ташкил этилган. Бу ерда консультация ишлари бўйича Я. Мустафоев, Е. И. Лоренц, И. А. Беленькая, Н. С. Саркисян, З. Раҳматуллаев каби тажрибали психологлар фаоллик кўрсатмоқдалар. Мактабни тамомлаган ҳар бир ёш касб танлаш хусусида ана шу пунктда мутахассислардан тегишли маслаҳат олиши мумкин. Чунончи, мактаб ўқувчиси саккизинчи синфни тугатди, дейлик. У мактабда радио тўгарагига қатнашар, радио деталларини йиғиш билан шуғулланар эди. Тажрибали психологлар унинг қобилиятини ва лаёқатини ўрганиб, ўрта ҳунар-техника билим юртининг электр асбобларини йиғиш бўлимига ўқишга киришини тавсия этишди. Яна бир мисол: Совет Армияси сафидан қайтган йигитлардан бири ўзининг қайси касб эгаси бўла олишини билмай юрарди. Психологлар маслаҳатидан сўнг у рассомлик билим юртига — ёғоч ўймакорлиги мутахассислиги бўйича ўқишга кирди.

Ўтказилган консультацияларнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ёшлар, айниқса, мактаб ўқувчиларини касблар олами билан таништириш ҳамон юзаки, наридан-бери, қониқарсиз олиб борилмоқда. Умумий таълим мактабларида касбларни тарғибот қилиш масалаларига кам эътибор берилаётир. Шунинг учун ҳам 1985—86 ўқув йилидан бошлаб мактаб программаларига «Ишлаб чиқариш асослари. Касб танлаш» курси киритилди.

Мактабда касб танлаш ишлари пухта ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда олиб борилиши лозим. Мактаб ўқувчиларини касб танлашга тўғри йўллаш улар тўғрисида кўпроқ маълумот олишни, уларнинг ўқув программасини қай даражада ўзлаштиришларини, лаёқат ва бирор соҳага қизиқишларини, жисмоний томондан соғлом эканликларини ва бошқа бир қатор психологик жараёнларни тўла-тўкис ўрганишни тақозо қилади.

Ёшларнинг малакали кадрлар бўлиб етишишлари учун Ватанимизда барча шарт-шароит мавжуд. Фақат уларнинг ҳар бири ўз ҳаёт йўлини топа билиши мақсадга мувофиқдир.

Юқори синф ўқувчилари касб танлашда нималарга асосланмоқдалар? Ота-оналарнинг маслаҳатларини истисно қилганда, улар фақат ўзларининг хоҳиш ва кўникмаларини ҳисобга оладилар. Бироқ шуни ҳам назарда тутиш керакки, кўп ҳолларда касб танлаш касбнинг эътибори, ташқи кўриниши билан ҳам боғлиқдир. Бу ҳолат аксарият ҳолларда касбни нотўғри танлашга олиб келади. Меҳнат кўникмаси ҳам ҳар доим тўғри касб танлашга асос бўлолмайди. Ёшларнинг лаёқатини, эҳтиёжини, имкониятини ўрганиб, касбнинг моҳиятини очиб бериш, уларга у ёки бу касбни танлашда тўғри йўл кўрсатиш касбга йўллаш хизматининг асосий вазифаларидандир. Бундай масалаларни ижобий ҳал қилишда психолог олимларнинг қўлланмалари ёрдам беради. Ана шундай қўлланмалардан бири академик Е. А. Климов раҳбарлигида СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг Бутуниттифоқ илмий-текшириш институтида ишлаб чиқилган. Унинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

Барча касблар меҳнатнинг предмети (қуроли), мақсади, воситалари ва шарт-шароитига қараб группаларга бўлинган. Меҳнат предметини ер ва ундаги жараёнлар ташкил этади. Мутахассис, аввалambor, ана шуни танлай олиши керак. Шу билан бир қаторда меҳнатнинг мақсадини ҳам билиш лозим, яъни қандай меҳнат қуроли кўпроқ маъқул келади, уларнинг фарқини ажрата олиш, такомиллаштириш ва, ҳаттоки, янгилик кашф эта олишни фаҳмлай билиши керак.

Касб танлашда меҳнатнинг шарт-шароитини билиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бажариладиган иш қўл меҳнати билан амалга ошириладими ёки ускуналар механик равишда автоматлаштирилганми — ана шуни билиш муҳим. Танланган касб кишидан қандай ақлий ва жисмоний лаёқатни талаб қилишини ҳам билмоқ лозим. Шуни айтиш керакки, касбга йўллаш борасида бу соҳада ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кишининг ҳаракатдаги объектлар тезлигига, рангларнинг ўзгариш частотасига, товушларга бўлган ва ноғоҳ аҳволга (стресс) нисбатан муносабатини тадқиқ қиладиган лабораториялар ташкил қилинган. Ҳозирги кунда бундай лабораториялар республика Автомобиль транспорти министрлиги системасида ҳамда Тошкент Трамвай-троллейбус бошқармасида самарали ишлаб турибди. У ерда физиолог ва психологлар транспорт воситаларини бошқарувчиларнинг физиологик хусусиятларини ўрганиш борасида тинмай иш олиб бормоқдалар.

Фараз қилайлик, сиз ҳар қандай ишни бажара оласиз. Аммо икки имкониятдан, яъни беморга ёрдам бериш, уни даволаш ёинки ҳисоблаш машиналари учун программалар тузиш каби икки фаолиятдан қай бирини афзал кўрардингиз? Еки музика асбобини созлашними? Кўтарма кранларни бошқаришними? Баҳсларни таҳлил қилишними? Ишонтириш ёки тушунтиришними? Чизма схемаларни текширишними?.. Кўрдингизми, турли хил савол турли хил жавоб кутади. Мутахассис-психолог учун ҳар бир жавоб ўз инъикосини англатса-да, бошқа киши учун у мавҳум ва номаълумдир. Лекин ҳеч қачон «Сенинг касбинг ана шу...», деб аниқ жавоб бериб бўлмайди. Методика билан ишлаш натижалари шуни кўрсатадики, тадқиқотлар изланишни маълум йўналишга солади, идрок қилишни кучайтиради.

Фаолият йўлини белгилаш — ҳар бир кишининг ўзи ҳал қиладиган масаладир. Бу масаланинг ижобий ҳал қилиниши бир томондан кишининг ўзига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, кўпинча жамиятга ҳам тегишлидир. Касбни нотўғри танлаш жамиятга ва шахсга қанчалик зарар келтириши барчага маълум. Кўз олдингизга ўз касбига лаёқати бўлмаган врач ёки терговчини келтиринг-а. Бундай кишиларга танлаган касблари қувонч келтирмайди, улар турмушдан мудом норози бўлиб яшайдилар.

Касб танлашда хатога йўл қўймаслик учун нима қилмоқ керак? Мана шу саволга жавоб бериш касбга йўллаш хизматининг моҳиятини белгилайди. Яна таъкидлаймизки, ҳозирги замон касбга йўллаш хизмати — бу касблар олами ҳақида тўла-тўкис маълумот бериш, турли-туман тадқиқотлар, мутахассисларнинг амалий маслаҳатларидир.

Касб, иш, мутахассислик. Ҳа, ҳаётимизда меҳнат — бош омил. Ишимиз ва касбимиз — унинг асоси. Ҳар бир ёшнинг мактабдан кейинги дастлабки йиллари ҳаётда ўз ўрнини излаш давридир. Масала қанчалик тез ва ижобий ҳал қилинса, ҳаётимизнинг бошқа томонлари учун ҳам фойдали бўлади.

Умумий таълим мактабларини тугатган кўпчилик йигит-қизлар олий ўқув юртларида билим олишни давом эттиришни истайдилар. Бу ҳол уларнинг ақлий меҳнатга йўналтирилганликларини кўрсатади. Ваҳоланки, жамиятга зиёлилар билан бир қаторда, жуда кўп ишчи ва хизматчилар ҳам зарур.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган мактаб ислоҳоти ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлашда муҳим роль ўйнаши табиий. Чунончи, эндиликда мактабни битирган ҳар бир ўқувчи онгли равишда у ёки бу касбни эгаллаган, ўша касб тўғрисида батафсил тасаввурга эга бўлади. Бу эса ўқувчига келгусида меҳнат фаолиятини муваффақиятли бошлашда бирмунча енгиллик яратади ҳамда ҳунар-техника таълими ўқув юртларида ҳам етук ишчи кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилаш имконини беради.

Мамлакатимизда касбга йўллаш марказлари тузиш соҳасида маълум тажриба орттирилган. Жумладан, бундай марказлар Қозон, Ленинград шаҳарларида мавжуддир. Лекин психолог, педагог, журналист, экономист ва бошқа мутахассислардан ташкил топган касбга йўллашда муҳим ягона давлат системасини ҳар тарафлама такомиллаштириш лозим. Айниқса, бу ҳозирги кунда, яъни 15 ёшгача ўз касбини белгилаб олиши керак бўлган йигит-қизларнинг, мактабдан ҳунар-техника билим юртларига ўтувчиларнинг сони тубдан кўпайган ҳозирги пайтда яна ҳам зарурдир.

Негаки, касбга йўллаш бугунги кунда умумхалқ иши бўлган мактаб ислоҳотининг асосий йўналишларидан биридир. Машҳур рус педагоги К. Д. Ушинский: «Агар сиз касбни тўғри танласангиз, у ҳолда бахтнинг ўзи сизни қидириб топади», деган эди. Чиндан ҳам бугунги кунда ўз лаёқати ва истеъдодига яраша касб эгаси бўлиш ўзи учун ҳам, жамиятимиз учун ҳам фойдалидир.

Абзал ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитетининг Ёшларни касб танлашга ва ихтисосга йўллаш кабинетининг сектор бошлиги

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

Синов

ҲИКОЯ

Онам хотирасига

МУРОД иккинчи курсни битираяпти. Бугун охирги имтиҳон. Эртага онаси билан қишлоғига кетмоқчи. Бироқ...

У аудиторияга кирганда қирқ ёшлардаги кўркам, қалин сочлари силлиқ таралган ўқитувчи Бегимов очиқ дераза олдида тик турганча сигарета чекар эди. Икки студент жавоб бериш учун тайёрланиб ўтиришибди. Бегимов унга ўгирилиб қаради-да, бепарво деди:

— Марҳамат, билет олинг.

Мурод билет олди.

— Нечанчи билет экан?

— Еттинчи...

— Яхши, — деди ўқитувчи, — ўтириб тайёрланинг. Ўзим чақираман.

Мурод столга келиб ўтирар экан, негадир саволларни ўқиш ўрнига етти рақами ҳақида ўйлаб кетди. Илгари ҳам бирда шундай воқеа юз берган эди. Нима ҳам бўлиб ўзининг ҳаётида етти рақами билан алоқадор воқеаларни эслаган эди. Ўйлаб қараса, ҳаётида етти рақами билан боғлиқ кўп яхши воқеалар бўлган экан. Аввало ўзининг туғилган йили — 1957, оилада еттинчи фарзанд, етти ёшда мактабга борди. Еши роппа-роса ўн еттига тўлган куни мандатдан ўтиб, институтга қабул қилинди...

Студентликнинг дастлабки ҳафталарида ижарада туриш учун Самарқандниг кўп маҳаллаларидан жой қидирди. Қанча эшикларга кириб чиқмади. Охири бир кампирнинг кичкинагина уйчасидан бошпана топди. Тасодифни қаранг: бу уй еттинчи тупикдаги еттинчи уй экан...

Мурод шуларни ўйлаб, кўнгли бироз равшан тортди. У саволларни ўқиди: «Биринчи саволнинг жавоби тайёр!» Иккинчисини ўқиди: «Бунга ҳам жавоб бериш мумкин». Учинчи саволга кўз югуртирди: «Яхши. Жуда осон савол экан... Камида тўрт қўяди...»

У енгил нафас олиб ўқитувчига қаради. Олдин кирганлар сўзламоқда эди. Мурод тезроқ топшириб, онасининг олдига югуришни хаёл қилди. «Энам бечора ҳам бу иссиқда қийналиб қолди. Кенг дала-даштга ўрганган одам шаҳарнинг каталакдек тор ҳовлисию димиққан ҳавосида юраги сиқилиб кетгандир. Кетаверинг, десам кўнмасалар...»

— Қани, тайёрмисиз?

Бегимовнинг товуши Муроднинг хаёлини бўлди. У индамай ўрнидан туриб, ўқитувчининг қаршисидаги стулга келиб ўтирди.

— Билетингизни беринг-чи, — деди ўқитувчи Муродга синовчан назар солиб. У билетни узатди. Бегимов саволларга кўз югуртирар экан, яна Муродга юзланди. — Қаерликсиз, ука?

— Қўшработлик, — деди Мурод.

Бегимовнинг чеҳраси янада ёришиб кетди. Гавдасини стул суянчиғига ташлади.

— Қўшработдан денг... Хўп ажойиб жой дейишади-а. Армияда бир қўшработлик йигит билан дўст эдик. Ажойиб, кўнгли очиқ, дилкаш, саховатли бола эди. Кўп таклиф қилди, лекин боришга вақт йўқ. Бўлмаса Самарқанд билан Қўшработнинг ораси нима деган йўл. Неча марта Сочию Ялтага бориб келдим. Аммо яқингинадаги жойга боришга имкон топилмайди. Жуда гўзал жой дейишади, ростми?

— Ёмон эмас. Ҳар ҳолда томоша қилса, кўрса бўладиган жойлари бор. Жавоб берайми?

— Шошилманг, ука. Жавоб берасиз. Сизнинг билимингизга шубҳа қилмайман. Мен қўшработликларни жуда яхши биламан. Армиядаги ўртоғимдан бошқа ҳам танишларим кўп. У ерда пахта йўғ-а?

— Йўқ. Пахта экилмайди.

— Боғдорчиликми?

— Боғдорчилик ҳам бор. Лекин асосан чорва.

— Чорванинг ташвиши кўп-а?

— Илож қанча. Тирикчилик.

— Ҳа, тўғри айтасиз, — деди Бегимов тагдор қилиб. — Тирикчилик қурсин. Рўзғор дегани чиндан ҳам ғор экан, ука. Ҳали уйлансангиз биласиз. Е оилангиз борми?

— Йўғ-э, — деди Мурод уялиб.

— Аммо чорванинг даромади кўп бўлади, деб эшитганман. Ростми шу? — ўқитувчи Муродга яна ҳам синчиклаб термулди.

— Тузук ҳар ҳолда.

Мурод Бегимовнинг узундан-узоқ бу саволларидан мақсади нима эканлигини тушунолмай ҳайрон эди.

— Сизнинг отангиз нима иш қилади?

— Отам бош чўпон.

— Бош чўпон?! Унда жуда яхши экан, — деди Бегимов салмоқлаб. — Хўш, энди гап бундай, ука. Эртага янгангизнинг бир зиёфати бор экан. Биласиз, менинг ишим бошимдан ошиб ётибди. Бозор-ўчар қилишга ҳам вақт йўқ. Сизлардан кейин бошқа курсларда имтиҳон-зачётларим бор. Шунинг учун сиздан илтимос, ҳозир бозорга тушинг-да, икки кило қўй гўшти, икки кило мол гўшти олинг. Фақат шошилмай кўриб, яхшисидан олинг. Хўпми, бўлмаса, бозордагилар эски гўштними, суяклисинимми шартта қоғозга ўраб бериб юбориши мумкин. Жуда пихини ёриб, тулки бўлиб кетишган. Кейин бизникига элтиб ташланг. Майлими?

Мурод бу гаплардан довдираб қолди. Нима дейишини билмас эди. Бутун куч-қувватини йиғиб базўр:

— Имтиҳон-чи?.. — деди.

— Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Эртага тўртинчи курслардан имтиҳон оламан, келсангиз хоҳлаган баҳонгизни қўйиб бераман. Фақат гўштнинг тузукроғидан олинг, хўпми. Келишдик-а? Хайр, эртагача.

Мурод ичи тўла гап, аммо тилига чиқаролмай ноилож ўрнидан турди. У эшик томон юраркан, оёқлари қўрғошиндай оғир эди. Сезганмисиз, оёқ увишиб қолганда зилдай бўлиб, эгасига бўйсунмайди. Ҳозир Муроднинг оёқлари ҳам шундай зил-замбил, базўр кўтариб босар эди. У йўлакка чиққанида курсдошлари ўраб олишди:

— Нима баҳо олдинг?

— Қийнамадими?

— Қани, зачётканги кўрсат...

Мурод индамай уларнинг орасини ёриб ўтди. Унинг бу ҳолатидан курсдошлари ҳайрон эди. Мурод улардан ўн қадамлар чамаси узоқлашганда қулоғига: «Йиқилган!» деган товуш эшитилди. Бу унга жуда алам қилди. «Йиқилдимми? Мен имтиҳон топширолмадимми? Бу гапни қайси бир одамга тушунтириб чиқиш мумкин? Умуман, шуни бировга айтиш шартми? Энамга нима дейман? Эртага кетмоқчи эдик-ку. Қандай кетаман энди?..»

У кичкина эшикдан ичкарига қадам қўйди. Онаси кафтдеккина ҳовли ўртасида қирғийнинг тумшуғидек эгилиб турган водопровод олдида чўнқайиб ўтирганча кир ювмоқда эди.

— Келдингми, болам. Вахли келганинг яхши бўлди-да. У-бу нарсаларингни шошилмай йиғиштириб қўясан.

Мурод индамай ўзининг хонасига кириб кетди. Кийим-бошини ҳам ечмай каравотга чўзилди. У юзини ёстиққа босиб ётар экан, ўйларди: «Энамга нима дейман? Домла айтган гўшт-мойни олиб берай десам пул йўқ. Унинг устига, шунақа йўл билан баҳо оламанми? Қишлоқдан шунинг учун келиб юрибманми? Бошқаларга ҳам бирон нима буюрдимикан? Нега келиб-келиб менга айтди? Ахир, тўрт кило гўшт билан зиёфат ўтказиб бўлмайдику. Яна қанча нарса керак. Бу қандай шармандалик?! Ҳатто институтга кираётганимда ҳам бировнинг ёрдамига муҳтож бўлмаганман... Бегимов ҳақида турли гаплар юрар эди. Ишонмасдим. Демак, рост экан-да... Қачонгача бу қилиғини давом эттиради. Охири бир кун миси чиқади-ку... Кафедра мудирига айтаман. У ҳам қулоқ солмаса, деканга бораман. Майли, комиссия тузишсин. Майли, беш бўлмаса тўрт, уч оларман. Бегимовнинг айтганини қилмайман!»

— Муроджон, — деди уйга кирган Майрам хола. Мурод ўзини ухлаганга солди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ она бечора ўзига ўзи гапирар эди: «Чарчапти болам пақир. Уқийман деб, рангида ранг қолмади. Ўқишиям бор бўлсин...» Майрам хола ўзининг енгил чорсисини ўғлининг устига ёпиб қўйди.

Мурод кўзини юмиб ётди. Шу билан бироз ухлаб, бу гаплардан фориғ бўлишни ният қилди. Лекин хаёл тинчлик бермади, бунинг устига, торгина хона офтобда кетаётган юк машина кабинасидек димиқиб кетган эди. Йигит у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилар, уйқуга тутингани сари уйқуси қочар эди. Охири бўлмади. Ўрнидан туриб, оёғини каравотга осилтириб ўтирди. Майрам хола кеча ювган кўрпачасини қавиб ўтирарди.

— Турдингми, болам. Чой дамлаб келайми? Ҳаммасидан қутулдингми энди? Эртага қай маҳал чиқамиз йўлга?

Мурод индамади. Онасининг саволларига жавоб беришдан ожиз эди. Унинг бу қадар камгап, вазмин бўлиб қолгани Майрам холанинг кўнглига шубҳа ташлади. «Доим қувноқ, шўхшодон эди. Айниқса имтиҳон топшириб келган кунлари бир гапириб ўн куларди. Бугун нима бўлди бунга?»

— Сенга нима бўлди, болам?

— Ҳеч нарса, — деди Мурод, — чарчадим.

— Бир-икки пиёла иссиқ чой ичгин, чарчоғинг тарқалади.

Майрам хола чой дамлагани чиқиб кетди. Мурод ҳамон шу алпозда хаёл суриб ўтирар эди. Чой кўтариб кирган она ўғлига чой қуйиб узатди-да, унинг юзига термилди. «Кўзлари киртайиб қопти. Ранги-рўйи ҳам бир ҳолда. Тузукроқ овқат емаганидан лаблари гезариб кетибди. Шунча қийналиб ўқиш зарурмикан? Кошки ҳамма ўқиганлар ҳам қобилгина-қодиргина одам бўлиб етишса...»

Майрам холанинг хаёлига лоп этиб қишлоғидаги Эргаш бобонинг кичик ўғли келди. Ўша бола олти-етти йил Самарқандда юриб, қишлоғига қайтиб борди. Институтни битирган-битирмаганини ҳам ҳеч ким билмайди. Қариндошлари сир тутади. Шунга ҳам икки йилдан ошди. Бир ишнинг бошини тутгани йўқ. Қачон қарасанг, ичиб юради... Одамлар безор бўлиб қолган. Узоқдан кўриши билан ҳамма ўзини четга олади. У кирган давра бўри оралаган сурувдай тўрт томонга тарқаб кетади.

Майрам хола шуларни ўйлар экан, ўғлидан кўз узмайди. «Муродим эсли-ҳушли. Ўқишни битирса, уйлантириб қўяман», дейди гоҳо ўз-ўзига.

— Менга қара, Муроджон, нима бўлди ўзи сенга? Мендан яшираяпсан-а.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, энажон. Сиздан нимани яшираман.

— Йўқ, болам, — деди кампир хавотир олиб, — мени алдайман дема, кўзинг айтиб турибди. Айт, нима гап ўзи? Мендан— энангдан сир тутадиган дардинг борми?

Мурод онасининг ёнига ўтирди-да:

— Сиздан яширадиган сирим йўқ, энажон,— деди. — Лекин сизни ҳам қийнашимнинг нима кераги бор?

— Ундай гапларни қўй, болам, — деди меҳр билан кампир ўғлининг сочларини силар экан. — Айт, гапир, нима гап? Биров хафа қилдими?

Мурод бошини хам қилиб, астагина гапирди:

— Имтиҳондан ўтолмадим...

— Вой, шўрим, — деб юборди Майрам хола. — Энди нима қиласан? Курсда қолдирадими?

— Йўқ, — деди Мурод онасининг юзига қарай олмай. — Қайтадан топшираман.

— Бўладими ишқилиб? Қачон борасан энди?

Мурод онасининг ажин босган меҳрибон юзларига термулди.

— Энажон, — деди охири юрагини очиб, — мен имтиҳон топширолмадим эмас... Иқилганим йўқ. Агар билмасам... Жавоб беролмасам, алам қилмас эди. Домла сўрамади...

— Сўрамади? Нимага? Домлангни хафа қилувдингми?

Мурод бўлган гапни онасига айтиб берди.

— Ҳа нафсига ўт тушсин, — деди кампир домлани қарғаб. Бир оздан сўнг: — Ке, қўй, болам, шунгаям хафа бўлиб юрма. Эртага эрталаб бозорга тушгинда, айтганини олиб бориб бер. Яна ўчакишиб қолмасин. Боши-кўзингдан садқаи сар шу. Пенсиямни олиб келганман. Йўл киромизга қолса, бас... Мен кирларингни ювиб қўяй...

Майрам хола ҳовлига чиқди. Мурод яна ўзини каравотга ташлаб, ўйга толди. «Бу нима деган гап? Нималар бўлаяпти ўзи? Энамнинг, бир қари кампирнинг пенсия пулини порага бериб, баҳо оламанми? Шуми менинг фарзандлик бурчим?! Ўят эмасми? Бугун гўшт олиб берсам, эртага эҳтимол каттароқ нарса буюрар. Унда нима қиламан? Яна энамнинг пенсиясини сўрайманми? Энам бечоранинг мен учун тортган азоблари етмайдими? Опамлар, акамлар такрор-такрор гапириб беришган...»

* * *

Мурод тўққиз кунлигида тўсатдан касалга чалинди. Оғзи буришиб, онасини эмолмай қолди. Ҳатто йиғлашга қийналарди. Онаси шўрлик кечаси билан ухламай кўтариб, аллалаб чиқарди. Эмизак билан оғзига сут қуярди. Бормаган ери қолмади. Лекин ҳеч қандай наф кўрмади.

Бир куни уларникига кўшни қишлоқдан меҳмон келди. Гап орасида чақалоқнинг касалини эшитиб, шаҳарда бир зўр доктор борлигини айтди. Майрам опа ўғлини ўша докторга олиб боришга чоғланди.

Февралнинг аччиқ кунлари. Тизза баравар қор ёққан. Майрам опа саҳарлаб йўлга отланди.

— Бунча вахли чиқиб нима қиламиз, — деди Бердиқул ака. — Сал совуқнинг заҳри тушсин.

— Эртароқ чиқмасак, қачон бориб келамиз. Мошин тайёр турибдими сизга...

...Мурод шуларни ўйлаб, онасига раҳми келиб кетди. «Шунинг ўзигина бўлса кошкийди. Ундан кейинги азоблари-чи...» Эсида бор: тўққиз ёшда эди, бошига бир яра чиқди. Биров темиратки деди, яна биров сизловиқ, деди. Ҳар ким ҳар хил дори-дармон айтди. Майрам опа шўрлик ҳаммасини қилди. Муроднинг яраси тузалиш ўрнига каттариб, кўпайиб кетаверди. Бу ҳам бечора онани уч-тўрт ой қийнади. Мурод хаёллар сўнггида ўзича шундай қарорга келди: «...Шу азоблар каммиди энамга? Энди ўн тўққизга кирганимда пенсия пулини олиб домлага бераманми? Йўқ, бундай қилолмайман! Институтда ўқимасам ўқимайман, аммо бу ишга қўл урмайман!..»

У ташқарига чиқди. Иккита дароз одамнинг қулочи етгулик ҳовлига тортилган арқонга Майрам хола кир ёяяпти. Мурод водопроводнинг олдида турган кичкина стулчага омонатгина ўтирди. Майрам хола зимдан ўғлига қараб-қараб қўяди. «Ўғлим бечора бирор қарорга келолмаяпти. Болагинам мендан пул олишга уялаяпти», деб ўйлади.

— Менга қара, Муроджон,— деди Майрам хола кирни ёйиб бўлиб. — Эртага қай вақтда кел, деди.

Мурод индамади.

— Қўй, болам, кўп ўйлайверма. Мениям юрагимни эзма. Иложи борича эртароқ бориб келсанг, вахлироқ йўлга тушармидик. Тезроқ қишлоққа бормасам бўлмайди. Бу ерда анча кун қолиб кетдим. Аканг билан янганг ишга чиқиб кетса, болаларга қарайдиган одам йўқ.

— Сиз қарамасангиз, ўзлари болаларини эплолмайдими? Қачонгача бола боғчалик қиласиз?

— Э, болам-а, сен ҳали билмайсан-да. Менсиз ҳам болаларини эплай олишади, лекин мен уларсиз туролмайман. Келганимдан бери невараларим кўз ўнгимдан кетмайди.

Мурод ўрнидан оғир турди. Онасига билдирмай аста кериштди.

— Бўлмаса эртага барвақт сизни автобусда жўнатиб юбораман.

— Сен-чи?

— Мен имтиҳон топшириб, кейин бораман.

— Эртага қўйиб бераман, депти-ку, ахир. Индин бирга кетармиз жуда бўлмаса.

Мурод бир дам жим қолди.

— Йўқ, — деди кейин кескин. — Мен домланинг айтганини қилмайман! Эртага бораман. Истаганча сўрасин, жавоб беролмасам, майли икки қўйсин. Лекин бу йўл билан олинган бешнинг кераги йўқ менга!

Ўғлининг бу гапи Майрам холанинг юрагини шувиллатиб юборди. Назарида ўғли эртага домласи билан уришиб қоладигандай, бунинг учун уни институтдан ҳайдаб юборадигандай туюлаверди.

— Қўй, болам, ўчакишма. Ўзи не азоблар билан киргансан. Шунча меҳнатинг зое кетмасин. Унинг устига ўқишни битирмай борсанг, қишлоқда ҳам гап-сўз кўпаяди. Оғзига кучи етган-етмаган бор.

— Мен ўқишни битирмай бормайман қишлоққа! Энажон, сиз хавотир олманг. Мен имтиҳон топшириб, кейин бормоқчиман, холос.

— Бўлмаса, менам кетмайман, — деди Майрам хола. — Қачон топшириб келасан, ўзим билан бирга олиб кетаман....

* * *

Мурод имтиҳонни комиссияга топширадиган бўлди. Кафедрага белгиланган пайтда етиб келди...

У ўқитувчилардан беш киши иштирок этган имтиҳондан ўтиб, зўр ҳаяжонда ташқарига чиқди. Юзларидан, пешонасидан маржон-маржон тер қуйилар эди. Руҳи шу қадар тетик, кайфияти шунчалик яхши эдики, терлаганини ҳам, кўйлаги сув бўлиб кетганини ҳам пайқамас эди.

Мурод ҳовлига гўё учиб кирди. Негадир ҳовлининг торлиги ҳам билинмади унга. Ўғлининг йўлига интизор бўлиб ўтирган Майрам хола Муродни кўриши билан ҳамма нарсани тушунди. Мурод югуриб келиб эшик олдида турган онасини қучоқлаб олди.

Коинот сирлари

ДУМЛИ ЮЛДУЗ ТАФСИЛОТЛАРИ

Комета сўзи грекча «Сочли юлдуз» маъносини билдиради. Ўрта Осиё халқлари уни «думли юлдуз» деб аташган. Ўтмишда, жаҳолат даврида уни бахтсизлик хабарчиси, деб ҳам изоҳлаганлар.

Ҳозир эса Думли юлдуз кишида ваҳима эмас, балки ўзига нисбатан жаҳон миқёсида катта қизиқиш уйготмоқда. Янги йилда коинотда юз берадиган ажойиб воқеалардан бири — шу йил март ойида ичига интернационал асбоблар — Ғарбий Европа мамлакатлари ҳамкорлигида яратилган «Жотто» ва Японияда яратилган «Планета» тадқиқот аппаратлари ўрнатилган «Вега—1» ва «Вега—2» автоматик станцияларнинг Галлей кометаси билан учрашувидир.

Қизиқувчиларга шуни эслатамизки, Галлей кометаси тахминан ҳар 75,5 йилда фазода Ерга яқин масофадан ўтади. Охирги марта Галлей Ердан 1910 йилда кузатилган. Ўшанда унинг қуюқ «сочлари», яъни қуёш нурлари таъсирида кометанинг музли «бошидан» чиққан бугли атмосфера улкан дум сифатида осмоннинг қарийб ярми бўйлаб чўзилган эди. Бугал эса бизга ўшанақа ажиб манзарани томоша қилиш насиб этмайди. СССР Фанлар академиясининг Қрим астрофизика обсерваториясининг илмий котиби В. Можжерин Галлей бугал қуёшга яқин масофада ўтаётганда унинг орқа томонида бўлгани учун уни ўша дақиқада Ердан туриб кўролмаймиз, деган хабарни редакцияга билдирди. Думли юлдуз 1986 йил 9 февралда қуёшга жуда яқинлашиб ўтди.



Астрономлар кометани кўпдан бери кузатиб келмоқдалар. Қрим обсерваторияси директорининг ўринбосари, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Боярчук редакциямизга юборган мазкур суратда Галлейнинг 1985 йил декабридаги кўриниши акс этган. Сурат обсерватория телескопларининг бирида туширилган. Кўриниш муддати бир соатга чўзилгани ва Ернинг ўз ўқи атрофида айланиб тургани учун самодаги юлдузлар тасвирда чизиқ-чизиқ бўлиб акс этган.

Олим А. Боярчукни эса бундай суратлар эмас, балки «Астрон» Совет орбитал обсерваторияси бортидан туриб туширилган Галлей кометасининг спектрограммалари кўпроқ қувонтирмоқда. Мазкур автоматик станция ёрдамида қарийб уч йилдан бери Коинотнинг ультрабинафша рангда нурланиши тадқиқ қилиб келинаётир. Мазкур станция бортидан ерга узатилган спектрограммалар Галлей кометаси нурланиш пайтида унинг энг равшан чизиғида гидроксил, яъни сув молекуласининг бир қисми ҳосил бўлишини кўрсатади. Демак, музли комета Қуёш нурлари таъсирида бугланиб, ўзининг химиявий сирларини аста-секин ошкор этмоқда.

Б. КОНОВАЛОВ

Бернора ҚОРИЕВА,
СССР халқ артисти

ТАМАРАХОНИМ



Санъатда шундай жанрлар борки, уларни фақат туғма истеъдодлар яратади. Тамарахоним худди ана шундай жанрни яратди. У СССР ва чет эл мамлакатлари халқлари қўшиқ ва рақсларининг биринчи ва бетакрор ижрочисидир.

Тамарахоним номини фақат серқуёш Ўзбекистондагина эмас, балки бепоён мамлакатимизнинг барча бурчакларида яхши билишади.

Тамарахонимнинг ўзига хос туғма ва ёрқин истеъдоди жуда эрта — ўн уч ёшида, профессионал саҳнага эндигина чиқа бошлаган вақтларидаёқ пайдо бўлган эди. У ўн саккиз ёшида эса Совет Ўзбекистони санъатини Парижда, амалий санъатнинг Умумжаҳон кўргазмасида намойиш этди.

Ҳозир, Тамарахонимни ижодининг дастлабки йилларида дунёга танитган унинг — янги ўзбек рақсини яратувчиси эканлиги ёки аёл эркинлиги учун курашган артист — агитаторлик фаолияти бўлдими, буни айтиш қийин. Бироқ бизга бир нарса — у халқ санъати учун, аёллар озодлиги учун толмас курашчи бўлганлиги аниқ.

Тамарахоним Париж ва Берлиндаги гастролларидан кейин ўзининг бутун умрини ўзбек қўшиқ ва рақсларининг ривожига бағишлашга қарор қилди. Зўр муваффақият қозонган биринчи концертдан кейиноқ машҳур рус ва чет эл балериналари — Айседора Дункан, Анна Павлова, Кшесинскаялар Тамарахонимга ўз ҳайрат ва ҳаяжонларини изҳор этиш учун саҳна ортига келдилар. Ваҳоланки, у болалик давридан бундай машҳур санъаткорларнинг газета ва журналлардан қирқиб олган портретларини ўз хонаси деворига ёпиштириб юрарди.

Тамарахоним шу йиллар мобайнида янгидан-янги рақсларни, ҳаракатларни ҳассослик билан йиғади, «катта» ва «кичик», эркак ва хотин-қизлар рақсини, қизиқчилар ва цирк артистларининг рақсини ўрганади. Янги ҳаракатларни ўйлаб топмасдан ва рақс композицияларини ўзгартирмасдан туриб, Тамарахоним ижрочиликнинг янгича услуби орқали рақснинг янгича қиёфасини яратиб, унинг мазмуни ва ҳис-туйғуларини янгича талқин қила бошлайди, уни шу вақтга қадар «ичкари»да ўйналган ўзбек хотин-қизлари рақсларига хос бўлмаган кенг парвозли, иродавий ва собиткадам ҳаракатлар билан бойитади. Шу тариқа хатти-ҳаракат ва имо-ишораларнинг ниҳоятда дилкаш ва жозибадорлиги туфайли рақс ижрочилигининг ўзига хос услуби вужудга келади.

Тамарахонимнинг санъатга бундай ижодий ёндашуви рақс орқали ўз дунёқарашини ифодалашига имкон берди, у рақсни асрий қулликдан халос бўлган ўзбек хотин-қизларининг чуқур руҳий ҳолатларини ифодалаш воситасига айлантирди.

Бу албатта биз балериналарга маълум бўлган ички интуиция (сезгилар) орқали вужудга келган стихияли ижод эди. Бироқ, Тамарахоним Уста Олим Комилов ва Юсуфжон қизиқ Шакаржоновлар билан этнографик труппада ишлай бошлаган вақтдан ўзи яратган ижодга жиддий, профессионал тарзда ёндашадиган бўлди. Тамарахонимнинг Уста Олим ва Юсуфжон қизиқ билан ҳамкорлиги ниҳоятда бахтли ва катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳамкорлик революциядан кейинги биринчи ўн йиллик мобайнида ўзбек совет хореографияси санъатини вужудга келтириш ва ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.

Янги, сюжетли рақсларни вужудга келтиришда Тамарахоним истеъдодининг бошқа раққосаларникидан фарқ қилувчи ўзига хос индивидуал фазилатлари: қўл ҳаракатларининг ниҳоятда нафислиги, лирик дилкашлик, ҳиссиёт ва мантиқ дунёсига чуқур кириб бориш, рақснинг техник камолоти, драматик ранг-баранглиги ва бойлиги асосий роль ўйнади.

У рақсни конкрет таъсирли ҳаракатлар орқали драматик рақс даражасига кўтаради. Шу тариқа нафақат янги сюжетли рақслар, балки, шу билан бирга, балет театрининг вужудга келиши учун асос бўлган бутун бошли рақслар туркуми яратилди.

Машҳур ўзбек актрисасининг номи ўзбек хореография санъатининг бутун тарихи билан — халқ инқилобий сайилларидан тортиб дастлабки балет спектаклига қадар, ичкаридаги тутқунликдан қутулган биринчи аёлдан тортиб ўзбек балериналарининг бутун бошли труппасига қадар чамбарчас боғлиқдир.

Шижоатли, доимо изланувчи Тамарахоним эришилган муваффақиятлар билан чекланиб қолмади. У ўз эстафетасини Муккаррама Турғунбоева билан Галия Измайловага узатиб, янги жанр — лапар-яллани ёки қўшиқ-рақсни яратишга киришади.

Ўзбек халқи орасида лапар-ялла билан шуҳрат қозонган Тамарахоним кийим-костюм устида ҳам қунт билан ишлайди. Зеро, рақҳоса учун кийим образ яратишнинг зарур элементигина эмас, балки образни гавдалантириш воситаси ҳамдир.

Тамарахоним рақс устида ишлаётганида халқнинг турмуши, феъл-атвори ва урф-одатларини, куй товушларидан зарб ва оригиналликни ўрганади. Бу эса актрисага халқнинг энг ёрқин ва типик фазилатларини тушуниш ва ифодалашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам Тамарахоним саҳнада пайдо бўлиши биланоқ томошабинни ўзига сеҳрлаб олади. Санъаткорда ҳамма нарса бевосита, табиий ва самимийдир. Мана, саҳнада қозоқ аёли ўз ўғлига алла айтмоқда. Унинг куйи ниҳоятда нафис ва чуқур ўй, шубҳа-гумонларга тўлиқ. Мана, испан аёли чаққон, эҳтиросли рақсга тушмоқда. Мана, шўх, ҳаракатлари бироз чекланган норвег аёли. Мана, ўзбек қизи ром қилиб олгучи табассум билан пахта термоқда. Унда ҳамма нарса: ипакдек мулойим қўлларининг ҳар бир панжаси, оққушникидек гўзал бўйни, узун залворли сочлари, ҳатто қушдек қанот ёзгандек кўйлаклари ҳам рақсга тушади. Тамарахонимнинг ҳар бир янги образи ниҳоятда тез, аниқ ва ишонарли гавдалантирилади.

Ҳар бир катта санъатда бўлганидек, артистка ижро этган ҳар бир саҳна асари ортида бошқаларнинг кўзига кўринмайдиган, қўл билан ушлаб бўлмайдиган улкан, ниҳоятда машаққатли меҳнат бор. Тамарахоним репертуарни ўзи танлайди. Бу репертуар манбаи — барча концерт сафарларидаги одамлар билан олиб борган доимий мулоқотлар, таассуротлардан иборат. Унинг диққатини ҳамиша юксак ва кучли ҳис-туйғулар — муҳаббат ва дўстлик, оналик латофати, фидойилик, меҳнат поэзияси ва қувонч туйғулари жалб қилади.

Тамарахонимда этнограф ва музикантнинг, хонанда ва актёрнинг, раққоса ва балетмейстернинг, чевар ва режиссёрнинг билими мужассамлашган. Энг асосийси у — кузатувчан санъаткордир.

Тамарахонимнинг миллионлаб томошабинлар муҳаббатини қозонган оригинал концерт жанри — лапар-яллани яратиши ва унда юксак маҳорат чўққисини эгаллашида унинг улкан тажрибаси ва ранг-баранг ижодий йўли, қийинчиликлар, мағлубият ва ғалабалар, тинимсиз изланишлари катта ёрдам берди.

Тамарахонимнинг ҳаёти ва ижодиёти — совет тупроғида тарбияланган, ўзбек халқи парваришлаган ҳақиқий халқ санъаткорининг ёрқин йўлидан иборат. Унинг бутун ижоди миллий санъат туйғулари билан суғорилганлиги учун интернационал характерга эга бўлди.

Тамарахоним ўзининг бутун фаолиятини ҳақиқий санъат учун курашга, жаҳондаги халқларнинг бир-бирларини тушунишига, ўз қалбидаги эзгу ниятларни бошқалар билан баҳам кўришга, инсонни улуғлашга бағишлади. Шунинг учун ҳам у жаҳон халқларининг рақс ва ашулаларини биринчи бўлиб ижро этди. Бу жанр — ҳақиқатдан туғма истеъдод эгаси бўлган Тамарахонимнинг такрорланмас кашфиётидир.

МАВЛОНО САККОКИЙ ВА УНИНГ ТАХАЛЛУСДОШЛАРИ

ЎЗБЕК адабиёти тарихида шу пайтгача исми, отасининг номи, туғилган жойи номаълум бўлиб келаётган Мавлоно Саккокий ҳаёти ва ижоди тафсилотларини аниқлаш борасида изланишлар олиб бориб, ниҳоят, унинг номи ҳамда туғилган жойини аниқлашга эришдик.

Аниқлашимизча, шоиру олимлардан уч киши Саккокий тахаллуси билан ижод қилган.

Биринчиси — Саккокий шоир ва қомусчи олим, унинг оти Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Юсуф Саккокий ал-Хоразмийдир. Шунингдек, у «ал-котиб ал-Хоразмий» тахаллуси билан машҳур. У анча вақт Бухорода сомонийлар амири Нуҳ II (976—997)нинг вазири Абдул Ҳасан ибн Аҳмад ал-Утбий ҳузурида котиблик қилади. Бу олим ва шоир 978 йилда ҳамма илмларни ўз ичига қамраб олувчи қомусий «Мифтоҳ ал-улум» («Илмлар калити») асарини ёзади. Араб тилида ёзилган ушбу асарнинг 1160—1161 йилларда кўчирилган қўлёзмасини 1895 йили асл нусхасидан голланд шарқшуноси олими Ван Флотен нашр қилган эди. Китобда муаллиф ўз давридаги ҳар бир фаннинг мазмунини, асосий терминларини шарҳлаш йўли билан тушунтириб беради. Бинобарин, академик И. Ю. Крачковский таъкидлаганидек, бу асар ўша давр «билим»ларининг барча соҳаларини ўз ичига олувчи изоҳли терминологик луғатдир.

Икки бўлимдан иборат бу асарнинг биринчи бўлими илоҳият ҳақидаги фиқиҳ фани, грамматика, иш юргизиш, шеърият ва аруз, тарих илмларига оиддир. Иккинчи бўлими эса фалсафа, мантиқ, тиббиёт, арифметика, геометрия, мусиқа, механика, астрономия ва кимёга доир тўқиз бобни ўз ичига олади. Асарнинг бобларидан бири шеърият ва аруз баёнига бағишланган. Хусусан шеърий ўлчовлар (вазн), ундаги баъзи бир камчиликлар, қофия ва шеърият тақризи, яъни унинг бадиий тили билан қизиқиш устида тўхтаб ўтилади.

«Фан ва турмуш» журналининг 1978 йил 6-сонида Абу Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Юсуфнинг қомусий асари «Мифтоҳ ал-улум»га хос бу хусусиятлар ҳақида тўхталган Р. Баҳодиров, афсуски, унинг Саккокий деган тахаллуси мавжудлиги ҳақида маълумот бермайди.

Ваҳоланки, Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайний Нишопурийнинг «Бадойиъу-с-санойиъ» асарида «Мифтоҳ ал- улум» муаллифининг «Саккокий» тахаллуси борлиги аниқ қилиб кўрсатилган. Масалан: Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадойиъу-с-санойиъ» китоби (Тошкент, 1981 йил) 183-бетида «Саккокий, яъни «Мифтоҳ» соҳибининг йўли мундоғдир» деб, «Мифтоҳ ал-улум»ни қисқартириб номлаб, унинг муаллифи номини, отасининг, Хоразмий деган нисбатини ҳам кўрсатмай гап бошлаган.

Сирожиддин Саккокий (вафоти 1228 йил) Абу Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Юсуф Саккокий ал-Хоразмийнинг мазкур асарини талқин этувчи асар ёзиб, уни «Шарҳи «Мифтоҳ-ал-улум» («Илмлар калити»нинг шарҳи») деб номлаган.

Шунингдек, Абу Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Юсуф Саккокий Хоразмийнинг «Мифтоҳ-ал-улум» («Илмлар калити») асарига Али ибн Муҳаммад Сайид Шариф Журжоний (1330—1413 йилларда яшаган) ҳам шарҳ ёзган. Сирожиддин Саккокийнинг «Шарҳи Мифтоҳ-ал-улум» асари ҳам араб тилида битилган.

Энди учинчи Саккокий ҳақида сўз юритайлик. Бу ижодкор шоир бўлиб Алишер Навоийнинг берган маълумотига кўра, унинг оти Муҳаммад бўлиб, «Мовароуннаҳр (Самарқанд ва Туркистон) «Саброн» ёки «Саурон») шаҳарларида яшаб ижод этади.

Мавлоно Муҳаммад Саккокий XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган; у ўз даврининг алломалари Отойи, Сайид Аҳмад, Яқиний ва Мавлоно Лутфулло Лутфийларнинг замондошидир. Унинг мовароуннаҳрлик эканлигини шоирнинг «айлади» радифли ғазалидаги мана бу икки сатр ҳам тасдиқлайди:

Мовароуннаҳр ичра қолдим, чунки икки ёнима
Кўзларимнинг бири Сайхун, бири Жайхун айлади.

Мавлоно Саккокий ўз замонасининг машҳур шоири бўлибгина қолмай, пичоқчилик ҳунари билан шуғулланади. Бу ҳақда Алишер Навоий «Насоимул муҳаббат» асаридан шундай маълумот беради: «Ва шайх Муҳаммад Саккокий, ўз замона машойихининг ягонаси эрмиш, пичоқчиликка мансубдур». Унинг Мовароуннаҳрлик туркийзабон шоир эканлигини Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» ва «Хутбаи давовйн» асарларида ҳам айтиб ўтади, унинг яшаган даври, адабий фаолияти ва XV аср адабий ҳаётида тутган ўрни ҳақида бирмунча маълумот беради. Шоирнинг замондоши Яқиний «Ўқ ва ёй мунозараси» асарида Саккокийнинг» турк ўзбек шоирларининг мужтаҳиди» (ғайратлиси) эканлигини тасдиқлайди. Бу маълумотларни шоирнинг ўз девони ҳам қувватлайди. Бундан ташқари, Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» асарида яна бир қизиқарли маълумот келтиради: «Мавлоно Саккокий Мовароуннаҳрдиндур. Самарқанд аҳли анга мўътақиддурлар ва бағоят таърифин қилурлар. Аммо фақир Самарқандда эрканда муорриф-ларидан ҳар неча тафаҳҳус қилдимиким, анинг натоихи табъидин бирор нима англайин, таърифқилғонларича нима зоҳир бўлмайди. Барчадин қолган сўзлари будурким, Мавлоно Лутфийнинг барча яхши шеърлари анингдурким, ўғурлаб ўз отиға қилубдур. Ул ерларда бу навъ ўхшаши йўқ, мазасиз мукобаралар воқеъ бўлур. Қабри ҳам ул сориўқдур».

Мазкур парчадан шу нарса аёнки, Лутфийнинг душманлари шоир Саккокийнинг яхши шеърларини ўзлаштириб олган деган бўҳтон билан Лутфийни ижод ўғриси сифатида айблашга уринишади. Лекин буюк мутафаккир Алишер Навоий Лутфий шаънига айтилган бундай номақбул бўҳтоннинг ёлғон эканлигини исботлайди, бу иснод гапни рад этади.

Шоир Саккокий сўз устаси эди. Унинг адабий меросидан бизгача етиб келган девони бўлиб, ундан 11 қасида ва 40 ғазал мавжуд.

Алишер Навоий Саккокий билан Лутфий хусусида тўхталиб, яна шундай деб ёзган эди:

«... туркий алфозининг булағосиндин Мавлоно Саккокий ҳам Лутфийларким, биринг ширин абётининг иштиҳори Туркистонда бағоят ва биринг латиф ғазалиётининг интишори Ироқ ва Хуросонда бениҳоядур ва девонлари мавжуд бўлғай». Яъни, «...туркий (ўзбек) тилининг билимдонларидан Мавлоно Саккокий билан Лутфийларким биринг ширин шеърларининг машҳурлиги Туркистонда юқори, биринг ғазаллари латифлигининг шуҳрати Ироқ ва Хуросонда бениҳоятдур ва девонлари ҳам бордур»

Алишер Навоий 1467—1469 йилларда Самарқандда яшаган эди. Ўша йиллари Саккокийни учратмаганлигини эслатиб ўтади. Шунга қараганда, Саккокий Навоий Самарқандга бормасидан илгари вафот қилган бўлса керак, деган тахминдамиз.

Мирзааҳмад АЗАМАТОВ

Меросимизни ўрганамиз

Фойдали маслаҳатлар • Фойдали маслаҳатлар • Фойдали маслаҳатлар

— Менинг ўн ойлик ўғлим кўпинча мукка тушиб ухлайди. Сабаби нима бўлиши мумкин?

— Дарҳақиқат, болалар ҳаётининг биринчи йилларида она қорнида қандай ётган бўлса, ана шу ҳолатда мукка тушиб ухлайди. Бироқ бу ҳолат гўдак қорни огриётганининг белгиси бўлиши ҳам мумкин.

* * *

— Қўшним апельсинни совун билан ювиб, кейин устидан қайноқ сув қуяди. Мевага шундай ишлов бериш мумкинми?

— Апельсин, лимон, мандаринларни оқиб турган илиқ сув билан ювилса кифоя.

* * *

— Болалар коляскасини қишда иситиш керакми?

— Керак эмас. Болаларни 12—15 градусдан кам бўлмаган ҳавода сайр қилдириш тавсия этилганлиги учун, коляскага жундан қилинган ёки пахтали кўрпача солиш етарли бўлади.

* * *

— Агар кострюлдаги тузланган карам ташқарида яхлаб қолса унинг қимматли хусусияти сақланадими?

— Агар кетма-кет яхлашга ва қайта-қайта эришга йўл қўйилмаса ўз хусусиятини сақлайди.



Игорь жангномаси

«Игорь жангномаси»нинг 800 йиллиги

* * *

Келиб етмадими, жўралар, бу дам
Кўҳна оҳангларда куйламоқ чоғи,
Игорь юришлари қиссасини ҳам,
Князнинг жангларда тортган жафосин.
Куйлайлик, жўралар, руҳин этиб шод,
Оғир қисматини айлайлик баён.
Қадим ривоятдек этажакмиз ёд,
Гарчи ўзга куйда куйламиш Боян.

* * *

Боянга илоҳий илҳом эди ёр,
Сўзлари гоҳ ўйноқ, мисли олмахон.
Самода бургутдек қанот қоқса гоҳ,
Гоҳ қашқир сингари саҳрода сарсон.
У ёвқур князлар қасдига гувоҳ,
Бир-бирин устига суришганин от,
Беҳуда тўкишган қонлардан огоҳ —
Этгали жанглардан куйларди бот-бот.

* * *

Ярослав шаънига чаларди бурғу,
Ботирлар номига ўқирди таҳсин.
Куйларди у қадим Киев тахтини,
Касога полклари қошида тағин
Мстислав Ределга санчганини тиғ.
Роман Святославичга ўқирди олқиш.
Юксакдан қуйига қуларкан оққуш...

* * *

Ногоҳ учиргани ўнлаб қирғиймас,
Ед қилганда узоқ ўтмишни Боян —
Юксакдан оққушлар тўдаси томон.
Сеҳрли бармоқлар ўйнасалар бас,
Торларга жон ато этарди шу он.
Ҳарён тараларди бир титроқ садо,
Дилларга тўкарди тўлқинли туйғу
Е жўшқин оҳангда қиларкан нидо —
Князлар шаънига куй атарди у.

* * *

Жўралар, қиссани бошлайлик, бу он
Княз Владимир замонидан то —
Игорь даврigача этолсин баён.
Жангар йиллар эди у йиллар, зеро,
Игорь шуурида қайноқ жасорат,
Жўшиб кетди ўтли юрагида қон,
Руҳи жанговарлик туйғуларга банд,
Излаб кетди Игорь майдон аро шон.
Йўл олди бешафқат ўйдан ўртаниб,
Қумонлар юртига тортди у қўшин,
Рус учун қасослар олмоқчи қониб,
Ғанимлар бошига солмоқчи қирғин.

ПАРЧА

Ортига бурилиб кўз ташлар. Шу он —
Гўё қорайгандек кўринар қуёш.
Лашкари келмоқда қўтариб тўзон,
Зулматга ўралиб фалак эгар бош.
Қўлини кўтарар от узра мағрур.
Сўз очар. Қўшини сақлайди сукут.
— Оғалар, мен бугун сиз билан масрур,
Ев сари боргаймиз, қилмангиз унут.
Билингки, асирлик ўлимдан ёмон,
Жангда жон бермоқлик афзалдир минг бор.
Арғумоқ отларга минингиз чаққон,
Зангор Дон дарёсин кўргаймиз зинҳор.

Княз шууридан келдию устун,
Истаги бошлади улуғ Дон сари.
Дон сувин симирмоқ орзуси бутун —
Мардона вужудин ўтдек ўртади.
— Тилагим — қумонлар саҳроси узра
Ғолиблик нашъасин тотиб кўрмоқлик,
Ғанимларга бериб бешафқат зарба,
Бўғзига яшиндай найза урмоқлик!

Дон сувин тотмоқлик княз хаёли.
Сеҳру кароматга қилмайди парво.
Шуури фарқ қилмас қисматнинг фолин
«Сув ичсам дубулғам билан», дер, зеро.

«Қумонлар даштига санчармиз найза,
Ғалаба гаштини тотиб кўрамиз.
Еки агар шу ҳол қисматда бўлса —
Жанг чоғи мардона, бирга ўлармиз!»

* * *

О, ўтмиш булбули, сеҳргар Боян,
Гар насиб этсайди сенга куйламоқ
Шу юриш қиссасин бошлаган ҳамон
Хаёлинг ўрларди кўкка баногоҳ.
Дарахтдан дарахтга булбулдек учиб
Идрокинг самони тутиб кетарди.
Шону шавкатлардан қургандек макон
Троя қадар то — наъранг етарди.
Чексиз дашту саҳро бўларди мафтун,
Сен қўшиқ айтганда Игорга атаб,
Игорь Святославич, яъни Олегнинг
Жасур набираси шаънини мақтаб:

Лочинлар тўдасин ўрмонлар узра
Суриб кетган асло — эмасдир бўрон,
Қанот қоқиб борар қувноқ зоғчалар,
Зангори тўлқинли буюк Дон томон!

Еки яна шундай бошлардинг қўшиқ,
Велес набираси, афсункор Боян,
Илоҳий эҳтирос кўксингда жўшиб,
Буюк бобонг руҳин ёд этган замон:

— Отлар гар кишнаса Суладан нари
Киев узра бу дам янграр шон-шараф!
Новгороддан таралса бурғу саслари —
Путивлда полклар турар тортиб саф.

Игорь кутаётир бўлиб бетоқат
Туғишган иниси Всеволодни.
Суюб суянару ишонар фақат,
Ини-оға томон буради отни:
— Сен менинг оғамсан, кўзимнинг нури,
Святослав ўғлимиз иккаламиз ҳам.
Асов отларингга эгарларни ур,
Сўнгра ғаним сари бошлайвер шаҳдам!

Учқур тулпорларим сафарга шайдир,
Курск ёқда жаранглар узангилари!
Чиниққан йигитлар жангга қистайдир,
Наъра садосидан кўз очган бари.
Бошида дубулға, эгнида совут,
Тотиб кўрган улар — найза заҳрини!
Йўл олса, йўлларнинг танобин тортар,
Писандмас ўру-қир ҳамда ваҳм-жар.
Таранг тортилгандир ёю-камони,
Уқларга тўладир очиқ садоқлар.
Қайралган қиличлар тиғлари ўткир,
Отлари майдонда бетинч ўйноқлар.
Қашқирдек изғишар ўлжага ташна,
Ев билан довлашмоқ ўйлари фақат...
Бошласанг жанг чоғи киритгай қўлга —
Узига ифтихор, князга шавкат!

Князь Игорь жўшар, отга талпинар,
Олтин узангига тирар оёғин.
Қора қуюн бўлиб қўзғолди лашкар
Туёқлар титратар даштнинг сўл-соғин.

Қуёш қовоқ уйди, қоплади зулмат,
Ҳарб йўлин тўсмоққа ахд қилиб гўё.
Қиличдек селпинди чақмоқ самода
Гулдураб булутлар, тун ҳам тортди оҳ.

* * *

Қушларни қўзғатар момақалдироқ,
Жондорлар ҳар ёнда увлар, ўкирар.
Дев дарахт учидан қийқиради гоҳ,
Қаро тун бағрига ваҳмлар тўкар.
Волга ва Поморье, Сурож ва Посуль
Ғулғула бостириб солмоқчи титроқ.
Сен ҳам Тмуторокан, даҳштдан бўғил,
Худо номин олиб, тикланган тупроқ.

Маълумки, 800 йиллиги кенг нишонланаётган «Игорь жангномаси» қадимги рус адабиётининг буюк ёдгорлигидир. Муаллифи номаълум мазкур асарни XVIII аср охирларида машҳур рус ёдгорликларини йиғувчи граф А. И. Мусин-Пушкин қўлга киритади. Бу адабий ёдгорликни қадимий рус текстидан нусха кўчирган ҳолда ҳозирги рус тилига ўгириб, Екатерина II га тақдим этади. 1800 йилда эса у Н. Н. Бантиш-Каменский ва А. Ф. Малиновский билан ҳамкорликда «Игорь жангномаси»нинг қадимги рус тексти ҳамда таржимасини биргаликда қисқача изоҳи билан биринчи маротаба нашр эттиради: «Игорь жангномаси» иккинчи марта туғилади ва рус адабиётидан мустаҳкам ўрин олади.

Бу ёдгорлик дарҳол ёзувчи ва шоирлар диққатини тортади. 1803 йилда унинг шеърий баёни юзага келади. Уни И. Сереков амалга оширади. Шундай кейин «Игорь жангномаси»нинг янги-янги шеърий баёнлари пайдо бўла бошлади. 1808 йил А. Палицин, 1812 йил Н. Язвицкий, 1913 йил И. Левитский каби шоирлар асарнинг шеърий баёнини яратишди. Буюк рус шоирларидан В. Н. Жуковский ҳамда А. С. Пушкин ҳам бу асар билан қизиқишади. 1817—1819 йилларда В. А. Жуковский «Игорь жангномаси»нинг энг яхши шеърий баёнини яратади. Бироқ бу асар узоқ вақт нашр этилмайди. Мазкур шеърий баён нусхаси Пушкининг қоғозлари орасидан топилади ва тадқиқотчи Е. В. Барсов томонидан гўё Пушкин таржимаси сифатида эълон қилинади. Тадқиқотчининг бу хатоси кейинчалик аниқланади.


Жуковскийдан кейин ҳам XIX аср ўрталарида кўп шоирлар ушбу асарга мурожаат этишади. 1839 йил М. Д. Деларю, 1846 йил Д. Минаев, 1850 йил Л. Мей, 1854 йил Н. Гербел яратган шеърий баёнлар шулар жумласидан. Машҳур рус шоирларининг кўпчилиги мазкур рус адабиёти ёдгорлиги образларига шеърлар бағишлайди.

«Игорь жангномаси»нинг биринчи совет даври нашри 1934 йил атоқли қадимги рус адабиёти тадқиқотчилари В. Ф. Ржигой ва С. К. Шамбинаго томонидан тайёрланган бўлиб, уни Г. Шторма билан С. Шервинский таржима қилган.

1938 йил «Игорь жангномаси»нинг 750 йиллиги нишонланди.

1944 йил В. И. Стеллецкий, 1945 йил А. К. Юговнинг шеърий баёнлари нашр этилди. Худди шу даврда Н. А. Заболоцкийнинг ҳам шеърий баёни жараңглаб бошлайди. Энг кейинги шеърий баёнлар А. Чернов (1979 йил) ва И. Шкляревский (1980 йил) қаламига мансуб. «Игорь жангномаси»нинг кейинги ҳар иккала таржимаси ҳам адабий жамоатчилик эътиборини қозонди.

Ўзбек совет адабиёти вакиллари ҳам «Игорь жангномаси» таржимасига уриниб кўришган. Аммо ҳеч ким «Игорь жангномаси» устида шу пайтгача жиддий шуғулланмаган эди. Едгор Обидов анча йил меҳнат қилиб, мазкур асар тарихини чуқур ўрганди. Рус тилида чиққан аксарият шеърий баёнлар билан таништиб, «Игорь жангномаси»нинг ўзбек тилида шеърий таржима-баёнини яратди. Бу иш «Игорь жангномаси» 800 йиллигига муносиб совға бўлди, айни пайтда шеъриятимизни яна бир янги йирик асар билан бойитди. Ушбу сонда ана шу асардан парча ўқийсиз.



Ёдгор бахши ИСҲОҚОВ

ҲАЁТ УММОНИ...

Ҳаёт нақ ҳайқирган тўлқинли уммон,
Курашларда синаш уммон шеваси.
Бу уммон ичида сузар ҳар инсон,
Бордир ҳар бирининг ўзлик кемаси.

Сузар мардонавор менинг ҳам кемам
Тилиб ушбу уммон бағрин нақ олмос.
Қурганман кемамни чунон мустаҳкам
Бехатар сузмоқлик учун қилиб мос.

Кемам дарғасиман — бошқариб дадил
Ҳар сония сергак сузгум шиддаткор.
Шу оқимда зинҳор бамисоли кўр
Оқимга суяниб сузмас бу Едгор.



НАМОЁН БЎЛ ЎЗ ҚИЁФАНГДА

Кўрсат элга ўзингни, бироқ —
Намоён бўл ўз қиёфангда.
Турланмагин, эл билан ҳар чоқ
Енма-ён бўл ўз қиёфангда!

Ташлаб чўлин, фил бўлай, дея, —
Ўрмонга ҳеч кетгайми туя?
Замонангга мос қадам қўя —
Соф инсон бўл ўз қиёфангда!

Гар мард бўлсанг, майдон яратгил,
Майдонингда ҳалол меҳнат қил,
Гар от бўлсанг, араванг тортгил
Ва равон бўл ўз қиёфангда!

Ўзлигингни ол ўзинг қўлга;
Булбул бўлсанг, сайра, қўн гулга.
Ўрдак бўлсанг, суз тушиб кўлга,
Кўлга жон бўл ўз қиёфангда!

Ижод — қасринг, эй Едгор бахши,
Ўз қалбингдан ол безак-нақшин.
Шонли ижод саҳнида гап шу:
— Намоён бўл ўз қиёфангда!

ЮРАГИМ

Юрагим энг сезгир аппаратсимон
Илғаб турар жаҳон ғамин, шодини.
Юрагим шодланар, шод бўлса жаҳон,
Қон ютар эшитса жаҳон додини.

Ноҳақ тўкилса хун жаҳон буржида,
Қақшагай шу зоҳат менинг қалбим ҳам.
Кул бўлса бир капа жаҳон четида,
Менинг ҳам дил уйим ёнгуси шу дам.



ДЎМБИРА НАВОЛАРИ

Бугунги ўзбек совет шеърияти кўп ва хўб, бир-бирига ўхшамайдиган шоирларни ўз бағрида бирлаштирган ҳолда тараққий топмоқда. Таъбир жоиз бўлса, бу ўзига хос шеърий симфонияда дўмбира куйлари ҳам эшитилиб турибди.

Дўмбиранинг кўҳна куйларини замонамиз оҳангларига мослаб чертишга ҳаракат қилаётган, адабиётга фольклор наҳри орқали кириб келган шоирларимиздан бири Ёдгор бахши Исҳоқовдир. Унинг таржимаи ҳолига эътибор қилсак, у ҳамиша халқ билан бирга бўлганлигини, ўз шеърлари, достонлари, ҳажвларини эл-юрт давраларида ижро этганлигини кўрамиз. Албатта, Едгор бахши ҳар галги ижрода ўз асарини қайсидир жиҳатдан тўлдиради, бойитади, яъни устодлари ўгитларига қулоқ тутган ҳолда, тингловчилар фикрмулоҳазалари, луқмаларига ижодий муносабатда бўлади, халқ дилидаги гавҳарни замона кафтига қўйишга интилади. Едгор Исҳоқов Улуғ Ватан уруши иштирокчиси — Она Ватанимиз фашизмга қарши олиб борган адолатли курашда мардона қатнашган, Биринчи даражали Ватан уруши ордени, жанговар медаллар билан тақдирланган жангчи ҳамдир.

1950—1953 йиллар — Ленин орденли халқ шоири Ислом шоир Назар ўғлига шахсий котиб бўлган даври Едгор Исҳоқов тақдирида бурилиш ясади. У Жумбулбулдек буюк халқ шоирининг олқишини олган Ислом Назар ўғлидан дўмбира чертишни, терма ва достон куйлаш усулларини ўрганди, энг муҳими, 1963 йил қалдиргоч шеърий тўпламлари — «Куйла, дўмбирам» нашр этилди. Шундан сўнг, «Дўмбирамнинг қўшиғи» (1972 йил), «Қўшиқнинг парвози» (1976 йил), «Дўмбирамда булбул навоси» (1982 йил), болаларга аталган «Гулиой билан Чўливой» (1973 йил), «Саволжон билан Биларжон» (1975 йил) тўпламлари ўз ўқувчилари қўлига бориб тегди. Бу тўпламларга кирган шеър, достонларида шоир-бахши халқимизнинг гўзал ҳис-туйғуларини тараннум этади, фаровон турмушимизга, — кўзга тушган чўп каби, — халақит бераётган камчиликларни бадиий фош этади. Хуллас, ўз дўмбираси пардаларини замона авжларига мос тушадиган қилиб созлайди. Унинг «Биби Муаззам», «Яхшигул» кичик достонлари фикримиз далили бўла олади. Чунончи, «Биби Муаззам» достонида халқимизнинг 1966 йилги Тошкент зилзиласи даврида яна бир марта ёрқин намоён бўлган қаҳрамонлигини, барча қардош совет халқлари дўстона ёрдамини бадиий тасвирлайди.

Мамлакатимиз, республикамиз ободлигини, халқимиз фаровон турмушини мана шундай тарзда — чин дилдан севиб куйлайдиган Едгор бахши Исҳоқов янада тўлиб-тошиб ижод қиладиган фаслига етиб келди — 60 ёшга тўлди. Биз уни шодиёна куни билан табриклаймиз, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, баланд парвоз тилаймиз.

М. ҚУШМОҚОВ

Дашт бўйлаб қўзғолди қумонлар кўчи,
Шовқин солиб борар буюк Дон сари.
Бамисли оққушлар тўдаси чўчиб —
Учгандай... чайқалар аравалари.
Ярим тун қўйнини тўлдирган сурон,
Самони бўғади қалтироқ даҳшат,
Қарғалар ўзини уради ҳарён,
Отлар дупуридан тўлғанар зулмат.
Дон томон буради Игорь отини,
Ортидан изғийди қора қузғунлар.
Бўрилар сезгандай қоннинг тотини,
Жарликлар оралаб изма-из кезар,
Калхатлар силкинар ўлжага ташна,
Ёвуз руҳ сингари қоқарлар қанот.
Тулкилар акиллар олисдан қараб,
Қизғиш қалқонларга, қўрқув ҳатто ёт...
Отлар пишқиради зулмат қўйнида,

Кумуш узангилар жаранги маъюс.
Игорь шон излайди дарё бўйидан,
Довонлар ортида қолиб кетди Рус!

* * *

Тун оғир чўзилди, тун — қора хаёл.
Мудроқ босди ҳатто булбуллар куйин.
Зоғчалар шовқини тинмайин алҳол —
Тонг нури уфқда бошлади ўйин.
Руслар ўраб олди тутишиб қалқон
Қалин туман босган қумонлар даштин.
Ўзига ўлжаю, княз учун шон —
Излашар сургали ғалаба гаштин.
Қон билан йўғрилди жума саҳари,
Туёқлар остида эзилди бошлар.
Қочди қумонларнинг мағлуб лашкари,

Қонларга бўялди, майсалар, тошлар.
Асира қизлару ўлжа-беҳисоб.
Зар-кумушга тўлди қўйин-қўнжилар.
Зебу зийнатларни олдилар тўплаб,
Отларга ёпилди чакмон-пўстинлар.
Ботқоқ, кўлмакларга отдилар сўнгра
Ортиб қолган ўлжа — бойликлар барин
Босқилаб-янчдилар аямай сира —
Олқишлаб князнинг тонгги зафарин.
Баланд кўтарилди князлик туғи,
Кумуш даста узра ҳилпирар байроқ.
Ғолиблик шавкати князга насиб,
Ботир навкарларга — асира қизлар.
Отлар ҳам ғалаба гаштини сезиб,
Яйдоқ ўтлоқларда депсиниб кишнар...

Едгор ОБИДОВнинг
шеърий таржима-баёни

СОҲИЛ


Таниқли француз олими О. Шевалье Африканинг ғарбдан шарққа томон кўпминг километрлаб чўзилиб кетган кенг қурғоқчил зона чегарасини биринчи марта саҳритада қайд қилган эди. У 1900 йилда бу зонани Соҳил деб атади. Чунки арабчада «Соҳил» «қирғоқ» деган маънони англатади. Ифодали қилиб айтганда, мазкур соҳил Саҳройи кабирни пайдо қилган улкан қум океанидир.

Ғарингарчиликлар миқдорига қараб Соҳил чегараси муттасил ўзгариб турибди. Кейинги ўн йилликда ёмғир бу ерда жуда ҳам кам тушмоқда. Оқибатда Соҳилнинг 150 минг километргача чўзилган қисми саҳрога айланди. Мутахассислар ташвишга туша бошладилар. Оби-ҳаво ҳақидаги тахминлар 50 йилдан кейин уч ва ҳатто тўрттача мамлакат территорияси саҳрога айланиб қолиш эҳтимоли борлигини кўрсатмоқда.

Соҳил зонасидаги ерлар эса тобора қумлоқ ва тошлоққа айланиб бораётир. Унда қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш амримаҳол бўлиб қолди. Шундай қилиб, бу жойларда озуқа имкониятлари кескин камайиб бормоқда. Олимлар қурғоқчилик оқибатида саҳрога айланиш жараёни кучайган ҳозирги шароитда мавжуд яйловлардан тўғри ва тежаб фойдаланиш йўли билангина бу жойда ҳаётни муҳофаза қилиш мумкин, деган хулосага келдилар.

Яқинда Сенегалда мамлакатнинг Соҳил зонасидаги территориясида иқтисодий ривожланишни таъминлаш масаласига бағишлаб ўтказилган анжуманда ҳам шу муҳим муаммо ҳақида гап борди. Йиғилиш қатнашчилари бунинг учун Соҳил зонасида жойлашган мамлакатларнинг ҳамкорликда кўпжиҳатлама иш тутишлари зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Соҳилда, 1941—1942 ва 1972—1975 йилларда бўлганидек, қурғоқчилик вақти-вақти билан такрорланиб турибди. Бундай шароитда, агар олди олинмаса, Соҳилнинг қарийб ҳамма территорияси поёнсиз саҳрога айланиши мумкин. У ҳолда, биринчи навбатда, у ерда яшаётган 32 миллиондан ортиқроқ аҳоли қурғоқчилик азобини тортади.




Ҳа, Соҳил кўчмоқда, унинг туб аҳолиси ва молбоқарлик отамерос бўлган туарегилар ҳам кўчманчи бўлиб яшашга мажбур бўлмоқдалар. Улар жазирама иссиқ авжига чиқиб, қудуқлар қуриган пайтларда молларини узоққа — сув бор жойларга ҳайдашга мажбур бўлмоқдалар.

Г. ЧАРОДЕЕВ



Фарғона районидаги Ильич номли колхознинг илғор чўпони Зокиржон Худойберганов (ўртада), зоотехник Аҳмадали Акбаралиев, қўйчилик фермасининг мудири Исроилжон Маъқулов.

Ш. Алимов фотоси (ЎзТАГ)



Яйловда. А. Абалян фотоси

Инсон ва табиат

ЗИЛЗИЛА ДАРАКЧИЛАРИ

Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг Олмаота яқинидаги Зилзилашунослик институти экспедицияси ҳузурида биозилзилашунослик майдони барпо этилган. Бунда ерости силкинишларини олдиндан билишда қушлар, илонлар, чумолилар ва кемирувчи ҳайвонлардан фойдаланиш мақсад қилиб қўйилган.

Бошқа табиат офатлари каби ер қимирлашини жониворларнинг олдиндан сездириши ҳақидаги маълумотлар тарихдан бизга маълум. Қозоғистонлик олимлар чиндан ҳам жонли «зилзила даракчилари»дан фойдаланишга қарор қилдилар. Табиатшунос ва адиб, биология фанлари доктори, профессор Павел Мариковский мана шу ғаройиб лаборатория борасида сўзлаб беришдан аввал яқинлашиб келаётган ерости офати сигналини жониворлар жуда ҳам сезгирлик билан пайқашини исботловчи ажойиб далиллар хроникасини олдимга қўйди.

Италия, Калабрия, 1783 йил, 5 февраль. Зилзиладан илгари ғозлар ғо-ғоқлаб, итлар ғиншиди. Айни бир вақтда денгиз юзасига жуда кўплаб балиқлар тўдаси сузиб чиқди.

Россия, Камчатка, 1792 йил, 23 август. Ер силкинишидан икки соат муқаддам қушлар, айниқса, қалдирғочлар кучли безовталанди. Биринчи силкиниш олдида эса қушлар бутунлай кўздан ғойиб бўлишди.

Япония, Эддо, 1855 йил, 11 ноябрь. Офатдан уч ой бурун қишлоқларни қарғалар тарк этишди. Ўн кун қолганда товуқлар чордоқларга, катакларга киришдан бош тортдилар. Уч кун илгари барча моллар молхоналардан чиқиб кетишди. Зилзила айни бошланиши олдидан денгиз қисқичбақалари қирғоққа ёпирилишди, ҳатто илонлар ининдан чиқиб қорда ўрмалаб қолишди.

— Бугунги кунда олимлар зилзилани олдиндан хабар қилиши учун жониворларнинг «ақли»га таъсир этадиган атроф-муҳитдаги номўътадил ҳолни аниқ била оладилар, — дейди П. Мариковский. — Ер қобиғидаги микротебраниш активлиги, ҳаво босими ва жисмлар тортишувидаги ўзгаришлар, замин сувлари сатҳининг пасайиб-кўтарилиши, инфра ва ультратовушлар ҳамда электромагнит майдонларидаги жузъий ўзгаришлар, ердан газлар ажралиб чиқиши каби ҳоллар шулар сирасидандир. Кўриб турибмизки, буларнинг бари геофизик ҳодисалар. Зилзила даракчиси бўлган ҳайвонлар сонини тўлдириш, кенгайтириш зоологлар зиммасида.

Профессор Мариковский атроф-муҳитнинг таъсирини жониворларнинг безовталанишига боғлаб, қадимдан табиий ҳалокатларни қайси бир жонзот ўз вақтида пайқаса ва ундан қутула билса, ўша жонзот яшашга қодирдир, бу эса, узоқ тадрижий ривожланиш натижасида вужудга келган муҳофазавий ҳаракатдир, деб ҳисоблайди. Чунончи, бўлажак зилзиладан дарак берувчи товушларни махсус асбоблар — геофонларда ёзиб олиш ҳам мумкин.

Биозилзилашунослик майдонида бош даракчилар сифатида тоғларда яшайдиган қайсар йирткич ва қушлар, тиккасига 50 метр чуқурликда ўйиб ин қурадиган чумолилар ҳамда профессор Мариковский кемирувчилар ичида «энг ақлли намояндаси», деб ҳисоблайдиган суғурлар танлаб олинди.

Улар махсус ажратилган, ўзининг табиий хусусиятлари билан фарқ қиладиган чўл ерга жойлаштирилди. Уларнинг одатий ҳаётини олимлар ерости «мома-қалдироғи» билан назорат қилишни бошладилар.

ИККИ ЭРТАК

ЎҚИЛОН ВА НОН

Қадим замонда аллақайси бир шаҳар нонвойлари ўз ҳунарлари билан донг таратган эканлар. Нонни ҳеч ким уларчалик лазиз ва кўркам ёпа билмас экан. Шунинг учун улар яшайдиган жой «Сеҳргар нонвойлар маҳалласи» деб аталаркан. Бирор кимса сафарга чиқса: «Иўлда ҳамроҳим хавфу хатарлардан сақланишда мададкорим бўлади», деб ўзи билан нон олиб кетаркан. Кунлардан бир куни Қосим исмли йигит ҳам қўйнига нон солиб йўлга чиқибди. Йўл йиртқич ҳайвон ва қароқчилардан холи эмас экан. Энг даҳшатлиси тоғ ўнгирида ёвуз ўқилон яшар экан. Ўқилон кучли думи ила уриб қулоч етмас чинорни ҳам таг-томири билан ағдариб ташлар экан. Хуллас, яқинидан ўтган кимсани омон қўймас экан. Илон шу куни ўлжа топа олмай қаҳрига минган вақтда, сўқмоқ йўлдан келаётган Қосимни кўриб қолибди. Харсанг тош орқасига ўтиб пусибди, йигит яқин келиши ҳамоно тўсатдан сапчиб унинг кўксига зарб урибди. Лекин кутилмаган ҳодиса юз берибди. Оламни олов бўрони қоплагандай, тоғлар даҳшат билан қулагандай бўлибди. Оғриқ аламига чидай олмаган илон аранг кўз очиб, ўзини ерда чилпарчин ётганини кўрибди. Унинг заҳарли тишлари тутдай тўкилиб кетган эмиш. Йигит эса қаршисида омон-соғ турганмиш. Ўқилон ҳайратланибди.

— Вишшш... бу қанақаси бўлди? — деб қичқирибди у алам билан. — Бу қанақаси бўлди? Бир зарб билан қулоч етмас чинорни ағдариб ташлар эдим, уйдан катта тошларни тешиб ўтиш менга писанд эмасди! Энди келиб-келиб кимдан, сендан енгилиб ўтирибманми? Сен сабабли тишимдан айрилдим. Бунда бир сир бор, албатта. Айт, кимсан ўзинг, девмисан, паримисан?

Шунда йигит қўйнидан қуёш сифат порлаган гўзал нонни олиб кўрсатибди:

— Барча гап шу азиз нонда. Бунга сеҳримиз кучи, деҳқонлар, нонвойлар меҳнати сингган. Қуёш тафти, она юртимиз қудрати, меҳри сингган. Кўксимга қалқон бўлган бу азиз тилсимга тишинг ўтармиди?! Иўлимни тўсма, ёвуз!

Ўқилон судралиб жўнаб қолибди. Ўшандан буён кишилар кўзига қайта кўринмасмиш. Йигит эса йўлига равона бўлибди. Олис шаҳардаги қадрдон дўстлари, ўртоқлари билан омон-эсон дийдор кўришибди, юртига қайтганида нонни ҳам ўзи билан олиб қайтиб, ўпиб, эъзозлаб, сафаридан хотира сифатида уй тўрига илиб қўйибди.

ЯЛҚОВ АСАЛАРИ

Бор экан, йўқ экан, бир ялқов Асалари бўлган экан. Шериклари тинмай меҳнат қилиб ўзлари учун қишга асал тайёрласалар, ялқов Асалари тўғри келган жониворлар билан жанжаллашар ёки ухлаб бекорга вақт ўтказар экан. У бир куни Чумолини кўриб қолиб:

— Ҳой, ошна! — деб қичқирибди. — Терлаб-пишиб нима қилаяпсан? Юр, сайр қиламиз.

Чумоли катта бир донни уясига аранг тортиб бораётган экан, ялқовнинг гапига ғаши келиб:

— Сен билан валақлашувга вақтим борми? Дон тайёрламасак қишда оч қоламиз-ку, ундан кўра менга ёрдамлашиб юбор, — дебди.

— Ҳа, ҳа... мени ким деб ўйладинг? — деб керилибди ялқов Асалари. — панжамни чанг қилайми? Ўзим ишдан қочиб юрибман--ку... Сенга ёрдамлашаймиз? Ҳо... ҳо...

— Асаларилар меҳнаткаш бўларди, ҳамма уларга ҳавас қиларди. Иўқ, сен Асалари эмассан!..

— Ия, Асалари эканимга ишонмаяпсанми? Бирортани чақиб кўрсатайми?

— Ҳе, чақиш ҳам ишми. Ииқ-қан асалингдан гапир!

Бу гап ялқов Асаларига ёқмабди, ғўнғиллаб учиб кетибди. Кейин қорнини тўйғазиб роса ухлабди. Бир вақт уйғониб кун кеч бўлганини кўрибди, уясига ошиқибди. Салқин тушиб, ел қўзғалиб, булутлардан йиримирик томчилар тома бошлаган экан. Асаларилар уяси бўлса гавжум, илиқ, қуруқ ва асал исларига тўлган. Оҳ, қандай яхши! Лекин уя олдидаги икки жаҳлдор соқчи ялқов Асаларини ичкарига қўйишмабди.

— Тўхта! Орқангга қайт, сенга бу уядан жой йўқ!

— А, нима? — гапга ишонмабди Асалари. — Бу менинг уям-ку, нега кира олмас эканман? Ахир... Емғирни кўринг, чарчаганман... Очман...

— Нима, ишлаб чарчадингми? Кун бўйи санқиб, уяга бирон томчи ҳам шарбат олиб келмадингку. Бу уя меҳнат қилганларники, жўна!

— Жон амакилар, совуқ қотдим...

Лекин соқчилар уни ҳайдаб ўзлари уяни ичкаридан бекитиб олишибди. Емғир кучайибди, ялқов Асалари оқимга тушиб қолибди, сув уни оқизибди, чарх-палак қилиб айлантирибди, комига тортибди. Асалари тўлқин билан олишаверибди, ўлар ҳолатга етибди, охири бир чўпга ёпишиб олибди. Тўлқин уни қирғоққа улоқтирибди. Тинка-мадори қуриган ялқов Асалари ниҳоят отқулоқ баргига ёпишиб, титрабқақшаб тонг оттирибди. Охири қуёш кўринибди. Унинг зар нурлари оламни яшнатиб, ярқиратиб юборибди. Асалари қуёш нуридан жонланиб ўзига келибди. Қанотларини ёйиб қуритибди ва учибди. Тирик қолганига, яна гулзорда учиб юрганига хурсанд бўлибди. Ана шундан кейин гул ширасини йиғиб уясига таший бошлабди. Ҳамма уни ҳурмат қила бошлабди. Ҳатто асаларилар маликаси ҳам:

— Балли! Ишчанлик шаънимизга доғ тушмайдиган бўлди! — дебди.

Турғунбой ҒОЙИБОВ

ИЛК ҚЎЛЛАНМА

Тарихчи олим О. Эшқувватовнинг «Осиё ва Африка мамлакатлари энг янги тарихи совет историографияси» (1918—1984 йиллар) китоби совет олимлари томонидан Осиё ва Африка мамлакатлари тарихининг назарий ва амалий масалаларининг чуқур илмий таҳлил қилиниши ҳамда Осиё ва Африка мамлакатлари халқлари тарихий тараққиёти йўллари ва ўзига хос хусусиятларини белгилаш проблемаларига бағишланган.

Қўлланма олимнинг узоқ йиллар давомидаги илмий ва амалий изланишларининг натижасидир. Китоб 6 бобдан иборат бўлиб, кириш ўрнида берилган 1-бобда Осиё ва Африка мамлакатлари курсига оид қўлланмалар ва дарслик тўғрисида фикрлар умумлаштирилган.

II бобда эса илмий коммунизм асосчиларининг Осиё ва Африка мамлакатлари тарихининг туб проблемаларини ишлаб чиқишга қўшган ҳиссалари, бу муҳим мероснинг назарий ва методологик жиҳатдан катта аҳамияти масалаларига ўрин берилган.

К. Маркс билан Ф. Энгельснинг тўрт юздан ортиқ асарида бу масала тарихи илмий асосда баён этилганлигини автор алоҳида уқтириб ўтади. Шунингдек, китобда К. Маркс ва Ф. Энгельснинг Шарқ халқлари миллий мустамлака ва миллий-озодлик кураши тўғрисидаги назарияси катта тарихий аҳамиятга эга эканлиги ва В. И. Ленин асарларида бу назария янада ривожлантирилганлиги масалаларига алоҳида ўрин берилган.

Дарҳақиқат, В. И. Ленин Шарқ ва Африка мамлакатларининг тарихини ўрганишда янги марксча йўналишга асос солди. Унинг назарий хулосалари марксча-ленинча шарқшунослик ва африкашунослик учун дастуриламалдир. Совет олимларининг В. И. Ленин ғоялари Шарқ халқларининг ҳозирги озодлик курашида катта роль ўйнаганлигига бағишланган асарлари ғоят аҳамиятлидир. Муаллиф Марказий Осиё мамлакатларининг энг янги тарихи совет тарихшунослиги (III боб) ҳақида фикр юритар экан, Япония, Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси тарихининг совет тарихшунослигида ўрганилиши ҳақида муфассал тўхталади ва бу масалада ўз нуқтаи-назарини принципиал баён этади. Китобда Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари совет тарихшунослиги (IV боб), биринчи навбатда, Индонезия, Филиппин, Вьетнам, Таиланд, Бирма, Лаос, Кампучия тарихини СССРда ўрганиш икки босқичга бўлиб баён қилинади.

Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари энг янги тарихи совет тарихшунослигига (V боб) хос масалаларни муаллиф изчил очиб беради. У Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Туркия тарихининг совет олимлари томонидан даврларга бўлиб ўрганилишини кўрсатиш билан бирга, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бу мамлакатларга таъсирининг оламшумул аҳамиятига эътиборни қаратади.

Муаллиф Африка тарихи ҳақида фикр юритар экан, мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейингина Африка тарихини чинакам ўрганишга киришилганини, кейинчалик эса совет олимлари Африкадаги давлатларнинг энг янги тарихига доир бир қанча муаммоларни тадқиқ этишда муайян муваффақиятларга эришганликларини мамнуният билан қайд этади.

Умуман, мазкур қўлланма Осиё ва Африка мамлакатлари тарихи курсини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Нортош УЛЖАБОЕВА,
Юсуф МАНЗАРОВ

БУ ҲАМ БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ИШ

Меъёри билан бадантарбия қилган одамга дард яқин йўламайди.

ИБН СИНО

Бекободнинг «Металлург» командаси Муборакнинг «Факел» футболчилари билан соврин учун баҳслашарди. Команда тренери Шоҳидбек Йўлдошевнинг ёнида ўйинни кузатаётган Бекобод шаҳар физкультура ва спорт комитетининг бошлиғи Собир Миркамолов ҳаяжонини яширолмас, унинг бутун вужуди билан ўз командаси учун куйинаётгани сезилиб турар эди.

— Биласизми, бизнинг командамиз область биринчилигида, рақибларимиз эса, республика чемпионатида қатнашади. Бу ғалаба бизга ниҳоятда қимматли бўлди. Биринчидан, команда тарихида илк марта Ўзбекистон кубогини қўлга киритдик, қолаверса, келаси мавсум республика чемпионатида қатнашадиган бўлдик, — деди фахр билан у.

Бекободда бўлгани каби, Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли агросаноат бирлашмасида ҳам спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

— Бекорчиликдан бемазагарчилик келиб чиқади, — дейди бирлашма бош директори Жўра Хоназаров. — Кейин, мен сизга айтсам, ҳозирги кунда спортнинг фойдасини ёшу қарига тушунтириб ўтирмаса ҳам бўлади. Спорт билан мунтазам шуғулланаётган ишчи, хизматчилар сафи кун сайин ортиб бораётганлигини кўрмоқчи бўлсангиз, стадионимизга келинг, ўз кўзингиз билан кўриб ишонч ҳосил қиласиз. Яқинда бирлашма стадионида катта маданият ва спорт байрами бўлиб ўтди. Унда райондаги аксарий хўжаликларнинг бадиий ҳаваскорлари ва етук спортчилари қатнашдилар. Ҳатто байрамга қўшни район ва шаҳарлардан меҳмонлар, шу ишга мутасадди раҳбарлар келишди. Улар катта спорт байрамидан мамнун қайтатуриб, ўз хўжаликларида ҳам бундай тадбирларни ўтказишни дилларига тугиб қўйган бўлсалар, ажаб эмас.

Тошкент области миқёсида қарайдиган бўлсак, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози, Олмалиқ Кон-металлургия комбинати спортчилари олиб бораётган ишлар ҳам эътиборни тортади.

Бекободлик Эдем Муродасиловнинг номи ҳам спорт мухлисларига яхши таниш. У — СССР ва жаҳон биринчиликларининг совриндори. Олмалиқлик Жаббор Абдужабборов эса совет спорти шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилмоқда. А. Шилкин, Э. Атамановлар бўлса, СССР терма командаларига номзод. Бу борада спортчи хотин-қизлар ҳам эркаклардан орқада қолмаётирлар. Масалан, «Политотдел»нинг хоккейчи қизлари мамлакат чемпионатининг олий лигасида, «Соҳибкор» футболчилари эса, СССР биринчилигининг иккинчи лигасида муваффақиятли қатнашмоқдалар.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида: «Клуб муассасалари ва спорт ташкилотлари совет кишиларининг бўш вақтларини фойдали ўтказишларини ташкил этар эканлар, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда уларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини оширишга ёрдам беришга даъват этилганлар», дейилади. Яъни қаерда меҳнаткашларнинг дам олишлари кўнгилли ташкил этилса, уларнинг меҳнатдаги иш унуми ҳам шунчалик юқори бўлади.

Урни келганда шуни ҳам эътироф этиш керакки, ҳамма ерда ҳам саломатлик гарови бўлган спортга жиддий эътибор берилаяпти, деб бўлмайди. Чунончи, ҳозир Тошкент области қишлоқларида спортчиларнинг сони атиги 160 минг кишини ташкил этади холос. Тўғри, кейинги беш йилда уларнинг сони 30 минг кишига ортиши мўлжалланмоқда. Барибир шунда ҳам бу кўрсаткич бугунги талаб даражасида эмас. Шуниси ҳам борки, қатор район ҳамда хўжаликларда физкультура ва спорт ишлари қониқарсиз ташкил этилган. Мавжуд стадионлар, спорт комплексларидан ўринли фойдаланилмаяпти. Жумладан, Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз стадионининг бугунги аҳволи кишини ачинтиради холос. Илгари қўшни «Политотдел» спортчилари билан доимий рақобатда бўлган Свердлов номли колхоздаги спорт ишлари жуда яхши йўлга қўйилган эди. Бугунги кунга келиб хўжаликнинг аввалги довруғи йўқолди. Нега? Буни фақат раҳбарларнинг эътиборсизлиги-ю, ёшларнинг ташаббус кўрсатмаётганликлари оқибати деб баҳолаш керак. Яна битта мисол: Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз — йирик, бой хўжаликлардан. Бу ерда уч йил муқаддам хайрли ишга қўл урилди. Стадион қурилиши бошланди. 15 минг сўм пул сарфланиб, у-бу ишлар қилинди. Лекин бошланди-ю ташланди. Бошқача қилиб айтганда, халқнинг қанчадан-қанча пули ҳавога совурилди.

Чиноз райони маркази ҳам ҳашар йўли билан стадион бунёд этилди. Лекин стадионида ўтказилаётган тадбирлар номигагина олиб борилаяпти. Аҳён-аҳёнда футболчилар машқ қилишади. Бошқа пайтда стадион ҳувиллаб ётади.

Тошкент райони марказидаги стадионнинг аҳволи ҳам ундан яхши эмас. Хуллас, областда ҳали ҳам спортга эътибор бермаётган ёки бу соҳага иккинчи даражали иш деб қараётган раҳбарлар йўқ эмас. Ўз ишларига совуққонлик билан қараётган бундай кишилар келажакда уялиб қолишлари турган гап.

Табиий, ҳамма соҳада бўлганидек, спортга ҳам меҳр керак. Бу ишга раҳбар бош-қош бўлса, қандай яхши. Спорт ҳамма ерда, ҳамма учун зарур. Бугунги кунининг талаби ана шундай.

Шаробиддин УМУРЗОҚОВ



Еш футболчилар.

ҚУМГА БОТАЁТГАН ПОЙТАХТ

Мавританиянинг ҳозирги пойтахти Нуакшот шаҳрига асос солинганига атиги йигирма саккиз йил бўлди. Эндиликда бу шаҳарнинг табиий хавф остида қолаётгани маълум бўлди. Чунки мазкур шаҳарга ҳар йили йигирма метр тезлик билан Саҳройи кабирнинг қумлари бостириб келмоқда. Шаҳарнинг айрим мавзелари аллақачон қумга ботиб бормоқда.

«Мамлакат пойтахтининг шу ерга қурилгани нотўғри бўлган экан, — дейди қумларни тўхтатиш лойиҳасининг раҳбари Муҳаммад Ульд Абби. — Мана энди шаҳарни ҳимоя қилиш чораларини кўришимиз зарур».

Лойиҳага кўра, вазифа шаҳарга хавф солаётган ўн учта энг катта қум барханини тўхтатиб туриш ҳамда янгидан пайдо бўладиган ва ҳамиша кўчиб турадиган қум барханлари юзага келишининг олдини олишдан иборатдир. Бунинг учун барханлар устига ихрож ўсимлиги (заҳарли оқ шира чиқарадиган ўт) иҳота қилиб экилади ва уларнинг томирлари қум остида зайтун дарахтининг томирларига чирмашиб кетади. Маълумки, ихрож чуқур илдиз отади, лалми ўсимлик. Шамоллар ҳам унга писанд эмас. Шу тариқа иҳота бўлиб ўсган ўсимликлар барханлар ҳаракатини тўхтатади, бора-бора қум тепачалари ўрталигидаги пастқамликлар ҳам аста-секин қум билан тўлади. Кумдан пайдо бўлган текисликда яна ихрож ўсимлиги ўстирилади. Бу нарса ўз навбатида шу ернинг ўсимликлар дунёси учун қулай микроиқлим яратишга олиб келади. Ҳақиқатан ҳам, ихрож ўсимлиги ўстирилган айрим жойларда аввал йўқолиб кетган айрим гиёҳ турлари уна бошлади.



Эргаш МУҲАММАД

МИШ-МИШЧИЛАР

Миш-мишчилар кошки фақат
Юрса гапни гапга улаб,
Гоҳо улар миш-мишидан
Харсанглар ҳам кетар қулаб.
Миш-мишчилар оғзига гар
Тушиб қолсанг — уйинг куяр:
Е шиширар шардек пуфлаб,
Е устингдан тупроқ уяр...
Ахир, айтинг, насимийлар
Терисини кимлар шилар?!
Асли шилган жаллод эмас,
Гап тарқатган миш-мишчилар!

Туновгина икки қўшни
Яшардилар тотув-иноқ.
Ҳаётлари ўтар эди
Кундан-кунга жуда қувноқ.
Гап чиқдики, икки қўшни
Беҳудага эмас тотув —
Бир-бирининг хотинини
Йўлдан урар: муғомбир, қув.
Икки иноқ қўшни бугун
Бўлди жиққа мушт-муштчилар.
Уларнинг ҳам жанжалига
Асли сабаб миш-мишчилар!

Не дердингиз тарқаса гап:
«Қўғирчоқлар фабрикаси
Қитмирларга тўла эмиш,
Чиқмас эмиш аммо саси:
Улар барча бошлиқларин
Одамликдан ўчирганмиш,
Маймуннусха, айиқнусха
Қўғирчоққа кўчирганмиш...»
Авжга чиқар текшир-текшир,
Сўроқ берар кўп ишчилар.
Шундай: йўқни йўндиришга
Қодир эрур миш-мишчилар!

Гоҳо улар «охир замон»
Яқинлигин юрар вайсаб.
Гар ишонсак, бахтли дамда
Ғамга ботиб, ёш ичилар.
Лекин кўплаб лақмаларни
Ишонтирар миш-мишчилар!

Қорани оқ қилар улар,
Кулга белар тўкисни ҳам.
Миш-миш билан ҳатто эгиз
Туғдиришар ҳўкизни ҳам.
Зеро, миш-миш ўзида ҳам
На ота бор, на она бор.
Лекин ногоҳ бўлиб пайдо,
Тилдан-тилга кўчар бедор.
Сўнг миш-мишлар кемасига
Тушиб қолар кўп кишилар.
Қулоқ берсанг, миш-миш кўлга
Чўктиради миш-мишчилар.

Миш-мишчилар кошки фақат
Юрса гапни гапга улаб.
Гоҳо улар мишмишидан
Қоялар ҳам кетар қулаб.
Миш-мишчилар уруғи кўп,
Изғиб юрар жарми-зовми.
Ичиқора, худбин, бахил,
Иғвогар ҳам улар қавми.
Билиб қўйинг, қайда агар
Чиқиб қолса мушт-муштчилар,
Жанжалига сабабчидир
Ичиқора миш-мишчилар!..

ЮМАЛОҚ ХАТЛАР

Аён, букун ўз-ўзин танқид
Ошкоралик тусини олди.
Иғвогарлар кўнгли бундан хит,
Қўли-қўлга тегмайин қолди,
Мукка тушиб ёзар туну кун,
Еддан чиқмас ҳеч бир идора.
Хатни йўллаб юради беун,
У деб қанча одам овора.
Пар-пар ёғиб асабинг ўйнар,
Лайлакқормас — юмалоқ хатлар.
Кўзга кўнар, юракка кўнар —
Қайга бормас юмалоқ хатлар?!

Уғил туғиб қолса хотини,
Меҳмон бўлган дўстларин санар,
Қаро қилиб дўстлар отини,
Имзосиз хат ҳар томон жўнар.
Еки топиб эл аро ҳурмат,
Кимдир биров бахт болин шимса,
Юмалоқ хат қопади ҳурмай,
Олкишлайди номаълум кимса...
Пок қалбларни мўлжалга олиб
Тинмай қопар юмалоқ хатлар!
Эгасини олдига солиб —
Қачон топар юмалоқ хатлар?!

Шундай бир хат урушдан аввал
Еган неча саркарда бошин.
Бегуноҳдан бегуноҳ ҳар гал
Оқизади кўзларнинг ёшин.
Юмалоқ хат не пок инсонни
Касал қилиб ётқизди: инфаркт!
Вақтин сотиб, сотиб имонни,
Юмалоқ хат ёзганларга, марг!
Бунча изғир совуриб вақтни
Туссиз, безбет юмалоқ хатлар.
Кўролмайди ранг-тусли бахтни
Туссиз, безбет юмалоқ хатлар!

Аён, букун ўз-ўзин танқид
Ошкоралик тусини олди.
Номсизларга қилмайман тақлид,
Мардлар номин ёдимга солдим.
Қопонғич ит — юмалоқ хатни
Олкишлаган кимса менга ёв.
Ким ҳам суяр иғво, туҳматни,
Менинг сенга қаҳрим беаёв.
Евман ошкор, номсиз кимсалар,
Ездим сизга очиқ шеърий хат.
Сиз — йўқ, мен — бор, номсиз кимсалар,
Имзо чекдим: Эргаш Муҳаммад.

Ғаббос ҚАБИШЕВ

ҚИТМИР

ҲАЖВИЯ

Ўрознинг уйида ўн чоғли йигит меҳмон бўлиб ўтирардик. Ўроз лотереясига гилам ютиб олган, биз ўша ютуқни «ювиш» учун тўпланган эдик. Қиш. Ҳаво совуқ. «Ишдан келяпсизлар, иссиқ чой ичиб олинглар», деб Ўрознинг хотини чой олиб келди. Бизлар эса: «Энди ютадиган гиламларинг бундан ҳам катта бўлсин!» деб буғи бурқираб турган гўштли шилпилдоқ келишини кутиб ўтирар эдик. Мана, лаган тўла шилпилдоқ ҳам келди. Шилпилдоқ билан бирга биздан ҳам хурсандроқ бир киши кириб келди.

— Ассалому алайкум! — деди чақирилмаган меҳмон.

— Ваалайкум... — дедик биз.

— Кам бўлманглар, йигитлар! — деб илиққина жилмайди у.

— Кам бўлсак, сиз билан тўлсин, — дедик биз.

Ўроз негадир афтини бужмайтириб, тақсимча ва пичоқ олиб кирган аёлга қаради. Нотаниш киши бу ҳолатни сезмади ҳам. У илжайганича тўппа-тўғри Тўқоннинг олдидаги бўш стулга бориб ўтираркан:

— Бу киши тепамизда туради, қўшнимиз, — деди Ўроз ҳудди: «Келган одамга кет деб бўлмайди», деган маънода. — Қани, овқатга қаранглар.

Тепадан тушган қўшни (пишган гўшт ҳиди юқорига тез кўтарилса у айбдорми!):

— Шундай, отам, — деб жилмайиб таомга қўл узатди. Унинг Ўроздан миннатдор эканлиги билиниб турар эди...

Таом олдидан бир оз «майноб» бўлгани учунми, терлаб-тепчиб, танамиз яйраб, энди бир ашула айтсакмикин, деб турган кезимизда Ўрознинг тепа қўшниси ёнида ўзини жиддий тутиб ўтирган Тўқонга тўсатдан:

— Сен кимсану мен кимман? — деб қолса бўладими!

Тўқон кулди.

— Сен кулма!.. Қани айт-чи, сен кимсану мен кимман?! — деб ўдағайлади ҳалиги киши.

Тўқон яна бегидир кулди:

— Сиз Ўрозхоннинг қўшнисисиз, мен унинг ўртоғи Тўқон Бўлегеновман.

— Йўқ, сен тўғрисини айт! Сен кимсану мен кимман?

— Қўшни, сал оғирроқ бўлинг, — деди Ўроз жиддий оҳангда.

Қўшниси унинг гапини писанд ҳам қилмади. Қайтанга у Тўқонга ўдағайлаброқ:

— Сен кимсану мен кимман? — деди.

— Бир чекиб келмасам... — деб Тўқон ўрнидан туриб коридорга чиқиб кетди. Ўрознинг қўшниси энди бу ёнида ўтирган Еқубга ўгирилди:

— Сен кимсану мен кимман?

— Қўшни, энди бас қилинг! — деб Ўроз яна бир марта огоҳлантирди уни.

— Қани айт-чи! Сен кимсану мен кимман?

Ўроз энди ўрнидан тура бошлаган эди, мен, сабр қил, дегандай унинг костюми барини тортдим.

— Сен кимсану мен кимман?

Еқуб гўё ҳеч нарса эшитмаётгандай тез-тез чой ҳўплаб, бўзариб ўтирар эди. Ундан нарироқда ўтирган Дуйшан тоқати тоқ бўлиб, ҳалиги одамга ўқрайиб қараб қўйди.

— Мана бу дард устига чипқон бўлди-ку, а? — деб гўё уни биз етаклаб олиб киргандай Сакен ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди.

— Айтасанми-йўқми? Сен кимсану мен кимман?

У бечора қачонгача ингичка бўйинини чўзиб, жавоб кутиб ўтиради?!.

— Бу қитмирнинг оти нима? — деб сўрадим Ўроздан.

— Дуғай.

— Дуға ака, бу ёққа, менинг олдимга келиб ўтиргин, ким эканлигингни айтиб бераман, — дедим унга.

У гапимга парво қилмай Еқубга ўдағайлади:

— Айт, сен кимсану мен кимман?!

У эгнидаги қора кўйлагининг ёқасини зарб билан тортиб юборган эди, икки-учта тугмаси учиб кетди. У Еқубни елкаси билан нуқиб:

— Ҳой, сенга айтяпман, сен кимсану мен кимман! — деди яна.

Унга жавоб бермасам бўлмаслигини сезиб, ўрнимдан учиб туриб, олдига бордим-да, икки елкасидан маҳкам қучиб кўтарганимча ташқарига отилдим.

— Ҳай, Қосим, бу нима қилганингиз, балосига қолиб юрманг тағин! — деб Ўрознинг хотини Комила зорланиб қолди.

— Сен кимсану мен кимман? — деб ҳалиги одам йўл-йўлакай ўша гапини таъкидлар эди.

Уни тикка кўтарганимча йўл четида уйилиб ётган қорга отиб юбордим. У кўмилиб кетди, кейин жон ҳолатда ўрнидан туриб, уйга қараб интилди. Мен уни маҳкам ушлаб олиб, яна қалин қорга ағнатдим. У яна ўрнидан туриб, уйга қараб қочди. Мен яна ушлаб олиб, қорга бошини тиқдим.

— Вой-дод! Вой-дод, ўлдим! — деб у яна қочди.

Мен яна ушлаб олиб:

— Сен кимсану мен кимман? — деб уни яна қорга гуп этказиб отдим.

У ўрнидан зўрға туриб, худди қўлга тушган ўғридай икки қўлини тепага кўтариб, зорланди:

— Жон ака! Акажон! Қўйиб юбор, қўйиб юбор!

— Шу уйга яна қадам босасанми?

— Келмайман, акажон, келмайман!

— Агар ёлғон айтаётган бўлсанг, кейин мендан гина қилиб юрма!

— Тавба қилдим... акажон!

— Бўлмаса, йўқол!

У тура қочди. Мен секин юриб бориб, Ўроснинг уйига қайтиб келганимда тўртинчи қаватдаги эшик тарақлаб очилиб-ёпилди.

Қозоқчадан
Носир ФОЗИЛОВ таржимаси

ИКИР-ФИКРЛАР

«Сиз бир кундан ортиқ яшамайсиз».

(Меҳмонхона ходимининг меҳмонга эслатмаси).

* * *

«Уйда қайнонам билан уришиб ишга келдим, магазинда жаҳлим чиқиб, харидорга бақирдим. Директоримиз қўполлигим учун менга ҳайфсан эълон қилди. Аслида ҳайфсанни, менга эмас, қайнонамга бериш керак эди».

(Сотувчининг арзи).

* * *

«Ферма мудири Лочинбек Бургутов: «Мен қўй-қўзиларни бошимга кўтараман», деб бошидаги сувсар телпагини кўрсатди. Агар шундай бўлса, нима учун кундан кунга жониворларнинг туёғи камайиб кетаяпти?»

(Докладчига берилган савол).

* * *


«Соқивойни бўйнидан ипсиз боғлаб олган Ароқниса ниҳоят уни ҳушёрхонага етаклаб келди».

(Ҳаваскор қаламкашнинг очеркидан).

* * *

«Кайф келганда отангни аяма, деганларидек, ичиб олсам пиримни ҳам аямайман».


(Беандиша йигитнинг гапи).




Довон. А. Абалян фотоси

А. Абалян фотоэтюдлари

Лайлак келди, ёз бўлди.





Ўзин сувга солиб терак тиклар қад,
Қишлоқда алпқомат йигитлар кезар.
Қўлга қалам олган шоирмас фақат,
Қишлоқ манзарасин анҳор ҳам чизар.

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Сизга бахт ёр бўлсин, жаҳон хотинқизлари! (Д. Файзираҳмонов чизган плакат).

Зарварақнинг биринчи бетида: Узбекистон Компартияси XXI съезди делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мунаввар Исоқова ва унинг мусобақадоши — XXVII съезд шарафига бағишланган зарбдор ўн кунликлар ташаббускорларидан бири Волида Мусаева шогирдлари — ёш сут соғувчилар даврасида.

А. Жумаев фотоси

Почтачи келди!

Н. Муҳаммаджонов фотоси

Редакцияга келган бир босма тобоққача материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Журналнинг бу сонидаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталаридан фойдаланилди.

1-СОНДА БОСИЛГАН «ҚУШЛАР» ЧАЙНВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Зарғалдоқ. 2. Қораялоқ. 3. Қалдирғоч. 4. Читтак. 5. Калхат. 6. Тувалоқ. 7. Қашқалдоқ. 8. Қорашақшақ. 9. Қарқуноқ. 10. Қирғовул. 11. Лойхўрак. 12. Каклик. 13. Куркинак. 14. Канарейка. 15. Анғирт. 16. Торғоқ. 17. Қизилоёқ. 18. Қанот. 19. Турна. 20. Аргус. 21. Семурғ. 22. Ғоз. 23. Зоғча. 24. Альбатрос. 25. Сассиқпопишак. 26. Какку. 27. Укки. 28. Ин.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), И. ҲАЙДАРОВ, О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ, К. ЯШИН

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 22.01.86 й. Босишга рухсат этилди 24.02.1986 й. Р—10614. Қоғоз 70×108 1/16. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 203109. Буюртма 2808. Нашр. А-111.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Аэробика.

Т. Горяева фотолари


Натюрморт: ошқовоқ — вазалар.

В. Жирнов фотоси



Йигирув цехида.





Гўзаллик ошёни.



Илк лолалар. Р. Ярулин фотолари

Сўнгги қор.



Баҳоси 35 тийин
индекс 75233.
ISSN 0134—2207